

84
к-24

ҲУСАН КАРВОНИИ

ИЛҒАБ БОРАЁТИР МЕНИ ФАСЛЛАР...



84/54)
K-84

Хусан КАРВОНЛИ

(22)18
K2

КОНТИЛ БИТИКЛАРИ

ИЛҒАБ БОРАЁТИР МЕНИ ФАСЛЛАР...

7877

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'ILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'ILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

“YANGI NASHR” NAHPIYETI
TOHIKEHT – 2010

ООО «Чиринская городская типография» Зак. 1096-1000

84(5Ў)
К24

Карвонли, Хусан.
Илғаб бораётир мени фасллар... /Х. Карвонли. — Тошкент:
Yangi nashr, — 144 б.

ББК 84(5Ў)

Истеълоли журналист ва ижодкор Хусан Карвонли қала-
мита мансуб “Илғаб бораётир мени фасллар...” китоби иж-
тимоий ҳаётимизда рўй бераётган реал воқеликлар асосида
ёзилган мақолалардан иборат бўлиб, улар мавзу жиҳатдан
долзарблigni, ўзига ҳос усули ва тасвирчанлigni билан эъти-
борга лойиқдир.
Ўйлаймики, ушбу китоб Сиз азиз китобхонларга ман-
зур бўлади.

ISBN-978-9943-330-74-0

© Хусан Карвонли
© “YANGI NASHR” нашриёти, 2010 йил.

Илғаб бораётир мени фасллар...

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИ

Журналист учун муҳими ўз Сўзини айтиши. Бундан
ҳам муҳими — **КЕРАКЛИ СЎЗНИ** айтиши! Мавзу кўнчи-
лик қаламга олаган, мулоҳаза юритган мавзу бўлиши мум-
кин, аммо ўз мустақил фикринг, ўз принципинг, янгича
ёндашувинг бўлмаса, ёзганларинг бировнинг ёдида қоли-
ши, унга таъсир этиши кўйин. Яна, ифода усули, таъ-
сирчан тил ҳақида ҳам гапириши мумкин. Мавзу долзарб
бўлса-ю, мақола ҳисси, қолинга тушган сўйқа тилда
ёзилган бўлса, унинг тасвирчанлigni, бировага фойдаси
тегиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хусан Карвонли ана шундай қолинларга тушиб ёзиш-
дан қочади. Унинг бундай уринишлари, айниқса, «Ароқ
ичганимиз?», «Мақтабдан қочиб кетган келинлар»,
«Қулларнинг аввали», «Афсуски, тахминим тасдиқлан-
ди», «Адабиётим, литература?», «Стоварт Литт»ани
кўрганмизми?», «Ойла — миллат кўргони» каби мақо-
лаларида биллинади. Бу мақолаларнинг ҳар бири ўз вақ-
тида жамоатчиликда фикр уйғотгани билан аҳамият-
лидир.

Хусаннинг мақолаларига ҳос яна бир хусусият — у
ҳар бир мақоланинг бошланиши ва якунига жиддий эъти-
бор беради, сўзни беҳуда сарфламасликка интилади. Ми-
солларни ҳам кўнчинча ён-верига кечаятган реал воқе-
ликдан, ўз ҳаётидан оладики, бу мақоланинг аромфаҳм-
лигини, ифодавийлигини таъминлайди. Баъзи мақолала-
ридаги номористик руҳ, муомалага олиб кирилган те-
ран маъноли жайдари шева сўзлари тасвирчанликни
янда оширади.

«Илғаб бораёттир мени фаслар...» китоби ўзбек журналистикасида ўз ўрнини топишга дади урниниётган бир олоғқалб ижодкорнинг кўнгили битикларидир. Ундан ўрин олаган ҳар бир мақола ёки суҳбат фикр уйғотилади, янги-янги фикрларнинг турлишига туртки беради, деб ўйлайман.

Махмуд САБДИЙ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Илғаб бораёттир мени фаслар...» китоби ўзбекистон журналистикасида ўз ўрнини топишга дади урниниётган бир олоғқалб ижодкорнинг кўнгили битикларидир. Ундан ўрин олаган ҳар бир мақола ёки суҳбат фикр уйғотилади, янги-янги фикрларнинг турлишига туртки беради, деб ўйлайман.

БИРИНЧИ ФАСЛ

МАКТАБДАН ҚОЧИБ КЕТГАН КЕЛИННАР

Илғаб бораёттир мени фаслар...» китоби ўзбекистон журналистикасида ўз ўрнини топишга дади урниниётган бир олоғқалб ижодкорнинг кўнгили битикларидир. Ундан ўрин олаган ҳар бир мақола ёки суҳбат фикр уйғотилади, янги-янги фикрларнинг турлишига туртки беради, деб ўйлайман.

КУНЛАРНИНГ АВВАЛИ

Она Еримиз Яраттанинг изми ила куёш нурларини янги соғинч билан эма бошлади. Табиат яна кўк хирқасини кийди. Умримизнинг яна бир бахори келди. Кўкларимлар ила буй кўрсатган янгилик кўнглимизга энтиқини индиради. Шу лаҳзаларда инсон табиат билан муштарақ эканлигини ҳис қилади...

*Боғларда, қишлоқларда, тоғларда,
Даштларда кўкларим, кўкларим.
Кўнглимлар ювинлар доғлардан,
Дилларда — хушрамалик, йўқ алам.*

Табиатдаги уйғониш руҳимизга қувват беради. Ўзимизни байрамларга чоғлаймиз.

Кўкларимнинг байрамлари кўп. Наврўз — уларнинг энг улуғи.

Тарихи уч минг йилдан ошадиган, доимо янги ва боқий, уйғониш, покланиш, меҳр, саховат, бириктириш, тинчлик тимсоли бўлган бу байрам ҳақида қанча гапирсак-да, ёзсак-да, оз. Туйғуларимизга жўшқинлик инган ушбу дамларда бахорий кайфият қўлларимизга куч бери.

Наврўзни алқатган не-не асарлар битилган. Алломаларимиз, шоирларимиз бу улуғ байрам ҳақида ўз сўзларини ёзиб қолдирганлар.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ЛУТФИ

Ҳазрат демишларки:

*Ҳар тунинг Қадр ўлбон,
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз.*

Бани одамга яхшилик тилагувчи буюк мутафаккир умрининг давомидаги ҳар бир тунинг лайлатуқлар кечасидек, ҳар бир кунинг Наврўз кунидек кечсин демоқда. Бу истақ замирида қандай ҳикмат яширин? Улуғ шоир нега

Нинда борайтир мени фасилар...

Кечалар ичида айнан Қадр кечасини, кундузлар ичида Наврўз кунини энг юксак мартабага кўтариб, қолган туну кунларнинг ҳам шундай бўлишини тиламоқда?

«ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛБОН...»

Муслмон аҳли ҳар йили бир марта бир ой рўза тутадилар. Мана шу 30 кунлик рўза давомида ҳар бир мўмин, энг аввало, нафсини тийган ҳолда Оллоҳ ибодати билан машғул бўлади. Ҳолбуки, Оллоҳ йўлида нафси тийиш ҳам ибодатдир. Муборак рамазон ойининг йигирма еттинчи кунини муслмон оламида энг улуғ кунлардан бири сифатида эътироф этилади. Чунки рамазоннинг йигирма еттинчи кечаси Лайлатуқлар кечаси ҳисобланади. Бу кечадан Қуръони каримнинг илк оятлари нозил бўлган, айнан мана шу кечадан Мухаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳнинг элчи фариштаси Жаброил алайҳиссалом билан дийдор кўришган. Бу кечадан ер юзига Оллоҳнинг раҳмати ёғилиб туради. Айтишларича, Қадр кечаси ҳар бир мўмин Оллоҳга ибодат қилиб, ундан тўноҳларини мағфират этишини сўраса, унинг ибодати Оллоҳ наздида қабул бўлса, тўноҳлари кечирилади. Айтадиларки, мана шу тўноҳ кечирилган банданинг қалбидан бир нур чиқар эканки, у нурдан арш ларзага келар экан. Шундан арш фаришталари Оллоҳдан сўраб экан: «Ё раббим, бу қандай нурки, аршни ларзага солмоқда?».

Шунда Оллоҳ жавоб берад экан: «Бу нур бутун ўз тўноҳларидан фориг бўлган банданинг қалбидан чиққан нурдир». Демак, Қадр кечасини белорлик билан ўтказган, Оллоҳга астойдил ибодат қилган киши мана шундай Оллоҳнинг ажрига етишар экан. Қадр кечаси ана шундай улуғ, марҳаматли кечадир.

«...ҲАР КУНИНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ»

Кўринадики, Қадр кечаси — тунларнинг шоҳи бўлса, Наврўз — кунларнинг подшоҳи. Хўш, Наврўз бу мартабага не учун лойиқ кўрилатир?

Наврўз нишонланган хозирги ҳисобимиздаги 21 март — бахорги тенгкунлик. Осмон илми соҳиблари —

астрономлар этирофича, бу куни Куёш ўзининг шараф буржи бўлиши — Ҳамалга қадам қўяди. Ернинг 360 даражали йиллик айланма ҳаракати ушбу кундан бошланади. Янги кун, янги йил бошланаётган даҳзаларда Ерта ўз таъсирини ўтказиб турувчи ўн икки юлдузнинг Куёшдан кейингиларидан: Ой — Асад буржида, Уторуд — Ҳамалда, Зухро — ўз шараф буржи — Ҳутда, Миррих — Сунбулада, Муштарий — Далвада, Зухал — Ҳамалда бўлиб, коинот сарвари шайнига олқишлар айтиб туришади. Уларнинг бир-бирларига хайрихоҳона назарлари Янги йилда фақат яхшиликлардан дарак беради.

Демак, Наврўз — Янги йил бошланиши, кунларнинг аввали. Ҳар нарсанинг боши эса доимо кишиларга шоду хурамлик келтирган, уларни эзгу орауларга, эзгу амалларга ундаган.

Наврўз — байрам. Байрам бўлганда ҳам энг улуғ байрам. Нетаки, у самовий низомларга алоқадор.

Навоий ҳазратлари Наврўзни «минг кечата тенг кеча» — Лайлатулқалр билан бир мақомга қўйганлари бежиз эмас...

БИЗНИНГ НАВРЎЗИМИЗ

Халқимизда кенжа ўғилга алоҳида меҳр билан қарашди. Оғзаки ижод дурдоналари — эртақларимизда улар акаларига нисбатан оқил ва ботир қилиб тасвирланиши шундан. Бу бежиз эмас экан. Бир француз психологининг фикрича, кенжа фарзандларнинг интеллектуал ривожланган бўлишига сабаб — катта фарзандлар туғилганда ота-она ҳали ёш, оилавий муаммолари кўп, фарзандга бериши мумкин бўлган тарбиявий тажрибаси оз бўлади. Кенжа фарзанд туғилганда эса, буларнинг акси. Менинча, бунда ёш асосий омил. Халқона қилиб айтганда, болаликда қувват оёқда, ёшликда белда, қариганда бошда бўлади. Бунча даромадни сизга бир болани таништириш учун келтирдим. Оти — Наврўз. Самарқанд вилоятининг Қизилқарвон қишлоғида яшайди. Эрол тоғанинг кенжаси. Наврўз унинг учун қўшша байрам. Гапнинг ўролидан сезган бўлсангиз керак: Наврўз Наврўзда туғилган!

«Ўнга кирдинг — сонга кирдинг» дегувчи эди раҳматли момом. Энди еттига кирётган бўлса ҳам Наврўзнинг сонга кирганига анча бўлган. Сўрасангиз, акаларини уалтириб, Курьондан тўрт-беш сурани тутимай айтиб беради. Шерларни-ку шариллатади, аиниқса, Ўзбекистон малҳиясини. Кўпайтириш ждалалини сув қилиб юборган. Дарвоқе, акалари гоҳо шумлик қилиб, бочкали аравани эшакка қўйишди-да, Наврўзни сувага жўнатишади. Шўям ишми унга? Катайса-ку!

Шунча мақтовга яраша битта камчилиги бор: ҳали исмидан бошқа сўзни ёзишни билмайди. Бунга са-ал ўйин-қароқчилиги сабаб бўлса керак. Балки, ҳали ўратилишмагандир. Нима бўлганда ҳам зехнди бола.

Қишлоққа борганимда мени кўртали уйимизга келди, бузуқ велосипедини ҳам судраб келибди, занжири чиқиб кетармиш. Мана бунинг бир ўк билан икки куённи уриш, деса бўлади. Уни меҳмон қилиш баробарида велосипеди билан андармон бўлдим.

Укаларим унинг гапларига қизиқиб, қитиқ патига тегишмоқчи бўлишди:

— Наврўз, Асилбек ёзишни билар экан, сен нимага билмайсан?

— Э-э, у мендан катта-ку! Мактабга борсам мен ҳам билман.

— Наврўз, отанг яхшими, энанг?

— Икковиям.

— Акаларингдан қайсисини яхши кўрасан?

— Ҳаммасини.

Менинг ҳам киштим келади:

— Қайсисини энг яхши кўрасан?

Раъйимни қайтаролмай, қўлоғимга шивирлайди:

— Бекзод акамни.

Шивир-шивир қиламиз:

— Нимага?

— Бекзод акам уришмайди...

Тўрт-беш оғиздан берилаётган саволларга бир ўзи жавоб қайтариб чарчаб кетди-да, ўйинга овунадми. Кетаетганида катталардек хайрлашади:

— Бўпти, момо, Хасан тоға, Хусан тоға, яхши ўтирингизлар. Мен кетдим. Қилириб борингизлар. Кўрмай қолсам, Тошкентга яхши борингизлар...

Кета-кета рулдан бир кўлини олиб силжитиб кўяди... Уни ҳамма яхши кўриб қолади.

Бизнинг Наврўз ҳақида мана шулар.

«Наврўфат»,

2002 йил, 7 феврал

ТАНИЙСАН-А МЕНИЯМ, НАВРЎЗ!

Бадиа

... Ой билан собиқаси келишган юлдузлар қур олади. Ўртада «Етти оғайни». Энам айтган нақл кўйида пичирлайман: «Етти юлдуз, етиган юлдуз, еттигача санаса, савоб эмиш». Бир нафасда етти мартаба айтиш керак экан...

Ойдин кечаларни соғинаман.

Гаштакларни, турунглари.

Сайилтепада Йилбоши бўлапти. Шодлиёр бова турун берапти: «... Фалон йили фалон бой уларига тўй қилпти. Гир теварақдан одамлар оқиб келпти. Еттига чортоққа еттига улоқ ташлаб, кўпқари берипти. Ана кўпқарию, мана кўпқари.

Кўпқарининг овозаси тинмаган кунларнинг бирида Наймандан иккови Жомга борипти. Бир ишминан борган-да. Борганакан, фалончи оқсоқол уларга: «Собирсойдаги кўпқарига бордиларингма?» — депти. «Бордик», — депти буларам. «Нима кўрдиларинг?» «Шу, катта тўй бўлди, катта кўпқари бўлди». «Йо, нимани кўрдиларинг?» «Шундай, еттига чортоққа еттига улоқ ташлади, зўр кўпқари бўлди». «Ай-й, шу кўпқарида нимани кўрдиларинг дешипан», «Мингдан ортиқ от бўлди, солимлар зўр, қиёмат кўпқари бўлди-да. Хо, сиз нимани кўрдингиз, оқсоқол», — деганакан, оқсоқол: «Мен фалончининг отининг ёлиминан Эшонқулнинг бўйинини томоша қилдим», — депти...».

Наниб бораёттир мени фаслаар...

Хайтдан ҳеч нарсани кўрмай ўтишдан асрасин. Нигоҳим ҳаёл тулпорлари ёлида уяётган кеча Наврунни бутун бўй-баста билан кўраман. У бир кўшиқ... Энг... кўшиқ...

Гўзал кўшиқларининг қаноти бўлади. Сизни ҳам кенгликларга кўтариб уяди. Тинглаб кўринг-а:

*Баҳор айёмидур, даги йиғитлиқнинг авонидур,
Кешур соқий шароби ноқим ишрат замонидур...*

Бу кўшиқни бир сўз билан таврифлаш лозим бўлса, шундай дер эдим: КЕНГЛИК.

Баҳор айёми — Наврўзда ҳам ана шундай кенглик бор. «Келса гар Наврўзи одам, гаштин инсондан сўрант».

Кенгликларни тусанган кўнглим Наврўзга илтижо қилади:

*Натаб бораёттир мени фаслаар —
Киргиси келмайди кўйимга.
Бурун эса — Наврўз,
Умидворман ундан.*

*Бир шеър сўродим Кўшдан
Хазонлар олиб келиб қолибди.
Қорлар сингдириб юборган Ерга,
Сен мени адада, Наврўз.*

*Чумилмоқ истовдим камалақрангга
Ёмтир новиб келди рангларни.
Совуққотган тиланчидай қалтироқдаман,
Неситиб кўясан-а, Наврўз.*

*Сени соғинаман, меҳраисан-а,
Ҳамма яхши кўради-я сени,
Менгавам бир қуриб кетасан-а,
Танийсан-а мениям, Наврўз.*

Наврўзни ҳу-ув Етти юлдузга боққан кеча таниган-мин.

Хўтнинг аввалида, ҳали сандал олинмаган пайт, унинг теңаратилда ўтириб, турунглашдик. Энам, шаҳарда яшайдиган тоғам, кўшни қишлоқда турадиган олам, мен —

гурунгимиз узоқ чўзилди. Қўзим илашибди бир маҳал, сандал тафти элитими... Ярим уйкуда эканман, кулофимга беш яшар жиянимнинг гурунги чалинди:

— Эна, мен Наврўзда туғилганман-а?

— Ҳа.

— Наврўз ҳам Наврўзда туғилган-а?

— Ҳа.

— Унда нимага менинг отим — Ёлгор?

...

Уйкум очилиб кетди. Сўроғига жавоб ололмаган жияним яна давом этди:

— Эна, Сожида аммам сизни нима дейди?

— Янга, дейди.

— Қизман аммам-чи?

— Келин, дейди.

— Эна, эна, отам ўлмаган бўганда, сизни нима дер эди?

...

— Эна, мениям Наврўз денг, майлима?

— Майли...

Наврўзни яна соғиниб кетдим. Унинг тезроқ келишини, кўнгилларга киришини, ҳамма-ҳаммани қучоғига олишини истадим.

Дунёни яшартириш, кўнгиллар ғуборини ювиш учун у кириб келди. Бир кўшиқ бўлиб, кенг кўшиқ, шеър бўлиб.

*Уйлагим келмайди ёмонлар ҳақида,
Сўйлагим келмайди хазонлар ҳақида,
Қўйлагим келмайди армонлар ҳақида,
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.*

*Ўтмишга дўнар қиш, боқиши паршон,
Суғарда не ташвиш, оқиши паршон,
Ёмғир кўз ёшми дилларча ошқини,
Чечакка марварид тақиши паршон.*

*Қоқиғула сарғавар, дилада доғи бор,
Бойчечак жилмар, болалик белбур,*

*Не қилса арзийди ушбу кун гул-чечак,
Уники шу тулроқ, уники шу баҳор.*

*Қай кўнгила кўшиқда тож-тахтил бўлармиз,
Ундан сўнг ўағурича то аҳдиш бўлармиз.*

*Эртанга... эртанга биз бахтли бўлармиз,
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам!*

*«Марифат»,
2002 йил, 3 апрел*

«СТОАРТ ЛИТТЛ»НИ КЎРГАНМИСИЗ?

ОТАМНИНГ МАТАЛЛАРИ

Боғалигимни ўйласам кўпинча ҳаёлимда шундай манара жонланади: узун қиш оқшоми, ташқарида белгимиз-гина етилган қор, дераза ойнасида Аёбобо чизган суритлар, уй ичидаги сандал, сандалга оёқ солиб ўтирган отам ва биз — ака-укалар. Отам дoston, эртаг айтди — «Алпомиш», «Гўрўгли»дан, «Уч оғанини ботирлар», «Очил дастурхон»... Раҳматли буларни матал дер эди. Баъзан ўзи тўқиб айтганларини эслайман — «Қашқирнинг сарулаштлари», «Умир бобо ва қашқирлар», «Қатасойдаги тўқнашув», «Ашрафдаги бедана ва узундум», «Узоқ муллимнинг жасорати», «Будрачининг жайронлари қаерта кетди?» — шу ва шу каби ўнлаб маталларни (сарлавҳаларни ўзим кўйиб чиқдим) мен қайтиб эшитмадим ва ҳеч қайси китобда ўқимадим, шунга асосан, буларни отам ўзи тўқиган, деган хулосага келаман.

Хуллас, отам айтган эртақлар, маталларда мард, жасур инсонлар билан бирга от, бўри, жайрон, бўрибосарит каби жониворлар, бедана, муллатўрғай, қорабобурдок, қалдирғоч, мусича каби қушлар образлари бўлган эди. Воқеалар рўй берадиган макон биға таниш қишлоғимиз атрофидаги жойлар бўлгани сингари, ҳайвону қушларнинг ҳам кўпчилиги биз ўз кўзимиз билан кўрган, билган жониворлар эди.

Маталларида кўп учрайдиган жонзот — бўрини отам

«Кашкир» дерди. Мағрур, мард хайвон, деб таърифларди. Маталиларга қаҳрамон бўлган бошқа барча жониворлар инсонга дўст, беозор хайвону қушлар бўлиб, уларнинг сарғушашглари бизни завқлантирарди...

БОҒЧАДАГИ ТОМОША

Меҳнат тавтили пайтида уч ёшли ўғлимни боғалар боғчасига жойлаштирдим. Биринчи кун бўлганлиги учун туш пайти келиб олиб кетишим кераклигини айтишди. Соат ўн иккиларда борсам тўрух хонаси берк, ҳамма боғалар майдончада. Томоша қўйиш учун циркчилар келишган экан. Бироз томоша қилдим — улкан қарахт илони ўйнатишди. Кейин...

Кейин ўртага бир аёл чиқиб келди. Ярим яланғоч ҳолда бутун баданини дириллатиб ўйнай бошлади, елкалари очик, кўкракларининг учдан бир қисмигина ёпик...

Мента ўхшаб томоша устидан чиқиб қолган баъзи ота-оналар юзларини буриб ёки бекишиб олишди. Юз нафардан ошқик бола эса, ярим яланғоч раққосанинг хиром айлашларини қизиқиб кузатишарди.

Боғча методистидан томошачиларнинг кимлиги, қаердан келганлиги, ким тақлиф этганлигини сурштирдим. Раққосанинг кийиниши боғаларга ёмон таъсир қилишини айтишганимда, циркчилар бошлиғи мента ўдгайлаб кетди: «Нима бўлти, циркка борсангиз, ҳамма аёллар шунақа кийиниб чиқишади!». «Сизнинг циркингизга, асосан, катталар боради, бу ерда фақат боғалар-ку», десам, «Ҳеч нараса қилмайди, ваҳима қилманг, оқа, боғалар ҳеч нарсани сезишмайди», деб жавоб берди.

Тортилиш бефойдалигини англаб, боғча мудираси хузурига кирдим. Ота-оналар номидан бунга томошачиларни боғчага қайтиб тақлиф этмасликларини сўрадим.

Циркчилар раҳбарининг «Циркка катталар билан бир-га боғалар ҳам боради-ку. Яланғоч аёлни кўрса нима қилти. Барибир, ҳеч нарсани тушунишмайди. Ана, кўчадаям бунақалар тиқилиб ётибди — бунга нима дейсиз. Интернет-даги порнографик сайтларни йўқ қилинг, қўлингиздан

келса», деган гаплари мени ташвишга солди. «Келинглар, илтимос, ҳеч бўлмаса, боғаларимизнинг боғчасида бўлган томоша кўрсатмайлик. Хўн, бола ҳозир англамас-диган мумкин, лекин аёллар, одамлар, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тушунишлар илғиз отишса улар беради», дедим унга қим, боғча тарбиячиларига ҳам, мудирасига ҳам.

БУГУНГИ БОЛАНING ЭРТАК ЭШИТИШГА ТОКАТИ ЙЎҚ!

Бугун мен ўз шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтганиман. Эртақ эшитишди, айбатга, телевизор, радио, DVD ўқиндан сўнг. Яна турмуш ташвишларига ўралашиб қолган ота-она фарзандларига эртақ айтиб ёки ўқиб беришга нокт ва ҳафсада топсагина.

Уларнинг телевизорда кўрадиганлари — телесериал ва мультфильмлар. Атайдаб қилгандек (балки атайиндир), нукул никоҳсиз тутилганлар бош қаҳрамон қилиб олинган сериалларни кўришни тақиқлашнинг мумкин, бироқ мультфильмни кўраверсин дейсиз. «Сеними, шошмай тур», «Қирол шер» каби мультфильмлар бўлса-ку, майли. Аммо...

ОТ ЯХШИМИ, СИЧҚОН?

Фикрат отам эмас, балки барча ота-оналар ижоди бўлган ҳақ отаки ижодида жуда кўплаб хайвонлар образларини учратиш мумкин. Уларга муҳим рамзий маънолар юклатилган. Масалан, биргина от тимсолини олайлик. От инстингнинг қаноти, энг яқин дўсти сифатида талқин қилинган «Алпомиш»ни эсланг. Бадиий адабиётимизда бу анъана давом эттирилган Тоғай Мурод қиссаларини бата олинг.

Қўй, эчки, туя, хўроз, ит, чумоли қаҳрамон қилиб олинган эртақ ёки ҳикояларни ўқиганман. Аммо бирон жойда сиққон ёки қаламуш қаҳрамон қилиб олинганлигини учратганим йўқ.

ЖОНИВОРЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг баъзи жониворлар ҳақида айтганлари кўплаб манбалардан маълум. Мана, улардан баъзилари:

1. Илон.

3. Сичқон.

5. Канхам.

Күй баракадир... Отнинг нешонасига кўяматгача яхшилик ёзилгандир. Уни боққан яхшилик олади.

«СТЮАРТ ЛИТТЛ» ВА БОШҚАЛАР ЁХУД МУЛТЫФИЛММИ Ё «СИЧКОНФИЛМ»?

Бизда мультфильм ишлаб чиқариш саноати яхши ривожланмаганлиги сабабли тегежрандарикиз томошабинлар эҳтиёжини хорижий, асосан, АҚШ мультфильмлари билан қондиримоқда. «Мадагаскар», «Шрек», «Соҳибжамол ва махлук» ва ҳоказо мультфильмларда янги-янги ҳаёлий махлукларни «яратган» хорижий мультипликаторлар ҳаёто бекорчиликлдан ҳайвонлар ўртасида спорт мусобақалари — зоолимпиада «ўтказишгани»га ҳам гувоҳ бўлдик.

Биз танийдиган ҳайвонлардан эса, эгитиб берсангиз, хориж мультфильмларида энг кўп сиқон ва каламушлар қахрамон қилиб олинган. «Том ва Жерри», «Микки Маус», «Сиқонча Перссинг саргузаштлари», «Стоарт Литтл»,... Охиртисини ҳатто бадиий фильм ҳам қилишган. Бошқа ҳайвон ёки паррандалар ҳаёти ҳақидаги мультфильмларда ҳам Каламушлой ёки Сиқонбойларни учратаёсиз. Америкалик киноижодкорлар сиқонга шунчалик меҳр қўйишганки, «Стоарт Литтл-1», «Стоарт Литтл-2»дан ташқари, яна «Сиқон оловочилар» деган мантисиз комедияни ҳам су-ратта олишган.

КАСАЛТИКЛАР ҲУДОФИ

«Сичонлар (Mus) — сичонсимонлар оиласига мансуб кемпирчилар уруғи...

Суңқонлар одам ва хайвонларнинг бир қанча хефли касалликларини (ўлат, туяремия ва б.)ни тарк этади.

...суть эммузучилар олмаси...

Қытай хужалығы, ұрмончылық ва озик-овқам захира-
тында эён келтиради. Сичонсимонлар 20 га яқин инфек-
цион касалликлар, жулмадан, уйат, сичон иситмаси, деп-
тосирос каби касалликлар кузгатуучиларининг табиий та-
шувчиси.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» дан.

«АДАБИЁТ» ВА «ЛИТЕРАТУРА»

«Амбиёт» сўзининг ўзати «адаб» эканлигини ҳаммамиз билимиз. Ҳар ҳолда, Шарқда шундай: ҳар қандай адабиёт намунаси, санъат асари инсонга эстетик завқ берши билан бирга, одоб-ахлоқ, эзгу фазилатлар тарғибига хизмат қилиши кераклиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

«Литература» сўзининг ўзати эса, латинча «литера» бўлиб, «харф» деган маънони билдиради. Шу жихатдан Караманда, «Литература»нинг маъноси «ёзилган нарса» бўлиди.

«Албиёт» — бадий асарларга муайян ахлоқий меъё-
ларни ўргатса, «литература»да бундай чекловлар йўқ,
деinish мумкин. Турган-битгани зарар еканлиги ҳадисларда
кейтирилган, замонавий тиббиёт мутахассислари томо-
нидан ҳам таъкидланган сиқоннинг Фарб бадийй ва
мультипликацион фильмларининг ижобий қаҳрамони си-
фатида талқин қилинаётганлигини шу билан изоҳлаш
мумкин.

Интернетда Фарола каламушларни хонақолаштирган-
ликлари ҳақида уларга меҳр кўйган инсонларнинг эҳти-
росли чиқишларини ўқиш мумкин.

Уларнинг «сиёқонфилмлар»ини томоша қилиб ул-
тинетдан фарзандларимизнинг ҳаёт бўзарарқунатлар-
ни яхши кўриб қолишлари мумкинлигини ҳеч қим ин-
кор этолмайди. Психологидан маълумки, қилиш ўзи яхши
кўрган инсон ёки жониворга тақдир қилади ёхуд улар-
нинг характерида нимадарилиб билиб бўлмаган ҳолда

ўзлаштиради. Шундай ҳам гарблик кўчабезорилар кўнгли-хушлиги — рэпни санъат деб билиб, сахна ва экранга турли аллатовур ёки ич кийимларда чиқётган рэпперлар таъсирга тушиб қолган ёшлар характерида *сичкон-симоник* пайдо бўлишини тасаввур қилиб кўринг...

Мақолага энди нуқта қўйиб, телевизорни қўйсам, «Тошкент» каналида кино бошланиб қолди — «Стюарт Литтл - 1» (2007 йил, 9 июнь, шанба, соат 11.45). Хафталик теледастурга қарадим — эртасига «Стюарт Литтл-2»ни қўйишар экан. Фарзандларим қаршилик қилишларига қарамасдан, телевизорни ўчирдим. «Яхшиям уйимда пулът ўзимнинг қўлимда», дедим ичимда...

«Мазрифат»,

2007 йил, 13 июл

МАКТАБДАН ҚОЧИБ КЕТГАН КЕЛИНЛАР

14, 15, 16 ёшда...

2004 йилнинг 6 апрели

Сешанба. Бутун — орадан деярли етти ой кейин ўша кун қандай ўтгани кўпчиликнинг ёдидан чиқиб кетгани тайин. Аммо мен ушбу кунни, бир қанча воқеалар сабаб, кўп эслайман. Шу кунни менинг иккинчи фарзандим — ўғлим туғилди. Ўша кунни баҳорда кузатиладиган камдан-кам ҳодиса рўй берди — қор ёдди.

2004 йилнинг 6 апрел кунни санъаткорлардан бирининг мактабни тутатмаган қизининг тўйи бўлиб ўтгани ҳақидаги хабар «сарик» матбуот сирасига киралитган оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Айнан шу кунни Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 6-мактабда ота-оналар йиғилиши ўтказилиб, қизларнинг мактабдан қочиб кетиши масаласи муҳокама қилинган...

Энг охириги ҳодисага батафсил тўхталамиз.

ҚОРАҚЎЛДАН ШИКОТ КЕЛДИ

Таҳририятимизга Бухоро вилояти Қорақўл тумани Шўробод кишлоғи аҳолиси номидан шикоят хати келди. Унда шу кишлоқдаги 6-мактабга икки ярим йилдан буён Чори Собиров директорлик қилаётгани, шу давр мобай-

Наниб бораётган мени фаслад...

нинг мактабда таълим-тарбия ишлари умуман излан чиқиб кетгани, бунга Ч.Собиров ва унинг бир гuruh сафдошларининг ўз ишига совуққонлик билан қарashi сабаб бўлгани баён қилинган. Оқибатда, ўқувчилар ўртасида қувқундорлик ҳолатлари кўпайиб кетгани, жумладан, 2003 йилнинг феврал ойидан 2004 йилнинг июлигача 7-, 8-, 9-, 10- ва 11-синфларда ўқийдиган олти нафар қиз эрга тегish учун мактабдан қочиб кетгани айтилган. Ўқувчи кизларнинг бу қилмишлари на ота-оналар йиғилишида, на ўқувчилар йиғилишида муҳокама қилинди. Мактаб директори, унинг ўринбосарлари, Шўробод кишлоқ фуқаронар йигини раиси Алишер Ҳамроев барча айбни ота-оналарга тўнкаб, ўзларини оппоқ кўрсатиб юришибди, бу ҳақда туман ХТБ мудир Р.Низовга арыз қилсак, у мактаб директори ва унинг шериклари тарафини олди, деб ёлгондан шикоят хатида. Хуллас, хатда мактаб, унинг директори фаолиятидаги яна бир қанча салбий ҳолатлар санайб ўтилган.

Шикоят хатида келтирилган биргина факт — бағоят-тегishмаган қизларнинг ўқишни ташлаб турмуш куриш учун қочиб кетганликларининг ўзиёқ бизни сергаклантирди ва Қорақўлга бориб, журналист сурштируви ўтказишимизга туртки бўлди.

«ТУРТ-БЕШ ЙИЛ ТУГМАЙСАН», ДЕЙИШДИ...

Бухорога йўл оларканман, яқинда қариндошларимиздан бирининг хонадонида рўй берган воқеа эсимга тушди.

26 ёшли йигит ўзидан 10 ёш кичкина қизга кўнгли қўлиб, уйлалтиларга «Уйлантирсаларинг, шунга уйланаман, бўлмаса уйланмайман», деб қатъий шарт қўйган. Унинг истагини бажо келтиришган. Бир йил утар-ўтмас келин ҳомилдор бўлиб, ҳомиласи саккиз ойлик бўлгач, кисталаниб, туғруқхонага борган. Операция қилиб болати олинган, аммо у яшаб кетмади...

Шифокорларнинг таъкидлашларича, ёш келин, «боланин кўтаролмаган». Энди унга камида 4-5 йил туғмасликнинг маслаҳат беришди. Акс ҳолда, ҳомилдорлик ҳам ўзининг, ҳам ҳомиласининг ҳаётига хавф соларкан...

БОБУР ҲАҚИЕВНИ ТОПОЛМАДИК

Тахририятта хат Бобур Ҳақиев деган шахс номидан келган эди.

Кишлоқ фуқаролар йиғини раиси таъкидлашча, кишлоқда бундай исм-фамилияли кishi яшамайди.

Шундай бўлса-да, шикоят хатида келтирилган муаммо мавжуд эканлиги тасдиқлангани боис, унинг сабабларини ўрганишга жазм қилидик.

Энг аввало, 14 октябр куни соат 10.30да туман ҳокимлиги биносига борганимизда, унинг эшиклари ичкаридан ёпиб олингани гувоҳи бўлдик. Қоровулга муддаомизни айттач, эшикни очди, аммо ичкарида масъул шахслардан ҳеч ким йўқлигини, ҳамма пахта йиғим-терими билан бандлигини тушунтирди. Ростдан ҳам, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими жойлашган хоналар эшиги берк экан.

Туман халқ таълими бўлими муdiri Р.Нисёзов ҳам жойида йўқ экан, унинг пойтахтга, Халқ таълими вазирлигига аттестациядан ўтиш учун кетганини айтишди.

ХТБ масъул ходими А.Бобоқулов ҳамроҳлигида Шўро-бод кишлоғи томон йўл олдик.

ҲАММАСИ ЯХШИДЕК, АММО...

Қорақул туман халқ таълими бўлими ва 6-мактабга бориб олган маълумотларимиз шу бўлди:

— мактабга 2002 йилнинг апрел ойидан буён Чори Собиров директорлик қилади;

— туман ХТБ мониторинг шўъбаси раҳбари Аҳмад Бобоқулов тақдим этган маълумотларга кўра, 6-мактаб таълим самарадорлиги бўйича рейтинг натижаларига кўра, йили 10-ўрин, 2002 йили 8-ўрин, 2003 йили 6-ўрин, 2004 йили эса 4-ўринни эгаллаган;

— 2004 йили мактабни 61 нафар ўқувчи тутатиб, шулардан 28 нафари олий ўқув юртиларига ўқишга кирган; — 9-синфни тутатган 9 нафар ўқувчи тумандаги 1-иктидорли ўқувчилар мактаб-интернатига ўқишга қабул қилинган;

Икки борастир мени фаслар...

— 2003-2004 ўқув йилида бир ўқувчи физика фани бўйича вилоят олимпиадасида 1-ўринни, бир ўқувчи чет тили бўйича 2-ўринни эгаллаган;

— Шўрбод кишлоқ фуқаролар йиғини вакили Х.Рўзи-ев келтирган маълумотларга кўра, Ч.Собиров мактабда директор бўлган даврда кишлоқ фуқаролар йиғини. «Тошкент» ширкат хўжалиги ва ота-оналар ҳамкорлигида ҳашар пули билан бта синф хонасига пол қилинган, мактабга ажратилган бир гектар ердан олинган даромад кам таъминланган оила болаларини бепул иссиқ овқат билан таъминлашга сарфлаб келинапти. Мактаб ҳудудиди ва кишлоқ марказидаги спорт майдончалари таъмирланиб, спорт анжумлари ота-оналар ва ҳомийлар кўмагида олиб берилган;

— «Йил ўқитувчиси - 2004» танловида ушбу мактаб муаллими Бибиражаб Олимова туманда 2-ўринни қўлга киритган;

— мактаб ўқувчилари ўртасида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, жумладан, «Сиз қонунни биласизми?», «Фаразд — оила кўзгуси» мавзуларида танлов, ошқ, мулоқотлар мунтазам ўтказилиб турилади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, мактабда ишлар яхши йўлга қўйилган. Чори Собиров раҳбарлигида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган. Бунни шу мактаб ўқитувчиси Ойназар Бобоев, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гавҳар Шамсиева, туман ХТБ муdiri ўринбосари Насриддин Раҳимов ҳам тасдиқлади. Аммо, шундай экан, нега қизлар мактабни тўғатмасдан ўқишни ташлаб, қочиб кетишли?

АЙБДОР КИМ?

Ушбу саволимизга мактаб директори шундай жавоб берди: «Қиз олиб қочиб олати бу кишлоқда азалдан бор. Ўзинг билан қиз бир-бирига қўнғил қўйгач, йилит қизини «олиб қочадил» ва шундан сўнг тўй қилиб, турмуш қурадилар».

«Аммо шу ишни мактабни тутатгач амалга оширса бўлмайдими? Ахир, бу мамлакатимиз қонунчилигига нўғри келмайди-ку! «Оила Кодекси»га кўра, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш, деб белгиланган. Бир эмас, икки эмас, кетма-кет олти марта

шундай ҳол такроқланишига индамай қараб туравер-динларми?», деган саволимизга жавобан директор ломим демеди. Шикоят хатида таъкидланганидек, айбони ота-оналарга, уларнинг фарзанд тарбияси, келажаги учун масъулиятига нисбатан бепарво эканликларига тўнқали.

КАРИЯЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ота-оналарнинг бу муаммога муносабатини билиш учун кишлоқдаги бир неча хонадонга борганимизда катта ёшдагиларнинг бирортасини ҳам учратмадик. Сабаби, шу кунни (14 октябрда) кишлоқда тўй бор экан.

Бир хонадонда хатм маросими бўлаётгани, қариялар ўша ерда эканини айтишгач, кўпни кўрган кексалар фикрини билиш мақсадида ўша жойга йўл олдик.

Тўймурод Сувонов: — Кишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги хотин-қизлар кўмитаси яхши ишламайди. Агар улар мактабга тез-тез бориб, қизлар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб туришганида, бу ғавғоларнинг олди олинган бўлар эди.

Карим Норкулов: — Ҳаммаси бекорчиликдан келиб чиқади. Кишлоғимизда аксарият ёшлар ишсиз. Телевизорда бутунги кунда юртимизда боғалар спортига кенг эътибор берилётгани ҳақида гапиришади. Ўша кўрсатилган шароитлар бизда ҳам бўлганда эди... Кишлоғимизда спортга иштиёқманд ёшлар кўп. Аммо уларнинг шугулланишлари учун шароит йўқ.

Норгулди Хўжаев: — Мактабда охириги тўрт-беш йилда тўртта директор алмашди. Энг кўп ишлаётгани — Чори Собиров. Яхши ишлапти. Аммо шикоятни унинг ҳам директорликдан бўлашини истаётганлар ёзган. Ўқувчилар нима қилсин? Қизларнинг мактабдан қочиб кетишлари-та ота-оналари, оиласидаги муҳит айбдор. Боғаларига тўғри тарбия бера олмаган.

Усмон Рустамов: — Мактабда ўқитувчилар ўртасида гуруҳбозлик, Чори Собировнинг яхши ишлашига ҳалак берадиган «куч»лар бор. Уларнинг мақсади Собировни директорликдан бўшаттириш. Агар аҳвол шундай давом этар экан, «ёза-ёза»лар ҳали-бери тўхтамайди.

БЕШ ЙИЛДА ТҮРТ ДИРЕКТОР

6-мактабда директор тез-тез алмашишини туман ХТБ мониторинг шўъбаси бошлиғи А.Бобоқуллов ҳам тасдиқлади. 1999 йилнинг феврал ойидан 2002 йил апрелгача мактабда Мурод Мустафоев, Баҳолир Мансуров, Эшмурод Отамуродов директорлик қилган. 2002 йил апрел ойидан буён Чори Собиров директорлик қилиб келмоқда.

ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ НИМА БИЛАН МАШҒУЛ?

Кишлоқ оқсоқоллари билан суҳбатлашиб, мактабга қайтиб келганимизда, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гавҳар Шамсиева ота-оналар ва ўқувчилар йиғилиши баённомаларини тақдим этди. Улардан аён бўлишича, ҳар бир «қиз қочди» воқеасидан сўнг ота-оналар ёки ўқувчилар йиғилиши ўтказилган.

2003 йилнинг 27 августда бўлиб ўтган ота-оналар йиғилишида «Бундан кейин ўқувчи қиз қочса, унга тўй қилинмасин, тўй қилиш учун унга шароит яратилмасин (илиш-товоқ, дастурхон, стол-стул берилмасин), кишлоқ мактаби, ўқитувчи ва ўқувчилар тўйга бормасин», деб қарор қабул қилинган.

2003 йилнинг 10 сентябрда қизлар, 13 сентябрда ўғил болалар йиғилиши ўтказилиб, асосан, «қиз қочди» воқеаси муҳокама қилинган.

2004 йилнинг 19 январда бўлган VII—IX синф қизлари йиғилишида ўқувчи қиз М.Б. билан «учралиш» учун кўпнинг 5-мактабдан Б.Р., И.Х., Х.Т. исм-шарифли бола-лар келишгани муҳокама қилинган. Қўрилган чора-тадбирлар оқибатида М.Б.нинг шавқи сақлаб қолиниб, йиғилишларнинг оталари ҳамда синф раҳбари келиб, кечирим сўрашгани таъкидланган. Ўқувчиларнинг туғилган кун, тўйларда спиртли ичимлик ичишлари, айрим синф раҳбарларининг улар билан бир қаторда ўтиришлари қоралланган.

2004 йилнинг 20 февралдаги ўқувчи-қизлар йиғилишида қизларнинг соғлиғи, 18 ёшдан ошмаган қизлар турмушта чиқканда содир бўлиши мумкин бўлган саломатлик билан боғлиқ муаммолар юзасидан тушунчалар берилган.

2004 йил 6 апрелда ўтказилган ота-оналар йиғилишида ўқувчиларнинг тартиб-интизоми анча яхшиллангани таъкидланиб, «Фарзанд — оила кўзгуси» мавзусида мулоқот уюштирилган. «Қиз Қочди» одади яна бир бор қораланиб, энди бу ҳолга йўл қўймасликка келишилган.

Нихоят, 2004 йилнинг 24 апрелида ўқувчи қизлар билан охириги «Қиз қочди» ҳолати муҳокама қилиниб, ҳар бир қиздан мактабдан қочиб кетмаслик ҳақида тилхат ёздириб олинган. IX синф ўқувчиси Ш.О.ни олиб қочган Н.Х.ни жазолаш талаб қилиниб, мактаб маъмурияти томонидан ХУКУМНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН (олдинги ҳолатларда, негадир шундай қилишмаган), унинг иши судда кўрилиб, суд ҳукми билан Н.Х. тегишли жазо олган. Кишлоқ жамоатчилиги томонидан уларнинг тўй қилишларига руҳсат берилмаган...

Шундан сўнггина, ҳозиргача биронта ҳам қиз эрга тегиш учун ўқини ташлаб, мактабдан қочиб кетмаган.

«ҚИЗ ОБҚОЧИШ» УРФ-ОДАТМИ?

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 8-моддасида шундай дейилган:

«Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари таъминловчиси эид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади».

«Оила Кодексига шарҳлар»да ушбу молда шундай шарҳланади:

«Оилавий муносабатларни тартибга солишда урф-одат ва анъаналардан фойдаланиш учун улар ҳаётда, кундалик турмушда тарқиб топган, кенг миқёсда азалдан ва доимо қўлланиб келинган, жамоатчилик томонидан тан олинган, лекин қонунда назарда тутилмаган бўлиши керак. Масалан, ўзбек халқи учун азалдан урф-одат ва анъана бўлган ва тан олинган никоҳ тузишдан олдин бўладиган «унашиш» ва йиғилинган ота-оналари, қариндош-уруғлари томонидан қизнинг уйига «совчилик»ка бориш, никоҳдан сўнг «чарлар» ўтказиш, «қудда чакирити» каби

Никоҳ бораётган мени фасадлар...
маросимлар мавжуд. Ушбу маросимларни ўтказиш тартиби қонунда назарда тутилмаган ва айни пайтда қонун билан рад ҳам этилмаган. Лекин бу анъаналарни ўтказиш вужутига келган янги оиланинг жамоатчиликда намоён ва мустақкам бўлиши учун муҳим аҳамиятта эга».

Демак, «совчилик», «унашиш», «қизлар давраси», «никоҳ базми», «келин кўришар», «қудда чакирити», «бешик туғи» каби бир қанча оилавий муносабатларга доир урф-одат ва анъаналаримиз борки, улар азалдан мавжуд қолган миллий ўзига хослигимиз рамзига айланиб улгурган. Ушбу маросимларни Ҳоразмда ҳам, Сурхондарёда ҳам, Самарқанд, Тошкенту Фарғонада ҳам учратиш мумкин. Улар давр чиғирлиқларидан ўтиб, сайқалланиб келмоқда. Аммо, қорақўлча сита «қиз обқочини»ни бу қадригига айланган урф-одатлар қаторига қўшиб бўлмайдилар. Ўзининг устига, бағоятга етмаган, ҳали мактабни тугатмаган қизлар «олиб қочилаётган» бўлса!

ТИЙИКСИЗ МАЙЛЛАРНИ ТИЙИШ КЕРАК

Истасак-истамасак, сочимиз, соқолимиз тинимсиз ўзгарибди. Покиза турмуш кечириш учун уларни вақтида тартибга солиб туришимиз шарт. Инсон истаклари ҳам шунга ўхшайди. Тийиксиз истакларни вақтида тиймасак, ноқудай, ҳатто ёмон аҳволга тушиб қолишимиз мумкин. Ёни боланинг сочи ёки тирноғини катталар олиб қўяди. Ўқини келтир, шундай қилиш кераклигини боланинг ўзи тушуниб олади.

Ҳудди шундай, ҳамма истакларни ҳамма вақт ҳам қондириб олиш мумкин эмаслигини бағоятга етмаган ўсмирларга катталар тушунтириши лозим. Ҳамма нарсанинг ўз вақти борлигини, қаноат қилиш лозимлигини, шунда қаммасан яхши бўлишини фарзандларга аниқлатиш, энг аввало, ота-оналарнинг, сўнгра ўқитувчиларнинг иши.

Айниқса, қизларга...

ҚИЗ БОЛАННИНГ ШАРҲИ

Эшитилдириб, оналар ўртасида қизлар тарбияси ҳақида гап кетса, кўпинча «Оқ қандек авайлаб, гард юклатмай ўстирдим», дейишади.

Оқ қанд... Дарҳақиқат, жуда нозик ўхшатиш. Нозиклиги шундаки, оқ қандга бирор гада юкса, уни тозадаш қийин — гада теккан жойини синдириб олиб ташлаш керак. Кўпинча эса гада теккан қанд бўлаги мол ёки парандага берилади.

Қиз боланинг номита илашган ёмон доғ — иснодининг кетиши эса жуда қийин. Баъзида кўрмайин босилган тикан жабрини бир умр тортиб юришга тўғри келади. Баъзан у кишини умрбод гумон, шубҳа, демакки, бахти бекамлик эмас, бахти кемтиклик қийноғига солиб қўяди. Ҳаммасига кўпинча ўйламай иш қилиш, ирода сўстлиги сабаб бўлади.

Қиз боланинг шавъни... Бу ҳақда жуда кўп ва ҳар сўзига алоҳида салмоқ бериб гапирилади. Инсоний фазилатлар, маънавий қадриятлар ҳақида сўз кетса, айтиш шуллар қиз болада юксақ даражада бўлиши талаб қилинади. Ахир, у қиз бола-да! Миллатнинг кўрки, миллатнинг келажиги. Қиз бола назокатли, ифғатли, ибодли, сабр-бардошли, оқила, меҳрибон... бўлиши керак. Ҳатто қиз болага берилган нисбат, ўлчов, мезонлар ҳам ўртамеёна, ярим, нимтаъриф, чала нисбат бўла олмайди. Улар устуннинг ё энг тепаси, ё энг пасти бўлади. Айб ёки гуноҳ иш қилиб қўйган киши кечирлиши мумкин. Фақат қиз боланинг исноди кечирилмайди. Қиз болага келганда ҳужм ҳам ғоят муҳтасар:

«Ўғил бола шу ишни қилганда бошқа гап эди. Ахир у қиз бола-я!». Тамом-вассалом! Қиз боланинг исми, жисми, маънавияти, борлиги, хатти-ҳаракатига ҳаминша ўлчов бошқача бўлиб келган!

Сўрамишлар:

— Дунёда ўлимдан ёмони нима?

— Қизингнинг ноқоби бўлиши!

Бу даҳшатни бошидан кечирганларнинг дилидан-да, тилидан-да бундан даҳшатлироқ нидо чиқади:

— Қиз асрагандан кўра туз асрасам бўлмасмиди?!

Асрлар, замонлар бу азалий ҳикматларнинг маъноси-ни ўчира олмаганидек, тигини ҳам ўтмаслаштира олмайди. Ўзбек хонадони борки, агар унда қиз ўсаётган бўлса, шу

Нонинг бериётур мени фасиллар...

қонидон соҳибларининг кўнглида ёрур, сурур ва қиз шовин билан боғлиқ ор-номус ҳам юқори бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳалқимиз қиз боланинг маънавий етук, қомил инсон бўлиб ўсиши учун алоҳида аҳамият берилади. Уни «оқ қанддек ўраб, авайлаб гада теккизмас-ликка» ҳаракат қилади. «Хотин-қизлар энциклопедияси»-да шу маъмулдаги мулоҳазалар билдирилган.

БУХОРОЛИК МУТАСАДДИЛАР ДИККАТИГА

Қуриб турганингиздек, мактабдаги аҳвол жиддий муновобатни талаб қилади. Директор ва ўқитувчилар айбони ота-оналарга тўнкаса, ота-оналар «бу бизда одат», деб ўз болаболаридан қолмаса, фарзандлари келажати учун жиддий қайғурмаса, воғта етмаганларнинг келажати учун давлатимиз ва жамиятимиз қайғуради. Балоғатга етмасдан турмуш кўрган қизларнинг соғлиги масаласи ҳам муаммонинг бир томони.

6-мактабда рўй берган шунча воқеадан наҳотки Қорақўл туман ХТБ, хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, воғта етмаганлар билан ишлаш комиссияси масъул ходимлари беҳад-бир? Шунча ҳодисалар, наҳотки, уларни серлактантирмишкан? Ушбу иллат урчиб, бошқа мактаб, қишлоқларга ҳам ёндоғиб кетишини нега ўйламаганлар?

2004 ЙИЛ ОКТАБРИ

Хабар давом этмоқда.

Хўш, бу ой нимааси билан менинг хотирамда қолади? Муборак рамазон ойи бошланганга кеча мен автобусда Бухородан қайтаётган эдим. Ёмғир ёғди, қорға айланган, гўё излар босилгандек.

Ха, айтганча, ўша апрелда, қор ёққан кеча тўйи бўлиб ўтган ўша санъаткорнинг машҳур қизи октябрда фарзанди бўлибди. Бу ҳақда кўп нухсида тарққалаётган бир газетани эътибор қилишди.

Ўша газетани Қорақўлда ҳам севиб ўқишса керак...

«Маорифат»,

2004 йил, 3 ноябр

ЎЙЛАРИНИНГ ТИНЧ БЎЛСИН

БОЛАЛАРИНГ ЯХШИМИ?

Самарқанд тарафларда одамлар шундай сўрашадилар: «Димоғинг чоеми? Болаларинг яхшими?».

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «димоғ» сўзига шундай таъриф берилган: 2. *кўча* — аҳволи руҳия, кайфият. Демак, кишилар ўзаро мулоқотни, аввало, руҳий ҳолатни, кайфиятни билишдан, болалари аҳволини сўрашдан, яъни оила тинчлигини суриштиришдан бошлайдилар.

Бир танишим доимо биров билан мулоқотда бўлса, хайрлашаётганда бир жумлани канда қилмайди: «Ўйларингиз тинч бўлсин».

Кишининг димоғи чоелиги, болалари оиласи қучоғида соғу саломат, эмин-эркин ўсиб-ўлғаяётганлиги — уйи, демак, оиласи тинчлиги унга хотиржамлик бахш этади. Кўнгил хотиржамлиги фаолиятга — ўзи, болалари, оиласи, Ватани фаровонлиги учун, келажаги учун хизмат қилишга имкон беради. Бу — олдин ҳақиқат, аслида катта бахт.

Энг олий неъматлардан — инсон умрига зўғум қилган ётганлар, даҳшатли террорчилик актларини уюштираётганларнинг оиласи, фарзандлари бормикан?..

Март ойида, июлда мамлакатимизда амалга оширилган хунрезликларни эшитиб, юрагим қалқиб кетган эди. Кўз олдимга, энг аввало, болалар келди: «Ҳалок бўлган ватандошларимиз, шу болаларнинг ҳам болалари бордин. Эрталаб дадаси ишга кетаётганда ширингина ачом-ачом қилиб хайрлашаётган, кечқурун ишдан қайтишини кутиб ўтирган, «Менинг дадам ҳаммадан зўр», «Мен дадани энг яхши кўраман», деб ҳаммага айтиб юрадиган болаларнинг айби нимада?..».

«Труд» газетасида ёзилибди: Бесландати бир қанча уйлар 1 сентябрдан бери қулфлогли турибди: ҳеч ким тирик қайтмаган...

Ота, она, фарзандлар — бутун оила ҳаёт деб аталган неъматдан маҳрум қилинган.

Юрати жиз этмай одамлар, айникса, болаларни ўлдирган қотилларнинг ҳам ота-оналари бормикан?...

НОҲАҚ ТЎКИЛГАН КОННИНГ СЎРОВИ БОР

Инсонга ҳаётни Яратган инъом этади. Ноҳақ қон тўкиш, қотиллик — энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Бу ҳақда Каревони қиримда шундай дейилган: «Айт (эй Мухаммад): Келинлар, эй умматларим, сизларга Парвардигорингиз қаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Оллоҳта бирор нарсани ширк келтирманглар, ота-оналарингизга яхшилик қилманглар, фақирликдан кўрқиб фарзандларингизни нобуд қилмангизлар. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқ билан таъминлаймиз, фахш ишларингиз ошқорасига ҳам, махфий-ени ҳам яқинлаша кўрмангизлар. Оллоҳ ҳаром қилгани-дек, биронинг жонига ноҳақ қасд қилмангизлар! Сизларга буларни Оллоҳ таоло ақлларингизга жо қилурсизлар, деб байи қилиди» (Анъом сураси, 151-оят).

Шунга монанд тарзда пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в) ҳам шундай деганлар: «Киёмат куни бадаллардан сўрайдиган савол-жавобнинг биринчиси ноҳақ тўқилган қон тўғрисида бўлади».

АҚШдами, Ўзбекистондами, Шимолий Осетиядами қардаш бўлмасин, ноҳақ қон тўқаётганлар ўзларига инсон динининг ниқоб қилмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, улар инсон муқаддас айлаган нарсаларга тажовуз қилмоқдадир.

ТЕРРОРЧИНИНГ ВАТАНИ БОРМИ?

XXI асрга инсоният мураккаб бир шароитда қадам қўйди. Инсон тафаккури ривожлангани сари, техника тараққий қўз илғамас чўққиларга эришгани сайин ёвуз-аник инти-инти кўриниш касб этмоқда. Шулардан сўнгги натижалари энг кўп тарқалгани — террорчилик.

Террорчилик қандай кўринишда, қандай мақсадларни қўлиб амалга оширилмасин, уни оқлаб бўлмайди. Аммо Беслан фожiasi ҳаммасидан ошиб тушди. 1 сентябр — инти ўқув йилини нишонлаш, шодиена қилиш учун мактабга борган, ҳали «террор», «терроризм», «сиёсий» деган сўзларнинг маъносини тушунмайдиган, беғу-

бор, бетуноҳ норасидалар умрита зомин бўлиш — бу энди ўтакетган ваҳшийлик.

Энг ёмони, бу мулҳиш жиноятни содир этганлар нафақат қон тўқаяптилар, балки инсон қалбига ҳам террорчилик хуружи уюштираяптилар. Ўша манфур кимсалар гаровда ушлаб турганларнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилинг. Айниқса, болалар...

Куни кеча дунё оммавий ахборот воситалари бир хабарни тарқатди. Бесландаги 1-мактабнинг спорт залида гаровга ушлаб турилганларнинг ҳолати террорчилар томонидан видеотасмага туширилиб, интернет орқали намоиш қилинибди. Шифтда портловчи молдалар осилиб турибди, бир болакайнинг оёғига минага уланган сим боғланган, чанқаб кетган болалар пешоб ичишаяпти... Ушбу тасвирларни намойиш қилиш билан улар бошқаларга: «Мана, кўрапсизларми, бу ҳол сизнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин», дейишмоқчи...

Ҳар бир онгли инсон ўзи, бола-чақаси, oilаси, Ватани учун жон қуйдиради. Уларнинг келажати ёрув, турмуши фаровон бўлиши учун меҳнат қилади, курашади. **Одамзод умрига таҳдид солаётган террорчилар-чи? Улар ким учун, нима учун бунча тиришяптилар? Уларнинг Ватани борми?**

МУАЛЛИМИНИНГ ҚАРҒИШИ

Яқинда қишлоққа борганимда бир муаллимимиз билан турунгласдим. Ёши етмишдан ошган, қирқ йилдан зиёд мактабда ишлаган ўқитувчимиз пойтахтимизда содир этилган портлашлар ҳақида куйиниб гапирди:

«Одам бу дунёга ёмонлик қилиш учун юборилмаган, э, булар тоза ноинсоф экан-ку. Бетуноҳ одамларни ўлдиряпти-я! Тоза ҳалдидан ошишяпти. Энг ёмони — мента алам қилгани — шулар ўзимизнинг орамиздан чиқаптими-я?.. Лекинам, уларни қарғадим, ёмон қарғадим...».

Беслан фожеси бутун дунёни ларзага солди. Қалоларга сим-сим оғриқ олиб кирди. Дини, миллатидан қатъи назар, эзгулик тарафдори бўлган инсонлар динсиз, миллатсиз кимсаларнинг ёвуз башарасини яна бир бор кўрдим.

лар ва улардан нафратландилар. Тинчликнинг нақадар тоғон эканлигини яна бир бор ҳис қилдилар.

Ўзбекистон халқи тинчлик тарафдори. Терроризм — глобал миқёсдаги муаммога айланган экан, Ўзбекистон ҳам унга қарши курашишда дунё ҳамжамияти билан бирга. Ёшониталикка нима етсин!...

«Мадридда»,
2004 йил, 11 сентябр

АРОҚ ИЧГАНМИСИЗ?

ВОКЕА

Бу йил меҳнат таътилига август ойида чиқдим. Бир-икки кун ўтиб, тутилган қишлоғимга келдим. Ўзбекларда август — ун ойи. Қишлоққа борган кунимиз эртасига бир тўйга бориш.

Тўн яқинлашаётганда фотиҳа қилиб, тўйхонадан чиқиб, Жўра-йўлшошарим билан дийдорлашдик. Турунгласиб турганимизда меҳмонлар минтанг бир эскироқ автобусни жойдан жилдириб, юргизишта кўмаклашиб юборишимизнинг ёррошди. Ўроқларим билан автобуснинг орқа томонига ўтганимизда бир маст киши ёнимга келди-да, мента қараб ўтирдим:

— Иттар-эй, онангги...
Қоғио қолдим, кейин қоним жўшиб, мушт туширганимни сезмай қолибман...

29 ёшини тўлдиряпман, ҳали бировни сўккан эмасман, ёрунги ҳам эшитмаганман...

Никилино ётган мастга яна ташлангандим, ёнимдагилар унинг қоллиши.

— Нима қиласан уриб, у маст-ку!
— Мени сўкли-ку!

Оғиздан нима чиққанини билмайди, маст-ку у. Маст олам сўкаверали-да, эътибор берма, — қўшилди яна кимдир.

Уларнинг гапидан даҳшатга тушдим...

«Диндаси девон тарқағондин сўнг сайрга отланиб, кетиб келиб, арақ ичишди. Масжид аҳли: Хожа Дўст Хо-

ванд, Ҳисрае Муриб, Мирзоқулӣ, Муҳаммадий, Аҳмад Га-
дойи, Нуъмон, Лангархон, Рухдам, Қосим Али Тареқий,
Юсуф Али, Тенгриқулӣ. Кеманинг боши сари толор бор эди,
усту ҳамвор, мен бир неча киши бида мунда ўлтуруб эдим.
Яна бир неча киши толорнинг остида ўлтуруб эдилар, ке-
манинг куйруғи сари ҳам ўлтуруб ер бор эди. Муҳаммадий
ва Гадойи, Нуъмон анда ўлтуруб эдилар. Намози дигаргача
арақ ичиди».

«Бобурнома»дан.

НИМАГА ИЧАСИЗ?..

Ароқ ичганимисиз? Маза-я. Дунёни унутасиз. Дунё де-
та — муаммолар, муаммолар, муаммолар. Рўзгор — ғор,
тирикчилик — тиррикчилик, ...айй, нима ишингиз бор,
ичинг, кайф қилинг — ҳаммасини унутасиз, учасиз, уча-
сиз...

XXI аср одамлари юксак тафаккур соҳибларидир. Аммо
ечилмаётган муаммолар ҳалиям кўп. Биттаси — ароқхўрлик.
Ҳа, бу жуда эски муаммо. Чунки у инсон фитратидати нуқ-
сон билан боғлиқ.

«Нега ичасиз?», деган саволга аксарият ичувчилар «эзил-
ганимдан», деб жавоб беради. Яна кўнглигизнинг учун ича-
дилар. Ича-ича ароққа мубтало бўлиб қоладилар.

«Мен озроқ ичаман — бир пиёла ё икки пиёла», деган-
ларга ишонмайман. Муаммо шу ерда. Озроқ ичиш — шакар
тўла қотни тешишдай тап. Бир сиқим шакар тўқилдими,
тешикни бекитмасангиз, яна тўқилаверади...

Ичкиликбозлик — оғир иллат. Уни барараф этиш про-
дага боғлиқ. Аммо иродани тарбиялашда жамиятнинг, му-
хитнинг кўмаги даркор.

Ароқ ичганимисиз?.. Маза-я. Дунёни унутасиз. Дунё де-
та — муаммолар, муаммолар...

ҚОЗОҒИСТОН АРОҒИ НЕГА АРЗОН?

Тошкентдан республикамизнинг ғарбий ва жанубий ви-
лоятларига кетадиган йўл Қозоғистоннинг Мақтарал ту-
манидан ўтади. Ҳамма яхши билади, у ерда бир бозор бор.

Бозорнинг асосий харидорлари — йўлдан ўтатилган ўзбекис-
тонликлар.

Этибор берсангиз, бу бозорда энг харидорлар маҳсу-
лот — спирт ва ароқ. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ароқ-
лар 1000 сўм атрофида ва ундан зиёдроқ нархда бўлса, бу
бозорда сотилаётган Қозоғистонда ишлаб чиқарилган ароқ
650 сўм. 1,5 литрли идишдаги спирт — 2500 сўм. Уни
сотиб олаётганлар 1,5 литрдан 7 та 0,5 литрли кўлбола ароқ
тифтирилдилар. Демак, 1 донга кўлбола ароқ 350-400 сўмдан
тўлимоқда.

Юқорида айтганимдек, бу йилги меҳнат тавтилида, ав-
вот охида қишлоқда бўлдим. 20 кун давомда 10 та тўй бўлди.
Ҳаммаси кўлбола ароқлар дастурхонни «безади». Энг азиз
меҳмонларга Қозоғистон ароғи тортилди. Тўйларда аввалги
ишларидан кўра кўп ароқ берилди. Арзон-да. Ҳаммаси
Қозоғистондан келтирилган.

Мени бир савол ўйлантирди: Қозоғистон ароғи нега
бўғиқлиқ арзон? Қозоғистоннинг ўзида ҳам шундай арзон-
лиқми?

НОХУШ ВОКЕА

Бу воқеани бундан 8-9 йил аввал, юртимизга пласт-
маса навида Хитой ароқлари кўп келтирилган пайт-
дан эшиттандим.

Экинчи, Самарқанд вилоятининг шимолий қисмида
жойлашган туманлардан бирида мактаб битирувчиларининг
битирув оқиломи уюштирилди. Синфдошлардан бирининг
ўндога ташиқ қилинган зиёфатда ўғилу қиз — барча бити-
рувчилар иштирок этадилар.

Амалдаги фақат ўғил боғалар «Қиттай-Қиттай» қилиша-
ди. Кейин шўхлиқлари тутиб, қола-фантага аралаштириб,
келгилари ҳам алдаб ичиришди. Ҳамма серхуш бўлгач, ви-
лоят кўралилар: аввалда ур-сур филм, кейин «анақасидан»...
Экранлар жўнбушта келди ва...

Бу воқеанинг тафсилоти балки бошқачароқдир. Аммо
аффиали «Битирув оқилом»лари, зиёфатбозлиқлари ич-
киликбозлиқлар ҳамон мавжуд экан, шундай бўлмайди, деб
ер ким қиролат бера олмайди!

«Чориниба куну ражаб ойининг секкизида Шох Ҳасанбек-
нинг ўндога бориб ичтим. Аксар беклар ва ичкилар бор эдилар.

Шанба кунни ойнинг ўн бирида масжис эди, намози дигар била намози шомнинг орасида, улуғ Кабулмархонанинг томининг устига чиқиб чиқди. Кечроқ бир кеча отлик деҳи Афрон саридин йўл била шаҳр сари ўтиб борадур. Таҳқиқ қилинди: Дарвеш Мухаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчилка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейилдиким, тўра ва тўра била элчилк қилурни қўйғур, бетаккаллуфона келгил! Дарвеш Мухаммад келиб, суҳбатга ўтирдур, ул фурсатта тоиб эди, чинас эди. Ҳовити шабқча мунда ичиди».

«Бобурома»дин.

АНИК ВА ТИНИК ЖАВОБ

Бир кунни бир маҳалла бошлиғи Йёс ибн Муовия ҳузурита келиб, мускир (маст қилувчи ичимлик) ҳукминини сўради. «Ҳаром», деди Йёс. «Нега ҳаром бўлсин? Ахир, у мева ва сувдан иборат, оловда қайнатилган. Булар эса мубоҳ нарсалар-ку», деди ҳалиги одам. «Бор гап шуми?», деб сўради Йёс. «Шу». «Агар бир ҳовуч сувни юзингга сепсам оғри-тадимми?». «Йўқ». «Агар бир сиқим тулпроқни юзингга сотсам-чи?». «Йўқ». «Агар бир панжа сомонни юзингга отсам оғрийдимми?». «Йўқ». «Агар тулпроққа сомонни аралаштириб, устидан сув қуйиб, яхшилаб аралаштирсам, кейин бир парчасини офтобда қуритсам, қуритандан сўнг уни юзингга урсам оғритадимми?». «Э, ўлдириши ҳам ҳеч гап эмас», дея жавоб берди ўша киши. «Бале, хамрининг йўриғи ҳам шу. Агар унинг таркибий қисмлари аралаштирилиб, пишилса ҳаром бўлади», деган экан Йёс.

«Дарвешлар ҳаётиндан алаҳдалар» китобидан.

РҲИХАТЛАРДА ЙЎҚ КИШЛОҚ

Қизилқарвон — Нуробод туманидаги энг кичкина қишлоқлардан бири. Шу сабаблидир, Жом, Тим, Улуғ, Сазафон ёки Оксой қалар машҳур эмас. Қишлоқда мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Қизилқарвон — тумандаги турмуш даражаси энг паст қишлоқ. Бунинг бир неча сабаби бор.

Биринчи сабаб, қишлоқнинг географик жойлашиши.

Иккинчи бирдигур мени фасалар...

Самарқанд шаҳридан Қашқадарё вилояти четарасигача — Қоратепта тизма тоғларининг охири нўқтаси — Жом қишлоғида, Самарқанд — Қарши йўли бўйлаб кетган қишлоқлар тоғ дарағарида жойлашган. Озми-кўлми булоқ суви билан таъминланган. Сугорма деҳқончилиқ, боғдорчилик таркиқчилиқнинг асосий манбаларидан. Биргина Қизилқарвон қишлоғи тоғдан «ўзилиб қолган». Шу боис, қишлоқ дегил юз фоиз лалми. Қишлоқнинг тоғ тарафдаги учдан бир қисмига қувур орқали булоқ суви келтирилган. Аммо бу суи истеъмолдан ортмайди. Ул-бул экишга имкониёт йўқ. Қишлоқ аҳолиси лалми деҳқончилиқ билан шуғулланади. Охири 2-3 йил қуруқ келиб, қишлоқ иқтисоди «чўжиб» қолди.

Иккинчидан, қишлоқда мактаб, кутубхона, туман маҳаллнинг уйи филиали, фелдшерлик пунктдан ташқари биринчидан қорхона ёки муассаса йўқ. Меҳнатга яроқли аҳолининг аксар қисми ишсиз.

Учинчидан, шундай аҳволда бўлишига қарамай, қишлоқда тўли-машрақлар далади, бошқа қишлоқларга қараганда туқин-сочин. Мисол учун, Оксойда қалин 15 000 сўм арғир, Қизилқарвонда 70000 сўм. Меҳнатқашда фотиха тўйининг тарафдан қиз тарафга бир улоқ жонлиқ сифатида берилса, Қизилқарвонда қамиди 70-80 кг. тўшт қиладиган қорамол берилиши шарт ва ҳоказо.

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолиси ичида арокхўрлик авж олган. Ичмайдиган одам кам — мактаб ўқувчисини ўқитувчинини оштан кунлари мактабнинг ўзидаёқ пул йиғиб, «нефрит» уюштирадиганлар), маҳалла оқоқолларини 60-70 йил соқол қўйган ва қўймаган боболар-да, ичади.

Қизилқарвонда турмуш даражаси нимага пастлигини энг тушунгандирсиз?...

КИШЛОҚДА МАШХУР ЛАТИФА

Шомат ака Эшмат ва Тошмат акалар билан улфат экан. Бир кунини учаласи ичиб ўтиришганида, Шомат ака дебди: — Бу қишлоқда фақат мен билан Эшмат — хотинимиздан қўрқмаймиз.

— Мен-чи, мен ҳам хотинимдан қўрқмайман! — дебди Тошмат ака.

— Йўқ, — деб жавоб берибди Шомат ака, — сен бизнинг каторимизга кўшилолмайсан.

— Нема?

— Немаки сен фақат ичганингизга хотинингиздан кўрмайсан!..

АЁЛЛАР... ИЧА БОШЛАШДИ

«Ароқ ичганимиз?» деган саволга камида 95 фоиз эркеклар: «Ҳа», деб жавоб беришлари тайин. Аёллар-чи?

Илгари шаҳар жойларда зиёфатларда аёллар ҳам спиртли ичимлик ичишлари ҳақида эшитардик. Қишлоқда ҳам яккам-дукам, «Фалончининг хотини ёки қизи... ичармиш», деган гаплар эшитилиб қолар эди. Тўйларда аёлларга мўъжазланган столларга спиртли ичимлик умуман қўйилмас, қўйилгани ҳам очилмасдан қолиб кетганига тўвоҳ бўлар эдик.

Бу йил Қизилқарвонда тўйларда аёлларга ҳам ароқ берилдиган бўлди!

Ен кўшимизникида тўй бўлди.

Тўй эгасининг синфдошларига алоҳида жой хозирланган (ҳозир шунақаси урф бўлган). Барча синфдошлар турмуш ўртоқлари билан тўёна сифатида 10тадан ароқ(?) кўтариб келишган. Синфдошлардан икки нафари ишлаш учун Россияга кетган экан, хотинлари келибди, даврани роса «қизитди»лар.

Улар ҳақида гапирмаган одам қолмади.

Уйга келган меҳмонга чойдан ҳам олдин ароқ тақлиф қилинса, кўча-кўйдаги турмушларнинг асосий мавзуси «фалончи эур ҳақ берди, ўчибмиз, ундай қибмиз, мундай қибмиз» бўлса, мактаб муаллимлари мактабда ичса, қишлоқ оксоқоллари тўйларда кўнлик олиб «сомонхонага кетгунича» ичса, маҳалла фаоллари тўйларда ҳаммадан олдин маст бўлиб қолса, бўёғи ароқ арзон бўлса, эртари ичганда хотинлари ичмай-дими? Ахир, улар тент хукукчи-ку!..

Қишлоқдан эзилиб қайтдим. Кўрангларимга кўниколмасдим. Аммо буни ҳамқишлоқларим сезишмади. Ҳаммаси шундай бўлиши керакдек, одатий ҳолга айланган.

Мен кўпроқ болалар ҳақида ўйладим. Газета-журнал ўқимай, китоб ўқимай(дарсликлари ҳам тўлиқ эмас), зиёфатлар ва тўйлар, меҳмондорчиликлардаги қалаҳлар жангли остида, олди-қочди сериаллар, шовкин-сурон му-

инлар таъсирида, ҳар байрамда «ўтириш»лар уюштириб ўқиб-оқибди улар.

Найшанба кўни қишлоқ биқинидаги бозордан ўзларига китоб, дарслик олиб бермаган оталарининг маст бўлиб, келишларини, тўйларда ўқитувчиларининг ўлар ҳолда ичиб, ётган тағлими, ариқдами, йўл устидами ухлаб қолганларини, ичиб олган йигит-қизларнинг даврани бўшатмай, жавога тушиб ўйинга тушишларини, кайф қилиб олганларнинг сўқинишларию ноҳўя қилиқлари, уруш-жанжалларини кўриб, билиб, эшитиб катта бўлишарди улар.

Тўйнинг қандай ўтгани унда берилган ароқ билан, тўйга оид бериладиган тўёна ароқ билан ўлчанадиган, аёлларга қон ичишдан қишлоқнинг келажати қандай бўларкан?..

НАФСИНГИЗДАН ҒОЛИБ БЎЛИНГ!

Мамонзо Жалолиддин Румий таъбирича, яратилар уч турлилар: малаклар, ҳайвонлар ва инсонлар. Малаклар — нуқул ақилан, ҳайвонлар — фақат шахватдан, инсон эса ақл ва шахватдан иборат.

«Ақл шахватидан устун келган киши малаклардан афзал, шахвати ақлидан ғолиб чиққан кимса эса ҳайвондан бўлибди» (Ҳалис).

Лекин, инсонга нафсидан ғолиб бўлиш учун Ақл берилган. Ундан фойдаланмоқ лозим!

«Нақиллари, Ибн Муҳаммад Жавфари Содик Абу Ҳанифа ҳикоятларидан:

— Оқил кимдир? — деб сўради.

Англи:

— Оқил улларки, яхшилик билан ёмонликни фарқлай олади.

Шундан Содик айтди:

— Иккинчиси нараса билан ёмон нарсани ҳайвонлар ҳам ажрата олади. Ҳайвонларни урмоқчи ёки ўт бермоқчи бўлсанг, ўт билан таёқнинг фарқига боради.

Абу Ҳанифа айтди:

— Сенинг наздингизда оқил ким?

— Оқил икки яхшилик ва икки ёмонлик орасини фарқлаш оловчи кишидир. Токи икки яхшиликдан энг яхширо-

ғини тандай олсин ва икки ёмонликдан энг ёмонроғини фарқтай олсин».

Шайх Фариддин Аъторнинг
«Тазкират ул-аълиё» китобидан.

ШОИР ДЕГАНИ АЛКАШ ДЕГАНИМИ?

Ҳамма билалитан, аммо ҳеч ким бу ҳақда ёзмайдиган, ўзаро гурунлардагина тилга олинадиган мавзулар мавжуд. Бутуннинг шоирлари кўп ичиши ҳақидаги гап шундай мавзулардан бири.

Талабалик давримизда бир курсдошимиз бўларди. Шоиртабиат, унча-мунча шеър ёзадиган, анчайин истеъдодли бу дўстимиз кўп ичар, буни шоирлиги билан изоҳлар эди. Унга кулоқ солсангиз, ҳамма буюк ижодкорлар — алкаш. Ўзаро суҳбатларда ҳам шоирлар ҳақида сўз очилиб қолса, «Ҳа, улар шоир-да, шунинг учун ичишади, фалончи шоирнинг ичмаса илҳоми келмас эмиш», деб қўйишарди.

Газета таҳририятлари жойлашган бино олдидаги ошхонада соатлаб ўтирадиган, бу ерга тез-тез келиб, кайф билан деярли бутун бинога эшиттириб шеър ўқийдиган, ёш ижодкорларга «Оқ йўл»ни яримта эвазита ёзиб берадиган шоирлар бор. Буни ҳаммамиз биламиз, аммо «Шоир-да, шунинг учун кўп ичади», деб қўямиз...

Тўғри, чинакам истеъдодлар жунунаш, сал эрқароқ бўлишарди. Бироқ уларни таърифлаётганда «алкаш» сифати қачондан бўён қўйиладиган бўлиб қолди?

«Душанда куни жумоидиллавал ойининг йиғирма учиди сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримага еттиким, ҳаммаша таваба дағдағаси хотирида бор эди, бу номашуъ амр ирғи-қобидин алад давом кўнгуланда гўёор эди, дедиким, эй нафс:

Чанд боши маосй мезакаш,
Таваба ҳам бемаза нест би чаш.
Неча исён била аудайиғиз,
Неча ҳирмон ара осудайиғиз,
Неча нафсингга бўйурсен тобе,
Неча умрингни қилурсен зое.

Қачонгача гуноҳ ишлардан эвақ олсанг, таваба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тоғиб кўр.

Нинини разе илаким юрубсен,
Умакингни ўзунга кўрубсен,
Қимми ўламак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатда билурсенки нешар,
Дер этар жумла маноҳийдин ўзин,
Қутур барча эноҳийдин ўзин,
Хуш қилиб ўзин бу кечмакликшин,
Инда қилдим чотур ичмакликшин.
Олтинчу нуқра суроҳийю аёқ,
Мажнунс оломти тамомини ул чок,
Хозир айтаб борини синадурум,
Дирек этиб майини, кўнгура тиндурум.

Бу синадуратган олтин-кумуш суроҳий ва оломти муста-
хурига ва дарवेशларга улашди. Ул кишиким, тавбада
маноҳийкига қилиб эди. Асос эди. Соҳал қирмоқта ва қуймоқ-
ти маноҳийкига қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи бекалардин
ва инқиллардин ва сипоҳилардин ва ғайри сипоҳийдин ул ноза
мун киши тавба қилдилар. Хозир чотгиларни тўқтуруб, до-
водот келтирган чотгиларни буюрдуқким, туз солиб, сирқа
келтидилар. Чотгиларни тўққан ерда бир войин қоздурди.
Нинин қилдиким, бу войинни тош била кўнортиб, бу войин-
нинг ёнида буюқайи хайре қилғайлар.

«Бобурнома»дан.

Ҳар бир кишининг теваратилдаги одамлар ҳақида ўз
файри бўлади. Инсоннинг бировга баҳо бериши ўзига хос
неонларга асосланади.

Мен «Титаник» филмини қизиқиб томоша қиламан,
қачондан эур ишланган. Аммо бир жиҳати унинг сезимли
финами бўлишига монелик қилади: бош қаҳрамонлар бу-
вечилик қиладилар...

Хушн шунга ўхшаш «Даллас», «Морена Клара», «Скар-
летт», «Муҳаббат қаҳваси», «Эсмералда» каби сериаллар
дан махорат билан суратга олинган. Актёрлар санъатига ҳам
тин бериш керак. Барча сериалларнинг асосий фойси — му-
қаббат таринини. Бироқ уларда тасвирланган баъзи давҳа-
лар, бининг миллитимизга, Шарққа ёт урф-одатлар, биз-
да ананаша пардаси ортида қоладиган нарсалар тасвири,
бурттириган сюжетлар, ахлоқсизлик тарғиботи уларга
набонин муносабатда бўлишимга йўл қўймайди.

Севибли актёрим спиртли ичимлик рекламасы ролити-да суратга тушар, севибли шоирим кўз ўнгимда бирин-кетин шишаларни бўшатар, яқин дўстим, кариндошим, ҳамкишилогим бўккунича ичар экан, уларга муносабатим-ни қайтадан кўриб чиқишга ҳақким бор. Фақат уларга яна бир бор айтар сўзим шу: ичишни ташланса бўлади!

«Мабридат»,

2002 йил, 9 октябр

БОБОМ, ОТАМ ВА МЕН

Найманнинг баҳори қизғалдоқ билан тароватли. Қиш-локнинг ғарби — Элбегидан Омонтубачага, шимоли — Ашрапдан Бударчага, шарқи — Тошлоқдан Ниётубачага минглаб гектар дашту далалар қизғалдоқ билан безанали.

Узоқдан қарасангиз, ҳамма жой қип-қизил бўлиб кўри-нади, фақат қизиллик. Яқин борсангиз, бошқа ўт-ўланлар борлигини ҳам кўрасиз: чирий, қашқайўнғичка, жинжак, чигир, так-так... Ҳар бирининг ўз ўрни, вазифаси бор. Аммо... аммо, ташқаридан, узоқ-узоқлардан, жанубдаги тоёдан қарасангиз, фақат қизғалдоқлар кўзга ташланади — қиру-адирларга, дашту далаларга кўрк берган қизғалдоқлар...

БОБОМ

Наймандан Бошқулукка тўйга борганларга Абдураззоқ полвонниқига кўник беришди. Ярим тунгача давом этган туруннинг асосий мавзуси эртанги кўпқарида ким кўпрок солим олиши ҳақида бўлди. Чавандоз полвонлар ва отлар-нинг имкониятлари тахмину муҳокама қилинди. Нишон, Абруй, Тожи, Турсун, Абдурашул, Абдурайим, Орол ва Кенжа Найманнинг ори учун майдонга тушадиган Шоди-ёр полвонга омад тилашди.

Турун қизигандан қизиб гаштак турунглари тусини олди, Шунда Абруйми, Нишонми, Турсунми, Тожи — ким-дир сўради:

— Кенжа, мана, сен — биргалсан, биласан. Айт-чи, шу коммунизм, коммунизм дейди, қачон бўлади ўзи бу ком-мунизм?

Кенжа биргад бирон беш-олти лаҳза тин олди-да, шипта осилган чирокка қараб, деди:

— Коммунизмда, шу... 80-йилларга бориб бўлса керак...

Бу ўтган асрнинг 50-йилларида бўлган гап. Мен катта отамни кўрмаганман. (Нишон Аҳмад ўғли 1960 йили туғилиб, 1972 йили вафот этган.) Аммо отам-нинг анжонлари орқали уни тасаввур қиламан. (Бобом су-ратга тушмаган, паспортга бўлмаган, спиртли ичимлик ту-ратта тушмаган, шипасидан сув ҳам ичмаган). Отам-нинг айтганича, Нишон бобо хокисор, содда, иймонли инсон бўлган. Бўш вақтларида дўмбираси кўлидан тушма-ган. Унинг дўмбира чертиб айтганларидан мана бу тўрт нарсани отам орқали бизга маълум:

Мақом тутилган сени одамзод бўйди,

Ишарман дегани бари мот бўйди.

Умарсан дуйдо, дуйдо ўтарсан,

Сенга келди қимнинг кўнгли шод бўйди?..

Қачон, қарда туғилиш ва ўлиш инсон иродасидан та-ваққилли ҳолис. Аммо туғилмоқ ва ўлмоқ орасидати ҳаёт инсон иқтиёри ила тутилган йўл ва амаллар билан кечади. Ушбекистон деб атаган Ватанда туғилиб, умр кечирган Нишон бобо ҳаётининг асосий қисмини СССР деб ном-ланган сохта асосларга қурилган давлатда яшаб ўтди. Ком-мунизм бобомлар авлодининг бир орузига айланган. Юр-танимда у каби ўйлаб, орзу қилиб ўтганлар, эх-хе, қанча кам?

Нишон бобонинг етти нафар фарзандидан биттаси ўқиб-оқиб маълумот олган бўлса, ўттиздан зиёд невараларидан ун нафари олий ва ўрта махсус таълим олиб, хозирги кун-да Тошкент, Самарқанд, Ангрэн, Жума ва Нурабод ша-ҳарларида яшаб, меҳнат қилишмоқда. Яна бир нечаси Тош-кент ва Самарқанд шаҳрида таҳсил олмоқда. Уларнинг мак-таблари анжик, ҳаётини ва асосли.

ОТАМ...

1972 йили қишлоғимизга электр токи келгач, отам би-ринчи бўлиб телевизор сотиб олган экан. Кўни-кўшнлар кечкурунлари уйимизга тўлиб кетарди, деб эслайди онам. Ўзини телевизордан бошлаган мурод боғалик даврим-дан неч хотирамдан кўтарилмай келатган бир воқеани эс-латиб...

Ҳар гал кечки соат 20дан 30 дақиқа ўтганда «бир»да (Москва канали шундай деб атаганди халқ тилида, Тошкент эса — «икки») «Время» кўрсатуви бошлангач, албатта, отам уни томоша қилар, тушунмасак, қизиқмасак-да, биз ҳам қараб ўтирардик. Кўрсатув охирида об-ҳаво маълумоти берилар, навбат Красноярск ўлкасига келганда Красноярск шаҳридаги Енисей дарёси устига қурилган кўприк тасвири берилар, ҳар гал уни кўриб отам ўзгача бир ҳаяжонга тушарди...

Отам, Маҳмарайим Нишон ўғли 1961—1964 йиллари Красноярск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаган. 1963 йили Шушенскоега, пролетарлар доҳийси сурғунда бўлган жойга экскурсияга касал бўлиб қолганлиги сабабли сафдошлари билан бирга боролмаганларини эслаб, афсус чекиб кўярди...

Бутун Ўзбекистоннинг ўз ҳарбий кўшинлари бор. Ўзбек йигитлари ўз Ватани сарҳадларини кўриқлаш учун хизмат қилмоқдалар.

Жаҳонга кўз-кўзласа арзийдиган ёшларимиз, фарзандларимиз қалбида ғурур чечакларини ундиралдиган жавоҳирларимиз кўп.

Ўзбекистон телевидениеси ҳар кунни «Ватан жавоҳирлари», «Ватан манзаралари» лавҳаларини намойиш этади. Бу миллат тафаккуридаги ўзгаришларга, миллий мафҳурани шакллантиришга хизмат қилаётгани шубҳасиз.

...ВА МЕН

Кишлокка бир борганимизда раҳматли отам айтиб қолганди:

— Бир кунни ярим кечаси йиғи овозидан уйғониб кетдим. Уканглар нариги уйда футбол кўришгаётганди. Қарасам — Элмурод. Биз ётган уйга кириб келиб, ўпкаси тўлиб йиғлапти. «Ҳа, нима бўлди», десам, «Ўзбекистон ютқазди», дейили. «Кимга?», «Японияга, тўртун нолга ютқазди». «Ҳа, энди бу ўйинда, бир-да ютқазса, кейинги гал, албатта, ютади», деб овунтирдим.

Бу 1996 йилги гал.

Ўн ёшли боланинг Ватан шавъи учун тўккан кўз ёшлари эди бу. Мурғак қалбда илдиз отган Ватан севгиси изҳори — сўзсиз, сассиз изҳор эди бу...

1991 йилнинг 1 сентябри. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирда педагогика университет) ўзбек филологияси факултетига ўқишга кирган I-курс талабаларини катта залга тўйлашти. Факултет декани профессор Низомилдин Маҳмудов ёшларни талаба бўлганликлари ҳамда Ватан Мустақиллиги билан табриклади.

Биз — мактабни энди тугатиб келган 200 нафарга яқин ёшлар Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, унинг илк бор оғини ўқув юртига ўқишга кирган дастлабки талабалари — мустақиллик ниҳоллари эканлигимизни ўша пайтда тўла ҳис қилиётганимиз. Йиллар ўтгани сари истиқлол, Ватан севгиси қилбларимизни тўлдирди.

Элмурод Дўстмуродов, Аҳмад Норбобоев, Эшпўлат Чоринбаев, Ўрол Эшқобилов — булар Қизилқарвонда ўзидан оғиб, эл-ўлуси учун имкониятлари доирасида хизмат қилиб ишда ўтганлар.

Давир Тўхпиев, Кенжабой Пардаев, Исмоил Абдиев... бирни профессор, бирови шифокор, доцент, — турли касб эдилари. Уларни боғлаб турувчи жиҳат — Ватан учун ўзидан оғиб хизмат қилиши...

... Хотира ва қадрлаш кунни кишлоғимда эдим. Бобом ва отам қабрларини зиёрат қилдим. Қабристондан қайтар эканман, шу туғроқ, шу қизғалдоқлар, шу Ватан билан бир тану бир жон эканлигимни, бобом ва отам беролмаган парасини Ватанимга беришим шартлигини, фарзандларимни ҳам шундай руҳда тарбиялашим лозимлигини юракдан қиё қилдим.

«Мадрифат»,
2003 йил, 28 май

БОРЛИГИМИЗ ВА БИРЛИГИМИЗ РАМЗИ

Низомиддин Маҳмудов 1951 йили Фарғона вилоятининг Бунёдда туманида туғилган. 1974 йили ТошДўнинг ўзбек филологияси факултетини тугатган. Филология фанлари доктори, профессор. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси», «Ўлимиз ва сўзимиз», «Мадрифат манзиллари», «Сўз этикаси» каби миллий тафаккурни ривожлантирувчи, жумладан, тинчлуксизликка оид бир қанча китоблар муаллифи.

— Тилимизга давлат тили мақоми берилганига ўн йил бўлди. Бу катта муҳлат. Мақсад нима эдию, қандай натижаларга эришилди?

— Ҳар қандай қонун, табиийки, жамиятда юзата келган эҳтиёж ва зарурият туфайли туғилади. Миллий ўзликни англаш ва уни кенг намоийш этишга бўлган бениҳоя кучли интилиш, энг аввало, она тили ва миллий адабиётни айрича муҳаббат билан ардоқлаш, асраб-авайлаш шаклида бўй кўрсатади. Миллий уйғониш деган жуда мураккаб ва муҳташам жараёنнинг ибтидосида миллат тушунчасининг асосини ташкил этадиган она тилига эҳтиром, унинг муҳофазаси учун қайғуриш, мунтазам ривожини учун чин маънодаги масъулият борлиги айтиш ҳақиқатдир.

Ўзбек тили туркий тилларнинг энг йирикларидан бири сифатида Ер юзидagi қадимги тиллардан ҳисобланади. Унинг бениҳоя бой, рангин ва гўзал ёзма анъаналари бир неча юз йилликлар билан ўлчанади. Бу тилнинг ёзма адабий тил сифатидagi асослари сўз мулкнинг сўлтонлиги, улкан мутафаккир Алишер Навоий томонидан XV асрда яратилган. Айни шу тилда битилган беҳисоб бадиий ва ақлий тафаккур дурдоналари бугун жаҳон маданияти ва фани хазинасини беэбаб турганлиги ҳеч қимга сир эмас. Аммо, таассуф билан айтиш лозимки, ана шундай қадимий анъаналарга соҳиб бўлган беназир бой тил сўнги тарихда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан буюғига, то 80-йилларнинг охирига қадар, Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилгунча бўлган даврда рус тилининг қаттиқ таъсири остида қолди. Оқибатда тилимизни «русча-интернационал» сўзлар босиб кетди, тилимиз табиатида элд синтактик қурилма ва иборалар юзата келди, сунъий ясалмалар пайдо бўлди. Қадим ўзбек тили бадиий адабиёт тили сифатида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Фахур Ғулوم, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шўкур Холмиров каби кўплаб нодир сўз дарғалари асарлари тимсолида имкон қадар ривож топиб келган бўлса-да, қундалиқ ҳаётда у дээрли уй-рўзгор тилига айланган қолган эди. «Совет даври» дейилмиш яқин тарихда ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқлари поймол этилди, у ҳар жи-

Навий буюртишур мени фаслар...

натин қамситилди, ўзбек тили ва ўзбек халқининг ягона йотини бўлмиш Ўзбекистонда расмий ишлар ўзбек тилига эмас, балки рус тилига олиб борилди. Шапалоқдек қовоқ қан ўша тилда бўлмаса, қилча қувватга эга бўлмади. Булар, албатта, ялпи совет империализм фойсанининг бир нўчалани бўлган «қип-қизил» тил сиёсатининг мақсади билан боғлиқ натижалардир.

80-йилларнинг охирига келиб, советлар салтанатининг пардаланиши арафасида миллий уйғониш бошланди. Бу дээрли барча соҳаларда, энг аввало, тил билан боғлиқ муаммоларга муносабатда кўринди. Ана шу пайтда ўзбек тилининг Ўз Ватанида қонуний ҳуқуқларини тиклашдек янги мақсад билан ўзбек тилига давлат тили мақомини берилиш ҳақидаги масала чуқур англандан эҳтиёж сифатида кўн тартибига чиқди. Шу тариқа бундан ўн йил бурун, 1989 йилининг 21 октябрида мамлакатимизда «Давлат тили ҳақида» қонунин қабул қилинди. Бу қонун тилимиз ва халқимиз ҳаётида фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тавқиллаш керакки, мазкур қонун ҳали совет империяси бор пайтда, мустақиллигимиздан олдин қабул қилинган эди. Шунинг учун ҳам унда истиқлол талабларига, яъни, мустақил давлат шароитларига мос келмайдиган қонунлар, жиддий таҳрир талаб ўринлар мавжуд эди. (Маълумки, миллатлараро муомала рус тили эканлиги қонундан қолди, ҳарбий қисмлардаги тил тўғрисидаги изоҳ ва шу қабиллар). Ана шу ноқисликларни барпараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1993 йилининг 21 декабрида янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида» қонунини қабул қилди. Бу қонунда мустақил мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, бошқа тилларнинг тараққиёти учун ғамхўрлик ва, умуман, давлат тили сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Давлат тили тўғрисидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш деганда мамлакатимизда ўтган давр ичида кўп иш қилинган. Республика тил комиссияси бу борадаги ишларнинг йиғинини доимий назорат қилиб турибди. Республика Адабиат қўмитаси тилимиздаги атамаларни илмий асосда, яъни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда тартиб-таълим учун мунтазам иш олиб бормоқда. Давлат тилида

иш юритишга жадал ва тўла ўтишга кўмак берадиган турли амалий қўлланмалар, рисодалар, лўғатлар тайёрланиб, кўпминг нусхаларда нашр этилди. Айтиш мумкинки, Қонунда кўзда тутилган асосий мақсад — ўзбек тилининг қонуний ҳукуklarини тиклашдек улўф мақсадга эришилди. Ўзбек тили эркин ривож йўлига ва ҳеч бир истисноси ҳаётимизнинг барча соҳаларида расмий қўлланишга кирди. Тўғри, давлат тилида иш юритиш, уни ўрганиш ва бошқа айрим масалаларда баъзи суҳбатчиликлар йўқ эмас. Уларни жадал бартараф этиш учун озод юртимизнинг ҳар бир фуқароси масъул эканлигини ёдда тутмоқ лозим. Зотан, муҳтарам Президентимиз уқтирганларидек, «ўз давлат тилини билдиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси»дир.

— *Биз нималар қилишни керак, деб ўйлайсиз?*

— Албатта, қилиниши лозим бўлган ишлар анча-мунча бор. Уларнинг баъзиларини қўйиладигча умумлаштириш мумкин. Шахснинг нутқ маданияти жамият умумий маданиятининг ўзига хос бир узвий қисмидир. Шундай экан, нутқ маданияти масалаларини янада чуқувроқ ўрганиш, ёш авлод нутқи маданиятини ўстириш борасида методик ишларни кучайтириш, тилимизнинг бежис ифода имконларини омабоп тилда кўрсатиб берадиган рисодалар яратиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг мамлакатимиздаги ва хориждаги тарғиби учун хизмат қиладиган, уни ўрганишга турли миллат вакилларида рағбат уйғотадиган китобчалар, турли расмий бўжкетлар нашр этиш ҳам фойдалидир. Бошланғич синф ўқувчиларининг сўз маънолари билан яқиндан танишишлари учун ёрдам берадиган ихчам изоҳли лўғатлар тузишнинг ҳам вақти етган. Бутун сўз бойлигимизни намоён этадиган катта изоҳли лўғатни тузишни ҳам жадаллаштириш тилшуносларнинг долзарб вифаларидандир.

— *Бузуи мактабда ўзбек тилининг ўргатилишидан қўйилган тўғайими?*

— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш доирасида она тилини ўқитиш ҳам тубдан ислоҳ қилинди, она тили таълими жишлий янгиланди. Бутунги мустақиллик шароитимиз, мингйиллик миллий анъаналаримиз ва

амонавий тараққийёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, айни пайтда дунёнинг илғор мамлакатларидаги тил таълимининг ташкил этиш тажрибаларига суяниб, тамомла янгиланган она тили таълими механизмига ишлаб чиқилди. Ўзбек тилини ўқитиш бўйича давлат стандартлари, янги дастурлар, дарсликлар яратилдики, бу муҳим ҳужжатларнинг бош мақсади ёш авлодни миллий ўзлигини тўла янгилаган, мустақил ижодий фикрлайдиган, ўз фикрларини она тилида равон, лўнда ва тўғал шаклларда ифода қилиш оладиган баркамол шахслар қилиб тарбиялашдан иборат. Энди тил дарслари фақат грамматик қоидаларни кўриқ қилиш тарзида эмас, балки тирик нутқий қилишларнинг грамматик қоидаларнинг моҳиятини идрок этиш тарзида тарзида ташкил қилинмоқда. Асосий эътибор бошда ижодий нутқ малакасини шакллантиришга қаратилмоқда. Бундай принципнинг жишлий самара бериши дунё таърибларида синодан ўтган.

— *Ўзбек тили ўқитувчиси қандай бўлиши керак?*

— Ўзбек тили ўқитувчиси, энг аввало, маънавий-маърифий жиҳатдан қомил бўлиши лозим. Фақат ўзбек тили ва адабиётининггина чуқур билиб қолмасдан, тарих ва замон муаммоларини мустақил талқин ва таҳлил этиш маънасида эта бўлиши керак. Миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳияти ва уларнинг уйғунлигини теран тушуниш билан кенг дунёқарашини намоён қила олиши мақсадга мувофиқ. Равон ва ифодали нутқ эса ўзбек тили ўқитувчиси сиймосининг бош белгиси эканлиги эски ҳақиқат. У ўзининг мафтун этувчи нутқи, мунгазам маданияти, тўқис қиёфаси билан ўқувчиларига ибрат андоза-и бўлмоғи шарт. Таълимда кўргазмалар қуролга фавқуллод ва муҳим аҳамият берилади, ўқитувчи эса асосий тирик таъризмалар қуролдир...

— *Тилга қўйилган ким ёки нима сабаб бўлган?*

— Ўқилишмида китоб ўқилиши яхши кўрадим. Дадам, раҳматли мулло Мамадали Маҳмуд ўғли, бениҳоя маърифатли киши эдилар. У киши менинг китоб ўқилишдан жуда кўзурлар, китобдаги айрим сўзларнинг маъноларини менга даъқ билан изоҳлаб беради, менинг ҳам ўзимча таълиқларимни ҳафсала билан рағбатлантирад эдилар. Бундай туманидаги мактаб-интернатда ўқувчилар қалбини

сўзона сўзи сеҳри билан забт этган катта бадийий дил ва маҳорат соҳиби Муҳторжон ака Қосимов деган ўқитувчимиз бўларди. У кишининг ҳар бир дарси — тил дарси ҳам, адабиёт дарси ҳам ўзига хос бир спектаклдай ўтарди. Бу муҳтарам устозимизнинг дарсларини интиқиб кутардик. Тилга бўлган интилишимнинг шаклланиши, барқарорлашувида ана шу азиз ўқитувчимизнинг заҳматли меҳнатларини, миннатсиз пандларини миннатдор шогирд сифатида ҳамиша эслайман. Ҳозирги кунда Муҳторжон ака Бувайда туманидаги Кўнғирот қишлоғида нафақада бўлса-да, сўз оламининг сирларини ўрганишдан чарчамайди. Университетда мени тилдай мураккаб ва муқаддас олам талқикига йўллаган муҳтарам устозим, профессор Мирзаиз ака Миртожиевни катта ҳурмат билан тилган олишнинг ҳам бурчим деб биламан. Бу устозаримни бўлуғни байрам билан астойдил табриклашдан бахтиёрман.

Жон ва танзимиз бўлган мустақил Ўзбекистонимиз фуқароларининг барчасини борлигимиз ва бирлигимиз рамзи бўлмиш «Давлат тили ҳақида» муборак Қонунининг ўн йиллиги билан табриклайман.

«Маорифат»,
1999 йил, 20 октябр

ТИЛ ЎРГАНИШГА, АВВАЛО, ХОҲИШ КЕРАК

Аббос ИРИСКУЛОВ — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети куйи инглиз филологияси факультети декани, ЎЗДЖТУ қошидаги Тил маркази директори, Республиканинг инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти, таълиқ таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси. У билан суҳбатимиз сизни қизиқтирган саволларга жавоб беради, деб ўйлаймиз.

— *Биринчи муаллимингиз ким эди?*

— Ўзи мен иккита мактабда ўқиганман, десам ҳам бўлади. Бири — Глиэр номидаги 11 йиллик махсус мусиқа мактаби, яна бири — Тошкент шаҳридаги 8-ўрта умумтаълим мактаби. Ярим кун умумтаълим мактабида, ярим кун мусиқа мактабида таҳсил олганман.

Мактаб тўғрисида гапирадиган бўлсам, асосан, иккита

Менин буюртмани мени фасллар...

ўқитувчини ўзимнинг устозларим деб биламан — пианинодан дарс берган Анна Ивановна ҳамда рубобдан дарс берган Катерина Петросян.

Мусиқа мактабини тугатганимиздан сўнг мен билан бирга битирган 10 нафар боланинг ҳаммаси консерваторияга ўқишга кирди, мен эса чет тиллари институтига кирганим. Чунки чет тилларига қизиқиш менда мактабда ўқиб юрган пайтимида туғилган эди.

Институтда Мираза Қосимов, Жамоллидин Бўронов каби устозларнинг инглиз тилини яхшилаб ўрганишимда хизматлари сингган.

Омидим бор экан, инглиз тилини яхшилаб ўргандим ва институтни тугатишим билан мени Ҳиндистонга ишга юборишди.

— *Мусиқа билан тил ўрганиш ўртасида боғлиқлик бор-ми?*

— Адабиёт, шеърият билан мусиқа орасида боғлиқлик мавжуд.

1968 йили Ўзбекистонда Осиё ва Африка мамлакатларини ёшларнинг биринчи конференцияси бўлиди. Шунда таржимонлар рўйхатини кўришганда, ўша рўйхатда ўзбек таржимони Рўйхат қайтариб юборилган, кейинчалик рўйхатга 11 нафар ўзбек таржимонини ҳам киритганлар. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Биринчи курсни битирибок таржимонлик қилганман.

Саволнингизни инглиз тили билан боғлаётганимнинг сабаби шунки, чет тилини ўрнанаман, таржимон бўламан, деган одамнинг биринчи навбатда қулоғи зўр бўлиши керак. Кимнинг қулоғи яхши эшитса, мусиқани ҳам илб илб эшитиб оқиб, иккинчидан, чет тилидаги ҳамма оҳанг, таърифларини илғаб олишга ҳам қулай. Институтда инглиз тилини яхши ўрганишимга асосий сабаблардан бири мусиқа мактабида ўқиганим бўлди.

— *Тил ўрганиш одамни ўзгартирадими?*

Катта тил билсанг, дунёни шунча биласан, дейишди. Дамовани тилшунослик ҳам шунча. Умуман, чет тилини ўрганган кишининг дунёқараши бошқача бўлади. Тил ўрганиш атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни яхши англашга ҳам ёрдам беради. Инсонлар билан мулоқотда уларни яхши тушунишга кўмаклашади.

— *Адабиётчи тилшунос, тилчи адабиётшунос бўлиши лозим. Сиз бир қанча асарларни чет тилига таржима қилгансиз. Нега таржима учун айнан ушбу китобларни танлагансиз?*

— Таржима қилганларим Юрча китоб бўлди. Барчаси ЮНЕСКО ҳомийлигида 11 йиллик мустақиллик олимпиади, Ўзбекистон тарихи, қадриятлари, анъаналари, археология, этнография, санъат, тараккиёт босқичлари, иқтисоди, саноати, умуман, мамлакатимиз ҳаёти ҳақида ҳикмат қилувчи китоблар. Қонқиш билан ўйрдим. Тарихимизнинг очилмаган саҳифалари, мустақиллик туфайли айгани мумкин бўлган таплар, фикрлар акс этган бу китоблардан жуда кўп билмаган нарсаларимни билиб олдим.

— *Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз...*

— 1996 йили республикада, Марказий Осиё республикалари ичида ilk бор, инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ташкил қилинди. Ассоциациянинг биринчи президенти Жамила Ғуломова эди. Ҳозирча, афсуски, бошқа тиллар ўқитувчилари ассоциациялари тўзилгани йўқ, Шарқ тиллари, немис, француз, умуман, чет тилларининг яхши ўрганиш, ўргатиш учун шундай ассоциациялар бўлиши зарур. Сабаби, илгари чет тилларининг, асосан, грамматикаси ўргатиладиган, талабаларнинг оёқлари нутқларининг ривожлантиришга ҳеч қим аҳамият бермас эди, чунки бу керак ҳам эмасди. У пайти тилни ўрганганга нима қилардингиз? Чет элликлар билан гаплашишга қўйишмас, четга чиқаришмас, шу сабабли танланган метод ҳам шунинг боғлиқ эди — мактабда дарс бериш учунгина мутахассислар тайёрланарди. Ҳозирги кунда, чет тили, жумладан, инглиз тилига ёндашиш умуман ўзгарди. Бугун бирон чет тили ва компьютерни билмасангиз, кадрлар орасида рақобатга бардош бера олишинингизни тасаввур қилиш қийин. Бу энди биз — ўқитувчилар, жумладан, ҳар йили минг нафар атрофида чет тиллари мутахассислари етиштириб берилган ушбу соҳанинг етакчи олий ўқув юрти — Жаҳон тиллари университети олдида катта масъулият юклайди. Бугун бутун дунёда, жаҳон амалиётида синондан ўтган интерактив, коммуникатив жадал метод, деган гап бор. Шунинг қўллаш бўлувчи куннинг долзарб вазифаси. Президентимиз чикшилариди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам бу борада бир қанча муҳим, аҳамиятли фикрлар билдирилган.

Мен биринчи марта фикрлар...

Шулардан бири — ўзбек тилига асосланиб чет тилини ўргатиш мумкин; интерактив методларни қўллаш, адабиётларни ўргатиш. Бу борада ЎзДЖТУ етакчи бўлиши шарт эди ва шундан ҳам бўлмоқда. Ассоциациямизга юклатилган асосий вазифалардан бири — хорижий мамлакатлардаги университетлар, худди шундай ассоциациялар билан алоқадорлиқни қўйиш. Улардаги янгиликлар — интерактив, коммуникатив методларни ўзлаштириб, тарғиб ва татбиқ қилиш. Ҳар жума кўни Тошкент шаҳри инглиз тили ўқитувчилари учун семинар ўтказаяпмиз. Унда хорижий мутахассислар иштирок этишади. Саккизта вилоятда ассоциациянинг бўлимлари фаолият юритиб, муаллимларимизга менинг ёрдам кўрсатамоқда.

Республика инглиз тили ўқитувчиларининг танловини ташкиллашмоқда. Буларнинг бари — Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси фаолиятининг етакчи йўналишиларидан бири.

— *Қандай чет тилларда бўлгансиз. Қандай жўлатларни кўрсатмоқда қолган?*

Биринчи бўлиб ўқим, институтни битиришим билан Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб хорижга ишга жўнатилганман. Бундан бери таржимонлар Москва, Ленинграддан жалб қилинган. Мени Ҳиндистонга — Мадорас шаҳрига юбдирилган. У ерда бир неча йил таржимонлик қилдим. Билангиз, у ерда Бобурнинг қалами теккан. Агар Шимолий Ҳиндистон тўлиқларини кўрсатганга, Ўзбекистонда бўладиган нутқ ўқилишининг худди ўзи. Ушбулар, ўйин-қўлуларни бизнингга ўқитиш. Уша мен борган пайтдаим шунақа эди, мана шундан, 4-5 йил бўлиб қолди, Деҳлига борганимда яна шу пайтларнинг тўвоғи бўлдим.

Шимолий Ҳиндистонда боғлар кўп. Полиз экинларини қилиб эшитилди. Эшитилдики, ушбу боғлардаги олма, анорларни у ерда Бобур олиб борган экан. Бунни ўша ёқда эшитганим. Бу ердаим эшитдим, ростдан ҳам шунақа экан. Бобур бари қизик-да. Бир эр-хотин инглизлар бор. Бобурнинг Ҳиндистонни қандай забот этгани ҳақида ёзишиб, боя мен айтаётган жўлатларини ҳам ёритишган. Мен шунинг асосини қўлланман. «Ёшлик» журналинда 1988 йили чиккан. Ҳиндистон таржима қилган эдим, лекин совет ҳукуматидаги тўғри келмайдиган жойларини кесиб-кесиб, 2 бетми, 3 бетми қилиб босишган.

— **Тилини ўрганишнинг энг маъбула йўли қандай?**

— Биринчи навбатда хоҳиш бўлиши керак. Иккинчидан, ўргатувчи, яъни ўқитувчи яхши бўлиши лозим. Хоҳиш бўлса, ўқитувчи бўлса — ўрганиш осон. Марказимизда 1 ойлик, 5 ойлик, 10 ойлик тил ўрганиш курсларимиз бор. Баъзида тил ўргатувчилар 3 ойда чет тилида яхши гапирадиган бўлиб чиқиб кетади. Марказимизни ҳар йили 1300-1400 киши битириб чиқади. Баъзиларини 10 ой ўқитганим, чет тилида гапиролмасдан, яъни яхши ўрганолмастан чиқиб кетишди. Ваҳоланки, бизда тил ўрганишга барча шариоитлар бор. Аудио ва видео аппаратларимиз, материалларимиз етарли. Лекин гапиролмай чиқиб кетадиганлар мажбуран келишадими, билмадим. Курсларимиз энг арзон. Ҳафта сига 16 соат. 4 марта 4 соатдан келишди. Тахминан унiversитетдек. У ерда қанча ўргатишса, бизда ҳам шу билимни беришди.

Тил ўрганувчига айтар сўзим: тил ўрганмоқчи бўлсанг, аввало хоҳишинг бўлсин. Кейин яхши бир устоз топ.

— **Сўз мукаддас саҳнат қилмаган бир мутлақас сифатида буғуни ОАВдаги сўз сарфи ҳақида қандай фикрларингиз?**

— Саволингиз қизиқ. Ўйлангирадиган савол-да. Газета-журналларни ўқисангиз, чет тиллардан ўзлашган сўз ва иборалар кўп ишлатилади. Бу, менингча, бугунги халқ тилига яқин. Энди, баъзи газета-журналлар бор, эсингизда борми, 4-5 йил олдин тушпа-тузук «факултет» деган сўз мизни «куллёт» деб қўллашди. «Республика»ни «жумхурия» дейишди. Лекин бу сингмалар бизларга. Тилнинг ривожланиши сиз билан менинг ихтиёримизда эмас. Биз орфографиясини бошқаришимиз мумкин.

Мен иккитатигина мисол келтирдим. Лекин бундай сўзлар кўп. Бу сўзлар устида улар жуда кўп ишлатишди. Менингча, тилнинг ўзига кулоқ бериш керак. Тилнинг ривожланишига имкон беришимиз лозим. Чунки тил ҳеч қандай буйруққа бўйсунмайди.

— **Тил ўргатувчи факултетларга талабаларни тест орқали қабул қилиш ўзини оқшайдими?**

— Хорижий тилларни ўқитиш учун институтларга ҳамма жойда тест орқали талаба қабул қилинмоқда. Бунинг яхши томонлари кўп. Аввалги имтиҳондан ўтиб ўқишга киришган талаба билан бутун тест орқали кирадиган талаба орасида фарқ бор. Бу ижобий. Мен бунни қўллаб-қувватлайман.

Лекин, шу билан бирга баъзи хорижий тил билан боғлиқ жойларда тест билан бирга, абитуриентларнинг озаки нуқсонини имтиҳон қилиш керакми, дейман. Баъзан нуқти ривожланиш талбадлар учрайди. Улар мактабларда дарс беришолмайдилар. Тилни билади, тестдан ўтади, лекин озаки нуқсони кўйилганда. Яхшиям, буларнинг баъзилари тарбиянинг бўлиб кетишди. Чет тили мусикага ўхшайди. Мусиқага кўшимча имконият беришди, лекин тил ўрганувчиларга шу имконият берилмаган. Айтмоқчиманки, консерваторияга киратган талабаларга ўхшаб университетларга киратган талабалардан ҳам кўшимча имтиҳон олинса. Яъни нуқсон нутқлари синаб кўрилса, ёмон бўлмасли.

Америка, Европа давлатларида мактабни битиригандан кўшимчилигидан имтиҳон шу даражада қаттиқ назоратга олинмадики, битириб бўлгандан кейин у ҳеч қарға ботиб, билишга ўхшаб саратонда, иссиқда 5-6 соатлаб имтиҳон тоширмайдилар. Ҳамма имтиҳонни мактабда тоширишди. Кейин ҳужжатларни исталган олий ўқув юртига жўнашди, у ердан, сени қабул қилишди ёки қабул қилмадики, деган жавоб келди.

Бизда ҳам шунақа бўлса, яхши бўларди. Яъни мактаб битириш имтиҳонлари олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари вақфасини ҳам бажаради.

— **Биринчи, ўша мактабда имтиҳон тоширган боланинг баъзи етмай, уни хоҳлаган университетни қабул қилмасан-чи?**

Бизда мисол айтмай. Америкада 600дан ортиқ балл билан одам Американинг хоҳлаган университетига ўқишга кириши мумкин. Масалан, Ҳарвард университети 600дан ортиқ балл олган ҳар қандай абитуриентни ўқишга қабул қилади. Ўшқча яна 4-5 университет бор, улар ҳам шундай. Яъни уларда 600 балл олиш биздаги «5» баҳога тенг. Ундан кўра кўра қабул қилинмайдилар. 550 балл — биздаги «4» баҳога тенг келди. 150—200 балл олганлари эса касб-хунарига кўра уларда махсус ўқув юртига кириши мумкин.

— **Сўбатимиз сўнгиде муаллимларга ташаккурингиз...**

Аммиго, айтиб ўтмоқчиманки, «Мабрифат» газетаси билан жуда маъқул газета. Республикада кечатган маърифат ва маданият жараёнларни яхши ёритиб боради. Халқ билан бўлигандан воқеа-ҳодисаларни очиб ёзиб борагандан

газета. Унинг муштарийлари эса азиз муаллимлар. Муаллим миллатнинг юзи, дейдилар. Ана шу миллатимизнинг юзига ҳеч қачон доғ тушмасин.

**«Маорифат»,
2003 йил, 17 май**

ОИЛА — МИЛЛАТ ҚЎРҒОНИ

ҲАЛ ҚИЛВУЧИ БЎҒИН

«Омлавий маданият», «аҳборот урушлари», «маданият геомония», «маданий империализм», «маданий глобаллашув» каби тушунчаларни эшитар ёки шу ҳақда ўқир эканман, энг аввало, ҳаёлимга ОИЛА келади.

Оила — миллий ўзига хосликни, қадриятлар, энг яхши анъаналарни жамлаган миллий маданиятни, бир сўз билан айтганда, миллат қиёфасини асраб қолувчи қўрғондир. Юқорида эслатилган ҳаракаатлар, геомонликка интиладиган давлатлардаги муайян кучлар томонидан амалга ошириладиган мафқуравий таъйин, маданий хуружлар эса айнан оила тушунчасини пароканда қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Президент Истом Каримов ҳар гал ёш авлоднинг турли таҳдид ва таъйиқлардан, маданий ва маънавий хуружлардан асраш ҳақида гапирар экан, бунда, энг аввало, оилани эътиборни қўйириш зарурлигини таъкидлайди. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» деб номланган маърузасида ҳам янги 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиб, шу муносабат билан қабул қилинадиган махсус давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, жумладан, шундай дейди: «Соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашда жамиятнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўлиши бўлиши оилата алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурининг унинг қисми сифатида қўйишимиз зарур.

Ҳақимизда «Қуш уасида кўрганни қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртала Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсон

ни тарбиятир мени фаслат...

қар-қўб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом нафаси, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илҳиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши билармиз.

Қандон ҳуноса шук, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи нафасида, инги қурилайтган ёш оилалар масаласи давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллапаримизнинг долми эътибори тарафидан устувор ақида, деб бишимиз даркор.

Маълумки, бутунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламнинг юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долми вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўлжимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бетона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кўпайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга баъбат элши табиийдир».

ҚАЛАМУШСИЗ МАТАЛЛАР

Оила ҳақида сўз борар экан, барчамизнинг ёдимизга келадиган болалигимиз, ота ва онамизнинг тутуми, бизни тарбия тарбия этгани тушади.

Ҳақиминг отам биз, фарзандларига айтиб берадиган қадриятларнинг қаҳрамонлари асосан от, бўри, ит, қуён каби ҳайвонлар, бедани, мусича каби қушлар бўлар эди. Бирон кунга еткөн, қаламуш, илон сингари зарарқунандаларни қарамон қилиб матал айтганини эслолмайман.

Миллатнинг болалари кўраётган мулфилмларнинг қаҳрамонлари эди, синқон, қаламуш ҳамда номи йўқ, Ғарб мулфилмларининг томонидан ўйлаб чиқарилган ҳаёлий, қарамонли маҳлуқлар — «Стюарт Литтл», «Микки Маус», «Пирес», «Шрек», «Бетман» ва ҳоказолар.

Миллати экранимизни эгаллаб олган хориз сериалларнинг бош қаҳрамонлари орасида валди зино бўлмагани келди йўқ...

Мен ўйлаб кўрсам, олти ака-укадан тўрт нафаримизнинг жамиятнинг «қўзи» ва «сўзи» бўлган қадр — журналист бўлишимизда отамнинг маталлари катта рол ўйнаган эди.

КЛАССИК АШУЛАЛАРИМИЗ — МЕН ТАНЛАГАН МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Кўча-кўйда ярим-яланғоч, тирноқларини ўстириб юрган қизларни кўрсам, бекорчиликдан зерикиб, гиёҳнинг дик, ахлоқсизлик, фахш домига тушиб қолган йигит-қизлар ҳақида эшитсам, «Шуларнинг ҳам оиласи, ота-она, ака-укаси бормикан, оилаларида муҳит қандай экан?», деб ўйлаб қоламан.

Интернетдаги ўшак(ғийбат)лар, мобил телефонларда тарқаб кетаётган турли беҳаё давҳалар, сериаллару мультфильмларда зимдан тарқатилган ёт роляларга қарши имунитетни, энг аввало, оилادا шакллантиришимиз зарур. Зеро, Президентимиз «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидлаганидек: «Кўпийлик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсон ўз умри давомида олаётган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги, асосан, 5—7 ёшда шаклланишини инобатга олаётган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбига оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди».

Фарзандларимизнинг кенжаси бир ойлик бўлди. Ака-опалари эса икки ярим, беш ярим ва саккиз ёшда. Дам олинган кунлари, одада, уйда бўлсам, уларга мультфильм кўришга руҳсат бермайман. Бунинг ўрнига «Олтин мерос» туркумидати юздан ортиқ классик ашулаларимиз ёзилган дискнинг ёки Отажон Худойшукуров, Дилнورا Қодиржонова, Ўқтам Аҳмедов кўшиқлари ёзилган дискни кўйиб қўяман. Майли, улар мента кўшилиб диққат билан эшитишга ҳали сабрлари етмас, аммо муҳими, қўлоқларига синтапти-ку, дейман.

Бу менинг хонадонимга хоҳласам-хоҳамасам-да, кириб келадиган «маданий» ва маънавий хуружларга қарши фарзандларим онги ва қалбига миллий мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган уринишимидир.

Глобаллашув — мураккаб жараён. У, аввало, ахборотларнинг хилма-хиллиги билан характерланади. Аммо кўп нерсани эмас, керагини билган доно деталаридек, фарзандларимизни барқамол авлод этиб тарбиялаш учун уларни нафақат оқ ва қорани, яхши ва ёмонни ажратишга эмас, балки бир ривоятда таъкидланганидек, икки яхшилиқнинг энг яхшисини, икки ёмонлиқнинг ёмонроғини фарқлай олин-

ганини ёдритиб мени фасладир...
 Ҳам уринишимиз шарт. Шунда улар ҳар биримиз орзу-баънинг етук шахслар бўлиб вояга етишлари шубҳасиз.

«Нисон»,
 2009 йил, 15 декабр

«НИМКИ КҮП ИШЛАР ҚИЛИБДИ, ДЕМАК, НАҚТДАН ТҶҒРИ ФОЙДАЛАНИБДИ...»

Таврифи фахлари доктори, профессор, ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро Айтматов академиясининг академиги, топонимист, журналист, таржимон Ёшан Қориев 20га яқин китоблар, 300дан ортиқ илмий-публикацион мақолалар муаллифидир. Бир неча китобни, жумладан, «Ўқитишнинг «Қасандра тамғаси» романини («Охири замон инновациялари» номи билан) русчадан ўзбек тилига таржима қилган.

Нисон ўзи сўйган, ардоқлаган нарсасидан узоқлашгани таврифи унда янада меҳри ортиб, вақт ўтгани сари уни қўмсарган, йоматиқ ана шундай ардоқли давр. Ўша бекорбор даврининг не унутилмас хотираларини ёдга олсангиз...

Мен мактабга ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида ёшган, чунки ўша пайтлари бир синфда ёшлари турлича болалар бошлар ўқирдилар. Чамаси, 30 хўжалик яшайдиган кўнраудан жамланган 4та бошланғич синфда ўқувчилар бир синфда 2-3 йил ҳам ўқитиларди. Ораминда 13-14 ёшлардаги катта болалар ҳам бор эди. Мен, «дўшми тентми», чиплак, ошпик, ширш жунлиш юмалоқданган тўп ўйинларида кўпинча ют-кўриб қўридим. Ўзим билан тенг, хатто бир-икки ёш кичик болаларини ҳам каттақ ер эдим. Мендан икки ёш катта бўлган қизларнинг акаси бу ҳақда нима учундир гинг демасдим. Одам болани ҳам кучни хурмат қилар экан...

Нисон ҳайвондан фарқи ўлароқ, жисмоний куч олдидангина эмас, ақл-заковат, билим қаршисида ҳам бош эгеди. Бошланғич синфларда яхши ўқидим шекилли, деворий газеталда вакилдорин деб мактабга бошладилар. Бир марта «Ўғининг бўлса, ёмонлиқдир бўлсин, қизинг бўлса, Ўлманойдай бўлсин!» де-

ган мақола ёзилгани эсимда. Улман деган мендан бир ёш кичик қиз ҳам аялочи эди-да...

1942 йили отамдан араб ёзувини ўрганиб олгач, «Зайнула араб», «Робо Равшан» дostonларини, Машрабнинг айрим шеърларини рус ёзувида ўтиганим туфайли ҳамда саводни кишилар бўлмаганидан 1943 йил 10 сентябрдан Зомин туманидаги Тамтум кишлоғида бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиб ишлаш бошладим. Шундан кейин кўплар мента «Мулла Суюн» деб мурожаат қиладиган бўлди.

Уша пайтлари аёллар кундузи, эркак кишилар кечкурундари лампа чирок ёруғида таълим олардилар. Бундай «ўқувчилар» орасида ёшлари 40—50га бориб қолган кишилар ҳам бўларди. Бизнесинг қишлоқдан биронта ҳам муаллим чиқмагани боис, ўқитувчилар узоқ қишлоқлардан келиб ишлашарини. Эркаклар ҳисоб—арифметикага «жон» деб қўлоқ осинлар, кўшув-олув, айниқса, кўпайтирув-бўлув(тақсим)ни яхшироқ тушуниб олишга ҳаракат қилардилар. Муаллим уйига кетиб қолган бўлса ёки ишга кела олмай қолса, тўрт амалдан «сўбоқ» бериш учун мени чақириб келишарди. Мен билганимча «дарс» берар, ўқувчиларни доскага чиқариб, мисоллар бажарттирдим. Ёшлари элликларни қоралаб қолган Мулла Анорқул бо-бомиз, айниқса, аялочи эди. Оёқлари оқсоқ бўлишига қара-масдан ҳамманинг олдида доскага чиқиб, масалан, «беш қирра беш — йигирма беш, иккиси дилда» деб, беш-олти хонани сонларни кўпайтириш ёки тақсимлаш бўйича мисолларни яхши ечиб берар ва катта кашфиёт қилгандай мамнун бўларди.

1940-йиллари Қорамозор қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактаб очилиб, 4-синфни битирган тамтумликлар шу мактабга қатнайдиган бўлдилар. 1941 йили уруш бошланди, мактабнинг кўти учди. «Ёнғинда ҳўл-қуруқ бирдэй ёнади», дегандай ўқувчилардан ҳам қанчаси ҳарбийга кетди. Лекин ўқиб тўхтамиди. Айниқса, қишда оч қорин, юпун кийим, йиртиқ пойфазал билан ўқишга қатнаш осон эмас эди. Шунинг учун қор қилин кунлари болалар мактабга бормаё кўядилар. Аммо фронтдан кўли ярадор бўлиб қайтиб келган Жаббор акани ёки бошқа биронтаси ҳасса билан етиб келиб, болаларни яна зўрлаб ҳайдаб кетар эди.

Шу орада мени бошланғич синф ўқитувчиси ва филиал мудирли қилиб тайинладилар. 3-4-синфларга дарс берардим. Қўшни Қорамозор қишлоғидан қатнаб ишлайдиган Ойтош опа эса 1-2-синф ўқувчиларини ўқитарди. Бу орада мен Жана

на педагогика билим юртида сиргилан ўқишни давом эттирдим. Мактабда иккитагина синфхона бўларди. Китоб етишмайдиган, бурун синфда 3-4 дарсик бўларди, холос. Дафтарнинг бошлар-билинимас чизик тортилган қўранг варақлар ўқимни улашар эдик. На бирон методик қўланма, на бирон дастур, ҳатто соат деган нарсанинг ўзи йўқ. Она тили билан арифметикадан бошқа предмет бўлган эмас.

Ушотларингиз номини тилга оладингиз. Аммо ўзингиз ҳам ўшотиники, бу касбни жуда эрта бошлаган экансиз. Мактабда ўқитиш ҳақида ҳам сўзлаб беринг.

Мен ўқитган болалардан яхшигина ўқитувчилар чиқди. Шароф Нурманов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини(ҳозирги университет)нинг география факультетини битириб, 40 йилга яқин ўқитувчи, мактаб директори бўлиб ишлаб, меҳнат роҳатини кўраёттир. Ҳазратқул Ёлғачев кўп йиллар биология-кимё ўқитувчиси, ўқув бўлими бошқиси бўлиб ишлагди. Синдор Абдураимов узоқ йиллар педагогик қилиб, нафақага чиқди.

Биринчи ўқитувчимиз Дўсанов деган полвон киши эди. Дастурдан сўбоқлаёқ болаларнинг энг кичкинаси бўлганим кун муаллим мени олдинги қаторга ўтқизиб қўйди. Уй вази-франсини 1-синфдан оқ яхши бажарар эдим шекилли, отам мени мактаб кўярди. Лекин чизик бор демасдан дафтарга келтириб қўйиник ёзиб таштайверар эдим. Уша муаллим икки йил ҳам ишлагандан қишлоғига кетиб қолди. (Кейинроқ урушдан қасок бўлган экан.) Сўнгра Шужуров, Қосимов деган муаллимлар қўлида ўқидик. Дафтар, қалам, китобларни бепул беришар эди. Сиеҳонни нима учундир чингил дер эдик (русча *перешивка* — *чершила* сўзини бузиб шундай аталса керак). Мени отам сиеҳонни довод дер эди ва отнинг қилиними етиштириб, яна нималар кўшиб қол-қора сиеҳ ясарди. Тушга келинган бўлиди сиеҳ сув тегса ҳам ёйилиб, ўчиб кетмас эди.

1947 йили туман маркази — Зоминдаги 1-ўрта мактабда битирув имтиҳонлари топираётганимизда мактаб ҳовли-майдон тили одам тўпганиб, «Давлат имтиҳони қандай яхши экан?» деб томоша қилишган. Ҳозир докторлик диссертациямни ёзулаш ҳам олдий ҳол. Уша йили Зомин тумани тармақли биринчи бор 11 киши ўрта маълумотли бўлишган.

Мен 7-синфга киргизча, кейин ўзбекча, 1947 йилдан ўрта сиеҳ давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)да асосан русча ўқидим. Чунки уша пайтлари бу университетда, айниқса, биринчи география факультетимизда сиесий иқтисод, пе-

дапотика каби 3-4 предметдан ташқари барча фанлар бўлини матбузалар русча ўқилар, домларнинг кўпчилиги руслар эди, ҳатто ўзбеклар ҳам рус тилида дарс берарди.

— *Матбузотга, умуман ижода кириб келишингиз қандай бўлган? Бу соҳадаги устозларингиз кимлар?*

— 4-курста бортанда газеталарга мақолалар ёза бошладим. 1951 йил охирида «Ўқитувчилар газетаси»га адабий ҳолнамалар қабул қилингандим. Ўша йилдан бошлаб «Фан ҳақида суҳбатлар» мавзусида тўрт саҳифалик бир неча варақам бошлаб чиқди. Бунда «Ўзлавланш»нинг директори Усмон Муҳаммадовнинг хизмати катта бўлди. Шундан кейин мақола дарсликларининг таҳрири ва таржимаси билан қизиқа бошладим. География факультетининг декани Нўмон Долимов студентларга ўта меҳрибон устоз эди. Менинг ишларимдан хабар топиб, «Ўқувчилар нашри» (Хозирги «Ўқитувчи» нашриёти)га бориб танишларидан мента иш бериб, синаб кўришларини илтимос қилган. Шундан сўнг 7- ва 8-синфлар учун чиқарилган география, 9-синфнинг «Чет эллар иқтисодий географияси» дарсликларининг русча ва ўзбекча нусхаларини текшириб кўришга бердилар. Учала китобнинг ҳам русча ва ўзбекчасини кўлимдан келганича солиштириб чиқдим. Анча хатолар топган бўлидим. Домла Долимов бу хизматларим учун нашриётдан чой пули ҳам олиб берди.

Шу тарихда, 1952 йили университетда тақсимоат вақтинча нашриётга редакторликка тавсия этилидим. Мана, ярим асрдан кўпроқ вақтдан буюн ёзув-чизув, таҳрир ва таржимани билан шуғулланаман.

— *Сиз илк бор ўқитувчилик қилган пайтларингизда ўқувчилар орасида ҳусниҳат масаласи аниқайин матн даражаси бўлаганигини айтиб ўтдингиз. Унинг ҳозирги аҳволи қай даражада деб ўйлайсиз? Ёзув — кишининг юзи, дейишди...*

— Қўлга бир марта бўлсин қалам ушлаганган киши бўлмас керак. Ҳар қандай касб этаси ҳам ниманидир озмин-кўпнинг ёзиб-чизади. Лекин ҳар кимнинг хатга ҳар хил. Кўпчилик одамларнинг хати кўнглидайдой эмас. Нета шундай? Ақлий меҳнат вақиллари ёзувининг ажи-бужи бўлиши, айниқса, аниқ. Бу ҳафсаласизлик, бошқаларни ҳурмат қилмаслик, масъулият сезмаслик, ҳатто саводсизлик оқибатидир. Лекин чиройли бўлмаса ҳам элементлари жой-жойида бўлган хатнинг ҳунук деб бўлмайди. Кўптар наридан бери чизгилатгина кўн

нингнинг. Аммо хат, ҳатто шахсий хат ҳам ижтимоий ҳолатга ҳужжат-ку! Ёзилган ҳар қандай матн бошқаларнинг ўқий олинган учун ёзилади-ку!

Хат ёмон одамларнинг кўпчилиги чаласавод бўлади. Чиройли ён олган кишининг фикри ҳам чиройли бўлишини таъридан қотирибмаслик керак. Кўп ёзавергандан кекайтганда ён қўлуқлашини бошқа гап.

— Аввал кўй, кейин шеър, делингиз. Шундайлар бор, Туйғуларни қолишга солиб бўларканми? Дейлик, сиз мусиқа ёзиб шоирга бердингиз, шунга шеър ёзиб беринг, деб. Шоирга буйруқ бериб бўладими, шундай шеър ёзинг, сенга ҳақида, биринчи қатори бунча бўлсин, иккинчи-

Нинди бораётир мени фаслар...

ин мунча, деб. Ўзини билган шоир ёзмайди. Қарабсизки, кўшиқ пайдо бўлади:

*Севиман мен сени,
Севмасанми сен мени...*

Мен ҳар доим яхши шеър излайман. Ҳар қандай шеърта кўшиқ ёзиш қосиблик бўлиб қолади. Мен санъатта интиламми. Қолаверса, савия, дид, деган гаплар бор. Одам ўзини мижбур қилмайдми.

— **Севиман шоирингиз қим? Умуман, адабиётга муносабатингиз?**

— Адабиёт — юксаклаги, тасаввуримиздаги идеал ҳаёт. Ундан илҳомлана олиши, бунга эҳтиёж сезиши керак ҳар бир қилб. Мен ҳар кунни шеър ўқийман. Ўзбек шеърлати бой шеърлат. Класикларимизни-ку, айтмай қўя қолай. Нодирнинг бир шеъри бор, «Тушимда кўрсам эли...», деб бош-лондирган. Шерали ака зўр кўшиқ қилган. Ҳозиргилариям кўн ўқийман, Рауф Парфи, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева... Яхши шоирларимиз кўп, қай бирини айтмай.

— **Ўқувчиларга қизик-да. Сиз, Усмон Азим билан Қумуш Риззатқова ҳамкорлиги қандай юзага келганингизни гапириб берсангиз.**

— Биласизми, ҳаётда кўп қийинчиликларга дуч келганмиз. Консерваторияни битиргач, Тулистонга ишга юборилган. Икки йил ижод қилолмай, мусиқадан дарс берганмиз, тагин етти хил мусиқа фанларидан. Эртадан кечгача ишлайман. Ижодга вақт йўқ. Оғир эди. Бунинг устига 25 декабрта — уч ой пахтада бўламиз.

1985 йили пахтадалигимизда бир кунни Шерали акангиз (Шерали Сирожев, бастакор — Дилором опанинг умр душдони) қўлигта бир китоб тутқазди, «Сурат парчалари» номли. Китобни очшим билан «Карвон кўрдим» шеърта кўлим тушди. Ў-ў, у пайтлари Шерали Жураевнинг бу қўшини эшитмаган одам топилмасди. Китобни ўқиб чиқдим, шеърлар мента ёқди. Усмон ака билан танилиш истаги пайдо бўлди. Тошкентга келгач, бир кунни тасодифан Ёзувчилар уюмасида учрашиб қолдик ва ўша мента ёққан шеърларни шоирнинг ўзидан эшитдим.

Усмон Азимнинг муҳаббат лирикаси бошқаларникига ўқшамайди. Шеърниям ўзига хос оҳангта ўқийди. Дастлаб

«Ёмғир ёлди» шеврига куй басталадим, кейин «Сиз ёққан» сиз мента ҳамиша», «Мен сени ҳеч кимга бермайман» кўшиқлари тайёр бўлди. Бир-икки йил ижрочи тополмадим. Муҳаббат Фафурова «Ёмғир ёлди»ни бир йил айтди, машхур бўлмади.

Кумушхон билан танишувимиз ҳам кизик бўлган. Бир кун радиода Кумушхойнинг менежери Владимир Баранков билан танишиб қолдим. Эстрада оркестрига Кумушхой учун кўшиқ сўраб келган экан. Кўшиқларимни эшитиб, уйига тактиф қилди. Бордик. Кумушхон бепарвогина кутиб олди. «Ёмғир ёлди» кўшиғимни айтиб бердим. Кумушхой кўрсатгиз эди, «Айтаман», деб туриб олди. Шу шу, биргамиз.

— Рауф Парфи асарларини сениб ўқийман, дедингиз, Билишимизча, Рауф аканинг шеъраларидан биронтаси ҳамин кўшиқ бўлмаган...

— Рауф Парфи шеърлари жуда юксакда, уларнинг ҳар бири кўшиқдай. Уларни кўшиқ қилиш учун киши руҳан тайёр бўлиши керак, мен жудаям истайман шунини.

— Кўшиқларингизни ижро этган энг яхши хонанда ким?

— Кумуш Раззоқова. Аъло Раҳимова ҳамда Дилшодбек Каттабеков. Учаласининг ҳам ўзига яраша жиҳатлари бор.

— Дунёда энг зўр кўшиқчи ким деб ўйлайсиз?

— Эстрадада демоқчисиз-да? Француз хонандаси Эдит Пиаф. Эстрада бутунги мартабасига эришишида Пиаф ижодиди бекиёс аҳамиятта эга.

— Сенимани бастакорингиз, музикаий асарингиз?

— Кўп. Қлласиклардан Бах, Бетховен, Чайковский, Хачатурян... Ўзимизникилардан Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Толиб Солиқов, Мустафо Бафоев... Улардан кўп нарсани ўргандим. Вердининг «Аида», Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операларини яхши кўраман.

— Ҳинд филмларини кўнчилик сениб томоша қилади. Баки бунинг бир сабаби музикададир...

— Ҳиндлар филмларига моҳирлик билан ёндашадилар, Сценарийда ҳам, артистлар ижросида ҳам, куйида ҳам кам-чилик сезмайсиз. Айниқса, музикаси. Филмга музика ёзиш катта санъат.

— Сизни «Ўзбекфилм»га ҳамкорликка таклиф этишса, рош бўлармидингиз?

— Масъулиятли иш бу. Сценарийсита қараш керак, йқадими-йўқми, кучим етадими...

— Санъатининг яна қайси турларига қизиқасиз?

— Тасвирий санъатта. Ранглар товланишлари музикага ўхшайди. Камолдин Беход миннаторалари асосида йирик симфоник асар ёзиш ниятим бор.

Боя айтганимдек, кўп китоб ўқийман. Фарб классика-рин, замондош ёзувчиларнинг кўпгина асарларини ўқиб чиққанман. Кейинги пайтлари диний фалсафа мени кўпроқ қизиқтирапти.

— Яна кўшиққа қайтсак, ўзингиз ҳам кўшиқ айтасиз. Ўзингиздан хонанда бўлишни орзу қилармидингиз ё иж-роддан қўлагингиз тўймайдими?

— Ёшлигимда айтардим, 16 ёшимда хонандалик йўли-га кириб кетишимга саз қолган. Шу йили бастакор сифа-тида дастлабки йирик асаримни ёздим. Олимда икки йўл туради. Отам(Дарвин Омонуллоев, музикашунос олим) айтишларики: «Хоҳлаган пайтнингда кўшиқ айтишинг мум-кин, лекин бастакорликни йўқотсанг, унга қайтиш жуда қийин бўлади». Айтганларини қилдим ва ҳеч афсусланмай-ман.

Янги ёзилган кўшиқни хонандаларга айтиб кўрсатиб беришга тўғри келади. Дўстлар даврасида ҳам айтиб тура-ман.

— Дўстларингиз ҳақида...

— Яқин дутонам йўқ. Дўстларим асосан ижодкорлар, ҳамкасбларим Мустафо Бафоев, Ҳабибулло Раҳимов, Рус-том Абдуллаев, Анор Назаров, Шоҳида Шоймардонова, Тўлехра Жамилова, Усмон Азим, Раҳматли Шавкат Раҳ-мон билан ҳам дўст эдик.

Дўстлар билан гаплашсам, руҳим кўтарилади, ўзимни енгил сезаман.

— «Ўзбекистон — Ватаним, таним!» танаови бўлиб ўтди. Уни ҳар йили ўтказиш ҳақида Президент фармон чиқарди. Негадир «Камолот» танаови ўтказилмаётган...

— «Ўзбекистон — Ватаним, таним!» ҳалқни руҳланти-рини учун керак. Эсингизда бўлса, 1941-йил 22-июнда уруш бошлангач, уч кун ўтмаёқ Александровнинг «Священная

война» кўшиғи тайдо бўлди. Ундаги руҳ, шилдат, ишонч... Бу кўшиқ халқни Ватан ҳимоясига олантирди. Бизнинг шундай, Ватанга чексиз муҳаббат, фидойилик билан ёзилган, халқнинг дилига етиб борадиган, уни келажакка, яратувчанликка илҳомлантирадиган кўшиқлар керак. «Кинолот», «Анор», «Офарин»га келсак, уларни ўтказиш учун ҳомий топиш жуда қийин бўлиб қолди. Бошқа сабабларим бор... Ҳомийни чет элларда меценат дейишарди. Султонмурод деган пианиночи йигитимиз бор эди. Москвадаги халқаро Чайковский танловига чиққан, америкалик бир балетинг оила уни ўз ҳомийлигига олди. Агёша ҳозир АКШда яшайди, миллионер. Машхур пианиночилар сафига кирган.

Биздаям бадавлат оилалар кўп. Аммо айтсам ишонмангиз, ҳамма севиб қолган истеъдодли Дилшод Каттабеконинг ҳомийси йўқ. Ҳолбуки, уни тарбиялашимиз, ижод қилиши учун имкониёт яратиб беришимиз зарур. Умуман, ҳомий топиш кўпчилик истеъдодларимиз учун ушғалмас оро бўлиб турибди.

— *Кўпчилик санъаткорларимиз тўйга чиқади. Ёмон демакчи эмасми. Лексин...*

— Ҳонандага аввало тингловчи керак, кейин иқтисод...

— *Ҳаёнда нимадари қадрайсиз?*

— Йймон-этықодни, истеъдодни, дўстликни. Хулоситликдан ва худосизлардан кўрқаман.

— *1996 йил нимаи билан хотирангизда қолади?*

— Нима десам экан. Ҳам яхши, ҳам ёмон томонларни бор. Мукофот олдим, баҳоли қудрат ижод қилдим...

— *Сўйиш саволи: янги йилдан нимадари кутаясиз?*

— Йигирмага яқин кўшиғим тайёр турибди. Шуларни яхши ижрочи топсам. Соғлиқ бўлса, худо куч-қувват берса, бундан ҳам баракалироқ ижод қилсам...

«Саододар».

1996 йил, 31 декабр

Тўртинчи Фасл

КИТОБ ЎҚИШНИ БИЛАСИЗМИ?



КИТОБ ЎҚИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Биринчи ўқитган китобимни яхши эслайман. 2-синфда ўқирдим. Уйимиз тоқасидан топиб олган эдим уни, «Қичан» деган қисса, бир қирғиз ёзувчисининг асариди. Кейин «Қирқ беш кун», «Олтин водийдан шабадалар», «Қиз узатиб борганда...», «Машъал»... ҳуллас, ҳозир уларнинг номлари, қаҳрамонлари, ҳатто баъзиларининг муаллифларини ҳам эслолмапман. Лекин шунинг биланмики, 9-синфга шу вақтга қадар чоп қилинган XX аср ўзбек адабиётининг деярли барча қисса ва романларини ўқиб чиққан эдим.

«Ўткан кунлар», «Сароб», «Лолazor», «От кишинатан оқшом» — мен ўқитган китоблар ичида энг эсда қолганлари эди.

Кейин, 1989 йили «Ленин уқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетаси ҳаваскор ижодкор ўқувчиларнинг вилоятлар бўйича кўрик-танловини ўтказди. Биринчиси Самарқанд вилояти мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтди. Иштирок этдим ва бир ойлардан сўнг газетанда ўн нафар ўқувчининг машқлари эълон қилинди. Улар ичида менинг кичкина ҳикоячам ҳам бор эди.

Танлов барча вилоятларда бўлиб ўтгач, кейинги йили яна Самарқанд вилояти бўйича ўтказилди. Каттақўрғонда бўлди. Бордим. Ўтган йили машқлари эълон қилинган ўқувчилар танлов ғолиблари экан. Совғалар беришди. Мента фахрий ёрлик ва бир китоб тегди: Чабуа Амиров жибди, «Дата Туташхиа», роман. Ўқиб чиқдим ва... шундан кейин ўзим учун янги бир олам кашф этдим...

Мени хайрон қолдиргани — «Дата Туташхиа»да бир воқеа икки-уч персонаж томонидан ҳикоя қилинади. Демак, бир воқеа ёки ҳолатга икки-уч хил ёндашув, икки-уч хил муносабат. Ўқитган китобларим ичида ҳали бундай қасини кўрмаган эдим...

Шундан сўнг «Қизил ва қора», «Мартин Иден», «Парма ибодатхонаси», «Граф Монте Кристо», кейин Дю-

Питб бораётур мени фасллар...
төөвский, Толстой, Маркес, Камю, Фолкнер, Жойс...
Хуллас, Фарб адабиётга «шўнғиб» кетдим.

Сўнгги пайтлари эса «Лисон ут-тайр», «Бобурнома», «Танбех ул-ғофиллийн», «Ичиндаги ичиндадир» каби китобларни қайта-қайта ўқийман.

Устоз Маҳмуд Савдий айтиб қолди: «Бир кунни Набоковнинг «Лолита»сини ўқидим. Ярим кечаси тутатдим. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Зимистон елкамдан босиб тушди... Шунда китобларим орасига кўл солдим. Навоий бо-бонининг 60-йиллари чоп этилган бир ғазаллар тўпла-ми чиқди. Дуя келган жойини очдим ўқидим. Бир неча сониялар ичида елкамдаги юк, кўзим олдидagi туман йўқолиб, руҳан енгиллашди...».

Хулоса қилиб айтганда, мен китоб ўқишни жуда кеч ўрганишимдан афсусдаман. Сиз-чи, азиз муштарий, китоб ўқишни биласизми?

«Наврӯфат»,
2004 йил, 9 июн

ИККИ ЙЎЛ СИНТЕЗИ

Агар адабиётнинг мангуликка дахлдорлиги нуқтани назардан қарасак, бутунги жараённинг табиий эканлигини англаймиз. Миллий насримизда турфа йўналишлар қарақатланаётгани, адабиётимиз жаҳон адабиёти билан бўғлашишга интилаётгани ҳамда бутунги баҳс кўнгли-миздаги умидларни чулгантиради.

Баҳсни бошлаб берган катта ёзувчимиз Шуккур Холмисов («Кечирасиз, жаноб Карпентер, вақтим зикроқ». «Ушс», 31-сон) насрдаги анъанавий йўл — реализм билан янги йўл — модерн ёзувчиларимиз ижодини қиёслаб экан, ўз йўлга содиқлиги вақидан реализмга мойиллигини яширмайди. Бунга табиий ҳол сифатида қараш лозим. Шундай эса-да, адиб янги йўналишда деб ҳисобланганлардан Шодиқул Ҳамро ижодига яхши баҳо беради: «Шодиқул Ҳамронинг асарларини ҳаммаям ситлиққина қобул қила олмайдим. Бироқ ундаги воқеаларга ишонади, ҳақиқатга тушади: ундаги руҳий товланишлар оғушида тен-тиридан ҳам... ва инсон ҳақида ниманидир кашф этади».

Хулди шундай: «Инсон ҳақида ниманидир кашф этиш»ни устоз адабимизнинг ўзининг ижодига нисбатан

ҳам ишлатамиз. Қайсидир бир йили, у пайтда талаба эдим, бир домламиниз куйинганнамо «Шукр Ҳолмирзаев ўзининг ёзиб қўяди», деди. «Тўғри-да, — дедим, — ўзини ёзмай, кимни ёзсин? Шунинг учун ҳам унинг асарлари ўқилиши, рост ва ўзбекона. Ҳозиргиларнинг кўпчилиги ўзини ёзишни эпламасдан туриб, бошқаларни ёзиб ётибди. Баян қаҳрамонларига дўппи ва чопон кийдирангиз-да, ўзбекча ўйламайди, ўзбекча гапирмайди, миллати нотайин, халқий».

Модернист шоир Баҳром Рўзимухаммад ҳам баҳоти кўшилилар экан («Ҳаёт тажрибалари ва ҳаёл чигирини», «ЎзАС», 33-сон), янги йўналишга муҳаббатини ошқор этади ва куюниб савол қўяди: «Ўйлаб қоласан: реализм андозасида модернизмга баҳо бериш мумкинмикан ўзи?». Б.Рўзимухаммад саволларига жавоб савол: реализмга модернизм андозасида баҳо бериш мумкинми?

Менинча, Ш.Ҳолмирзаев модернизмга реализм андозасида эмас, нафис адабиёт, умуман, сўз санъати нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Бунни айбонинг ТИЛ ҳақидаги мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди. Фақат Ш.Ҳолмирзаевгагина эмас, балки барчамизга хоҳ реализм, хоҳ модернизм ё бошқа йўлда бўлсин, завқ берувчи, қувват берувчи ТЎЗАЛ АДАБИЁТ керак!

Модернистлардан Саломат Вафо камровни янгида кенгроқ олиб, дейди: «Бугунги жаҳон адабиёти биз ишонган, ўрганган эстетик қарашларга асосланмайди, у тақдир ва қисмат қурашларидан безган, миллийлик четларидан чиқиб кетганига кўп бўлган» («Ёшлар насри ўйлидан боради...». «ЎзАС», 32-сон).

Аввало, миллийлик ҳақида. Тақдир ва қисмат қурашларидан безиб, олайлик, ўзи билан қурашиш умуминсониятга хосу, миллийликка хос эмасми? Назар Эшонқул айтдики: «Миллийлик бу она тили жозибаси, миллий тафаккур қуввати билан дунёда мен ҳам мавжудман, менинг оғзимда ҳам шундай халқ бор, шундай тарих бор, мен ҳам сизлар каби қудратлиман деб айта олиш ва шу қудратни кўрсата олиш ҳамдир» («Ёшлар насри ўз йўлидан боради...»). Жуда тўғри. Ўзбек адаблари ўзбек миллий тарихи, бугуни, миллий тафаккури қудратини ўша жаҳондагиларга кўрсатиб бериётгани умумжаҳон мадания-

нинг борётир мени фаслар...
ти, адабиётда ўз ўрнини эгаллашлари мумкин. С.Вафо интиқилек, бугунги жаҳон адабиёти(ҳаммаси эмасди! — Ж.К.) миллийлик четгарыларидан чиқиб кетган экан, фикримча, бунга ижобий ҳол сифатида қараш, уларга қалбс қилиш ноўрин. Балки уларда бутун-бутун миллатлар аралаш-қурашш бўлиб, ўзлгини бой бериб, йўқолло кетаётгандир? Адабий жараённи ижодкор таржimai қони, ижтимоий муҳит билан болглиқликда талқик этиш-те бизда ҳамон кўл урилмагандек назаримда.

Сўзининг охирида С.Вафо «Ғарбнинг саргardonли-те ҳақида гапирар экан, улар ўзлгига қайтаётганини, бир вақтлар Шарқдан тавсирланишганини эслаб, энди «биз ўзимизга қайтамыз... эркин руҳий олам, озод тафаккур билан ўзимизни яна бир бора кашф этамыз...», дей-ди. Буниси яхши.

Энди, яна савол туғилади: ўзининг тавбирича, «ҳаёл-лар маҳсулини ёзаётган» О.Мухтор, Н.Эшонқул, С.Ва-фо асарларига ёқинқирамай қараган Ш.Ҳолмирзаевга нега улар сифидан деб ҳисобланаётган Ш.Ҳамро ижоди ёқиб қолди экан?

Жавобни устознинг ўз сўзларидан излаймыз: «... мил-лий насримиз юкорида зикр қилинган икки йўлнинг та-боний омухталитида ривожлanaли». Ш.Бўтаев бу фикрни қўлиради: «Мукамал асар ичида бу йўналишларнинг бирчиси эркин ҳаракат қила олади. Бир-бирига халат бер-май, бир-бирига чагишиб ҳам кетади, — айтийлик, фан-тестик жараёнларда реализм намоён бўлади. Реализмнинг мистик ҳолиса эканлиги буй кўрсатади. Наср йўналиши-ни индивидуал ижодкорнинг халоти, изланишлари бел-гиллайди».

Ш.Ҳолмирзаевга Ш.Ҳамро ижодидаги худди шу нар-ва тилга олинган икки йўлнинг синтезлашуви, бошқа қурлошларидан фарқли ўларок, бўғтиброк турган мил-лийлик, ўзбек миллий тафаккурининг янгича йўналиш-дан ифодаси, ўзбек характери очиб бериши ёқмади-микан?

Н.Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», С.Ва-фонинг «Суккунат туни» ҳикоялари ҳам худди шундай из-ланишлар маҳсули сифатида эътиборга лойик.

«Сукунат тунӣ» ҳикоясининг («Ёш куч», 2000 йил, 6-сон) бош қаҳрамони — энди ўттиздан ошганда дардга чалиниб, оёқ-қўли ишламай қолган, қандай тунохлар қилиб Яратганининг йўлидан четлашган, айро тушганини сезмай, қандай «тавба» этишини билмайдиган одам. У қари ота-онасига юк бўлиб қолганидан изтироб чекиб, улар ва аммаси ҳамроҳлигида мазорга — улуғ боболари ётган жойга, сукунат дёрёига кетади. Уни тавба қилишга ундайдилар. У эса, тавба қилмайди, қилганидайди, сукунат, «Сукунатда ҳамма нарса бор эди».

Кечқурун қабристон қоровули, зиёраччи хотин, ота-она, амма — ҳаммаси тинч уйкута кетди, «бутун олам ухларди». У эса, кўрқди, ухлаётмайди. Йиғлайди, саволлар тирлобди қолади, даҳшатга тушади, «мен — тулроқман», деган иштибоҳни, мингинчи мартадир, хаёлидан ўтказгач, хотиржам уйкута кетади. Эрталаб тургач, «умрида биринчи бор ўзига яқинроқ келганидан розилик туюди.

«Сукунат тунӣ»даги воқеа Лотин Америкаси, Африка ё Оврупода эмас, Ўзбекистонда рўй беради. Ўзбекларгина (бошқа Шарқ халқларида ҳам бордир баъки — Х.К.) дардга чалинса, аввало, Оллоҳдан деб, азият-авлиётлар мазори, муқаддас қадамжоларга паноҳ тилаб, тавба қилиб, бош этиб боради. Гап бунда эмас асли. Гап қаҳрамон кечирётган руҳий изтироб, ўзликни излаш, яшайдан манно кидиришда. Бу — барча халқлар адабиётига хос. Миллийлик ўша миллатга мансуб ҳаёт тарзига асосланган тафаккур, миллий қадриятлар замиридаги қарашлар воситасида ўзини излаётган Инсонни тасвирлаш. С.Вафо Ўзбек ҳам америкалик ёки овруполик каби ўзини англашга интилаётган Инсон эканлигини кўрсатиб беради.

Назаримда, Ўзбек наصري, Ш.Ҳолмирзаев айтганидек, анаънавий ва модерн йўл синтезлашуви, миллийликка таянган ҳолда ривожланади. Унда инсонни турли руҳий ҳолатларда турфа усуллар, шакллар воситасида тафтиш қилиш, тасвирлаш кучаяди. Ҳар икки йўл, бошқа йўللари ҳам ўқиб-ўрганган, керакли жиҳатларини ўзлаштирган ва, албатта, айтадиган ўз Сўзи бор ёзувчилар ХХI аср Ўзбек насрининг яратувчилари бўладилар, адабиётимиз ривожига ҳисса қўша оладилар.

Модомики, барчамиз Ўзбек адабиётининг буюк адабиёт бўлишини хоҳлар эканмиз, карпентерларни, «Ўзбек

карпентерлари»ни, анъанавий йўналишдаги адабиётимиз Ш.Ҳолмирзаев, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Т.Мурод асарларини ўқишдан, адабий ҷангалзорлару тўзал ботлари-мига сайр этишдан эринмайлик.

Яна бир гап.

Устоз Шуккур Ҳолмирзаевнинг 20-25, борингки, 30 йилли ижодкорлар ҳақидаги тапи шу ёшдаги адабиёт ихлосманди, ўзини ижодкорликка талабдор, деб билган бир кишикор сифатида мени оғир ўйга толдирди...

Сал илгарироқ бир тенгдошим: «Тенгқурулар ўзаро баҳс уюштирайлик, «Мен нега шеър ёзаман?» деган мавзуда бир нарса ёзиб беринг», деб қолди. Унга: «Мен нега шеър ёзмаймман?», деганга ўхшаш нарса қоралаб бераман, деб жавоб бердим. Ҳафсаласизлик қилиб, ёзмадим. Бошқа тенгдошларим ҳам, бири журналда ишлайди, бири газетда ишлайди, ҳам талаба, бири радиола, бирови фақат модернистларни ўқийди, бошқаси реалистларни, яна би-рови ўқимай ҳам қўйган, ёзишмади шекилли, баҳсимиз бўлмади. Мана энди, мавриди келди.

Ростдан А.Қодирий, А.Қаҳҳорлар 30га етмай туриб илк романларини эълон қилган ва бу асарлари улар ижодининг чуққиси сифатида қаралади. Шоирларни-ку, ай-тайм қўяқолай. Бугун 25 ёки 30га кирган, шаклланиб қолган ёзувчини кўрета оламизми? Йўқ. Нега? Наср йўли шунчалик қийинми? Ёки ҳафсаласизлик, чидамсизлик-ми бизнинг авлодимизни «ушлаб турган» нарса? Муто-лаа қамлиги, бошқа ижтимоий, иқтисодий сабаблар ту-файлими жимлигимиз? Саволлар кўп. Жавобни эса, бил-мишим. Вақт — ҳакам. Бир суҳбатда таниқли мунаққил Нороҳим Ҳаққул «ботинда ёзилаётган асарлар» ҳақида сўзлаган эди. Ҳар ҳолда, тенгдошларим ичида «ботинда ёзилаётганлар» борлигидан умидворман...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
2000 йил, 18 август

СЕВГИНИНГ ДАРАЖАСИ

Ёзма адабиёт пайдо бўлганидан бери қанча асар ёзилганини ҳеч ким ҳисоблаб чиққан эмас. Бунинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ. Аммо шу нарса аниқки, ёзилган асарларнинг деярли ҳаммаси, яшаб кетган бадий дурдона-

ларнинг бари севаги, муҳаббат, ишқ ҳақидадир. Ишқ — гўзалликдан. Гўзаллик — Яратгандан. Дунёдаги гўзалликларнинг Оллоҳ назари тушган очиқ кўзлар кўрадилар, севадилар ва тасвирлайдилар. Ҳазрат Навоий шундай ижодкорларнинг олдинги сафида туради.

Бобур таъбирича: «Ҳеч ким анигингдек кўб ва ҳўб ёзгон эмас». Фасоҳат, нафосат ошиғи ўлароқ Ҳазрат асарларининг ташналик билан ўқир эканман, бир рубойига ўзгача ишқим тушган:

**Жондин сени кўп севадмен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севадмен, эй умри азиз.
Ҳар нешкки севамак ондин ортқи бўлмас,
Ондин сени кўп севадмен, эй умри азиз.**

Лафзий санъатлардан тарсёв санъатининг мумтоз намунаси ҳисобланмиш бу мўъжаз асар ҳам зоҳиран, ҳам ботинан гўзалдир. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралардаги «жондин», «сондин», «ондин» сўзлари ўзаро қофияланган бўлса, қолган сўзлар: «сени кўп севадмен, эй умри азиз» — такрорланиб, раиф бўлиб келади. Бу тарсёв санъати талаби — муайян мисралардаги сўзларнинг бир-бирларига оҳанглош-вазндлош, қофиядлош бўлиб келишига тўла мос.

Энди рубойининг ботинан гўзаллиги — маъно оламига кўз ташлаймиз.

Аввало, мисраларни боғловчи «сени кўп севадмен, эй умри азиз» жумласини кўриб чиқамиз.

Маъноси барчага тушунарли. Ошиқ учун умри азиз бўлган гўзал ёрта мурожаат қилинапти. Бу ерда ишқиманнинг ҳақида сўз борапти. Бунни ишлатилган «умр» сўзи ишқидир.

Энди оҳанглош, қофиядлош сўзларга эътибор берамиз. Биринчи мисрадаги — «жондин».

Жондин сени кўп севадмен, эй умри азиз.

Имом Ҳаззолийнинг «Кимёи саодат»ида «жон» ҳақида шундай сўз боради: «Яна бири маъини ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар. Бу маъини ботинни (яширин маънони) ботин (ички) кўз бирла таъингани бўлур. Зоҳир кўз бирла кўради бўлмас. Ва сенинг ҳақиқатинг — ушбу маъини ботиндур. Ва ҳар нимарсаки, бу

маъини ботиндин ўзгача — ҳамманинг тобеи ва лашкаридур. Ва хизматқориюлурлар».

Англашдилаптики, жон — инсон борлигининг энг муҳими омил, инсон учун энг қимматбаҳо, мисли йўқ. Биринчи мисрада ошиқ азизасини ана шу жонидан ҳам ортқи кўришини билдирапти. Кейинги мисрада бу севагининг даражаси янада ортади:

Сондин сени кўп севадмен, эй умри азиз.

«Сон» сўзи ҳам барчага тушунарли. Мисрада у миқдор ҳамда адал маъноларида келмоқда. Севгининг миқдори, ишқининг адали бўлдимми! Инсон боғаси ишлатилган қанча сон-рақам бор: миллион, миллиард, триллион... Ошиқ азизасини ўша мавжуд сондан ҳам кўпроқ, чексиз, адалсиз севади. Кейинги мисрада: ушбу адалсизлиқнинг четараси белгиланапти:

Ҳар нешкки севамак ондин ортқи бўлмас.

Шундай эса-да:

Ондин сени кўп севадмен, эй умри азиз.

Демак, Навоий севагининг даражаси шунчалик ҳайратланарли, чексиз. Бу — битта рубойидан келиб чиқётган кувоса...

Мавлоно Лутфий ёш Алишербекнинг бир байтига бутун ижодиётини алишмоқчи бўлган экан. Мен ҳам бир муҳлис ўлароқ шу пайтгача ёзилган севаги ҳақидаги асарларнинг барчасини Ҳазрат Навоийнинг ушбу рубойисига тенг-ланиш эдим.

**«Маврифат»,
2001 йил, 7 феврал**

АДАБИЁТМИ, ЛИТЕРАТУРА?

Дев Толстой «Икромнома» асарида «ҳаёт саволи»га жавоб излар экан, ўзига ва XIX аср ўрис адабиёти намоёндалари филологияга бир кўр назар солиш орқали адабиёт иши ҳақида мулоҳаза юритади ва ёзувчиларни «ўзи нимани ўрта-табтанини билмаган ҳолда асар ёзиб бошқаларга ўртаётган жиннилар», деб атайдиган. Уларни «виждонсиз, икки пултани қиммат каслар» деб, ўзининг ҳам шулар қаторида эканли-

гини, ёзувчилик пул топиш, шуҳратпарастлик туйғусини қондирувчи восита эканлигини айтди.

Камю эса адабиёт, умуман, санъатни инсон учун Яратганин инкор қилиш, исён моҳиятини очиб бериш воситаси, деб ҳисоблайди.

Ҳар икки ижодкор ҳам адабиёт — фойдасиз бир нарсани, эрмакка ўхшаш машғулоти ёки яшаш учун курашнинг бир воситаси, инсондаги шон-шуврат, амалга интилиш, бошқалардан устун бўлишни исташ туйғуларини қондириб воситаси, дея ҳисоблайди. Чуқуруроқ назар солинса, адабиёт — инсон ақлининг фаолияти кўзгуси.

Булар овруполик тафаккур соҳибларининг деганлари. Шарқда эса, адабиёт «адаб» сўзидан олингандигига кўра, адабга чорловчи, эзгуликка хизмат қилувчи восита бўлиб келган.

Адабиёт — ҳаёт кўзгуси, деган таъриф ҳам анча оммадаштан. Бу тушунча бизга яқин даврда кириб келган бўлишини керак. Оврупода ишлатиладиган, биздаги «адабиёт»та муқоабил «литература» истилоҳи маъносини текшириб кўрсак, бунга амин бўламиз.

Литература — латинча «литера» — «харф» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳаётни ҳарфлар, кенгрок маънода, сўзлар ёрдамида ифодалаш деганидир.

Адабиёт ҳам сўз санъати бўлгани ҳолда, муайян чекланиш, нормаларга эга. Ёрни ахлоқ, одоб, андиша четарасидан чиқилмайди.

«Литература»да бундай чекланиш йўқ. Литература — кўзгу, Унда ҳамма нарсани тасвирлаш мумкин. Жойс ижоди инсон онгидати кечаётган жараёнларни икир-чикиритача тасвирлаш ёки шунга уриниш бор. Онгда нималар оқиб ўтмайдиле дейсиз? Ўзбекда кўриб-кўрмасликка, биллиб-билмасликка олиш, андиша, ёмонини яшириб, яхшисини ошириш, деган гаплар бор...

Ёки Шарқда ислом таълимоти бўйича ароқнинг ҳаромлиги, ичиб кайф қилган одам Яратганин ёддан чиқариб, имондан чиқиши муқаддас китобларда нақл қилинган бўлиб, одамлар ҳам бунни қабул қилган. Бундай заминда яратилган адабиёт ҳам ҳеч қачон ароқ ичишни тарғиб қилмаган.

Фарбда эса, литература эркинлиги боис, ароқнинг қандай ичилиши, қандай кайф бериши ва бунинг оқибати

ҳақида ҳатто бадиий жиҳатдан юксак савияда, бемалол, баъдафил ёзиш мумкин. Тўғри, улар ҳам ароқни тарғиб этишни мақсад қилмаган бўлишлари мумкин, бироқ шу қирқатнинг ўзи муайян маънода тарғиб — рекламалар.

Мисол учун, Оврупода, умуман, Фарбда машҳур садизм, мазохизм ва бошқа «изм» — руҳий айнишлар бизда ҳам муайян даражада мавжуддир. Аммо улар ҳақида ошқоран гапириш урф бўлмаган, андиша қилишган. Бутун эса, улар ҳақида бемалол ёзаётимиз. Оғайлик, онанизм ҳақида ўқитган ўсмир уни ўзида синаб кўришга уринмайди, деб ким қафолат бера олади?..

Демак, «адабиёт» ва «литература»ни бир маънода ишлатсак-да, улар ўртасида сезиларли фарқ борлигини илғаш мумкин. Бу фарқ Шарқ ва Фарб адабиёти солиштирилганда янгида аниқ сезилади. Масалан, «Ўткан кунлар» ва «Мартин Иден». Отабек ва Мартин Иден — иккаласи ҳам тақдирларидан чарчаган, ҳаётдан безиб, ўлим истайди. Отабек бу мақсадда урушга жўнайди ва ўша ерда ҳалок бўлади. Мартин Иден эса, ўзини-ўзи ўлдиради. Исломиий Шарқда ўзини ўлдириш мумкин эмаслиги, бу Оллоҳнинг қаҳрини келтириши, шу сабабли бундай йўл тутгандарга жаноза ўқилмаслиги маълум...

Адабиёт — Шарқнинг ўзига хослигидан, литература эса Фарб тафаккури, қарашларидан сув ичади. Шарқда инсон ҳаётта нега келганини, қандай яшаш кераклигини, оқибатда уни нима кутаётганини билади. Фарб кишиси эса ҳаётдан маъно тополмайди ва оқибатда бири адабиётни (балки литература) кераксиз бир машғулоти деса, яна бири, даҳрини бўлганлиги боис, адабиёту санъатни даҳрийликка хизмат қилирмоқчи бўлади. Улар илҳомнинг раҳмоний ва шайтоний бўлишини билишмайди шекилли...

XX асрда келиб, шарқона анъаналарга солиқ адабиётининг бирмунча «овруполлашти» (литературалашти). Бунни бизга кириб келган турли адабий оқимлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарбда дунёга келган адабий оқимлар бизда ҳам «аниқлиш билан ўрганила ва ўзлаштирилади бошланди. Савол туғилади — ўша оқимлар бизда нега йўқ эди?

Ўзбек ҳам, олайлик, америкалик ҳам, аслида бир умуминсоний хислат-хусусиятлар соҳиби бўлгани каби — «адабиёт» ҳам, «литература» ҳам асл мақсади бир бўлгани ҳолда, диннинг тасвирлаш йўли турлича эди. Шарқона адабиёт Оллоҳга етилиш, комил инсонни тарбиялаш йўлида оғиш-

май ҳаракатланган бўлса, литература ҳам Қисман шунинг истатган ҳолда, ақлга зўр бериб, асосий йўлдан ҷалғиб кетди. Бу ҷалғиш оқибатида турли йўлчалар — оқимлар пайдо бўлади. Бошқача айтганда, биз моҳиятдаммиз, улар эса шаклда, моҳият йўлида шакл излаб юришибди.

Ўзбек адабиётининг Фарб адабиёти(литератураси) билан боғланишига келсак, улардан шакл ўранишимиз мумкин. Бироқ ҳар қандай шаклда бўлса-да, моҳият бир бўлиб қолиши лозим.

Сўзим аввалида Толстойнинг адабиёт ҳақидаги фикрини келтирган эдим. Улуғ ўрис ёзувчиси яшайдан мақсад не эканлигини англай олмаган пайтида шундай ҳулосага келган. Кўпни билган эмас, керагини билган доно, деган экан бир донишманд. Ҳаётнинг маъносини англашлар адабиёт нима, деган саволга энг тўғри жавобни топгусидирлар!

«Хуррият»,
1999 йил, 7—13 июл

АФСУСКИ, ТАҲМИНИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Ёзувчининг баъдий асарда айтмоқчи бўлган тапи салмоқли бўлса-ю, тили жўн, тароватсиз бўлса, бундай китобдан ўқувчи завқ-шавқ олиши дарғумон. Дарҳақиқат, давра суҳбатига («ЎзАС» «Баъдий наср тили ва давра», 2008 йил, 19 декабр) тавқилланганидек, ёмон тил билан яхши асар ёзиб бўлмайди. Бу олдий ҳақиқатни тушуниш қийин эмас, бироқ унга амал қилиш эса...

Жаҳон адабиётининг баркамол намуналаридан ҳайратланамиз, лекин бу юксаклик замирида ёзувчининг асар тили устида қаттиқ меҳнат қилганига кўлда эътибор бермаймиз. Масалан, Франц Кафканинг «Америка» романини олайлик. Асарнинг биринчи боби — «Ўлаҳ» йигирма етти саҳифадан иборат. Йигирма етти саҳифада ярим соат муқддат атрофида рўй берган воқеалар ифода этилади. Ҳайратланарли томони шундаки, муаллиф воқеани диалог воситасида кўрсатиб, воқеага қаҳрамон муносабатини, яъни унинг кечинмалари, ўй-фикрлари баённи ровий монологи — нутқига маҳорат билан уйғунлаштириб юборади. Тавқиллаш жоизки, бунда Ф. Кафка тилининг янги имкониятларини очди.

Чабау Амирржиби эса, «Дата Туташхиа» романида бир воқеани икки-уч персонаж тилидан ҳикоя қилиб, роман тилида полифоник оҳанглорликка эришди. Бу адибларнинг асарларида фақат уларнинг наср тилидаги маҳоратини эмас, балки, умуман, тил имкониятларини кашф этиш йўлидаги ҳавас қилса арзигулик ижодий тажрибаларини ҳам кўзатамиз. Шу маънода, давра суҳбати иштирокчиларининг адибларни жаҳон адабиёти намуналаридан ўрганишга даъват этганларини маъқуллаймиз.

Булунги кунда мен навқирон адибларнинг адабий жариялиги фаолликларида, бир вақтнинг ўзида адабиётнинг турли жанрларида асарлар ёзаётганлари, китоблари адабий жамоатчилик назарига тушаётганига чин дилдан қувонаман. Чунончи, Назар Эшонкул, Шойим Бўтаев, Абдуқасом Йўлдош, Лукмон Бўрихон булунги ўзбек насри юқини елкаларига олгандек. Зеро, улар энди «ёш ёзувчи» эмас, балки танилган, ижодда муайян ютуқларга эришган тажрибаги ижолкорлар. Демокчи бўлганим, уларнинг ютуқларига ҳам, камчиликларига ҳам, хусусан, тил борасидаги куеурларига ҳам ана шу мезондан келиб чиқиб ёндашсак хато бўлмас.

Мен бу ёзувчилар қаторида ҳам насрда, ҳам назмда, ҳам адабиётшунослик илмида жавлон уриб ижод қилаётгани яна бир истегъдол соҳиби Улугбек Ҳамдамнинг ижодини изчил кузатиб боришга интиламан. Унинг романдари, шеърлари ўқувчилар эътиборини қозонди, адабий танқидда қайта-қайта эътироф этилди.

Дарвоқе, давра суҳбатини ўқигач, У. Ҳамдамнинг «Мунозанаат» номи романи ёлмига тушди: асарни ўқийини бошлаб охиригача етказолмаганим, роман нетадир «тортиб кетмаганини» эсладим ва бунинг сабаби асар тили билан боғлиқ эмасмикан, деган ўйда китобни қайта ўқийим. Афсуски, бу таҳмин ўқиб жараёнида тасдиқланди. Аввало шунга айтиш жоизки, муаллиф асарида инсон маънавий ва молдий эҳтиёжларини қондиришда мувозанат мақомида турса, кўнгли хотиржамлигига эришди, деган эзгу ғояни олдинга сурган. Аммо бу ғоя тоҳ муаллиф, тоҳ бош қаҳрамон тилидан бот-бот ўқтирилаверилди. Аслида романнинг бош ғояси асар сюжетига синг-

дирилиши, персонажларнинг хатти-ҳаракатларида инфода топиши, ўқувчи эса, буни англаб, фикрлаб, завқланиши лозим эмасми!

Романда ёзувчи бадиий тасвир воситаларидан умуман фойдаланмаган, деб бўлмайди. Аммо улар шунчалик камки, бу романга хос эмас. Асар тили жиддий ишланмагани баъзи ўхшатишларнинг такрор-такрор келишида ҳам кўринади. Масалан, «*юз кўнчан хамирдек ёйилб келди*» (6-бет), «*кўнчиб тошган хамирдек ёйилб жилмайди*» (14-бет).

«*Кўз соққаси*» ибораси беш-олти жойда ишлатилган. Бироқ ҳамма жойда ҳам ўринли эмас. «*Аҳол яшайдиган жой*» (33-бет), «*кишилик жамиятининг илгор қисми*» (191-бет), «*инсон орузи ва реал ҳаёт*» (168-бет) — булар энди газета тилига хос иборалардир.

Романда ноўрин қўлланилган сўзларга тез-тез дуҳ келамиз. Мана, улардан айримлари: «*Икки зурруҳга айрилганча ўйинни давом эттиришди*» (39-бет); «*Муҳаммаджон ака яна эътироз билдириш учун оғиз жуфтламоқчи бўлган бовчи «меҳрибон» қариндошларини «Ганирманг!» дегандек қўла шорати билан шаштидан қайтарди-да, давом қилди*» (13-бет); «*У, аввало, даврининг, атроф-муҳитнинг таъсирига берилиб, аламзадалик ҳолига тушган учун ўзидан нафрат қиларди*» (181-бет); «*шунда ҳам ўғлининг намоэ қилаётган ҳолда топишиб, қўларидасини невараларида қолдирганча изларига қайтишарди*» (100-бет); «*Унинг бутун хатти-ҳаракати талабалар қаршисидаси ўқитувчиникини эсга туширар...*» (11-бет)...

Дастлаб асар матнида келишиқ қўшимчалари ҳам нотўғри қўлланган ўринларга кўзим тушганда, бу нашриёт муҳаррири ёки мусаҳҳуларнинг эътиборсизлигиданми-кан, деб ўйладим. Бироқ бундай хатолар тез-тез учрагани боис фикрим ўзгарди. Мана, айрим мисоллар: «*Амир орзулар қила туриб, уларнинг рўёбга чиқариш масаласида ҳам худди ана шу соқин маромга руҳан тананган эди*» (176-бет); «*...ким экин-тикиннинг сугоришу ўтоқ-чопиғи билан, ким чорваси билан банд*» (98-бет); «*Юсуфнинг кўп қийнаб ўтирмади*» (210-бет); «*Юсуф аёл тахминининг тўғри чамаласида нисга қарамай, сўради*» (234-бет); «*Ўзин гавданинг бири қўл,*

Ииниб бораётир мени фаслар...
бошқаси оёқ томондан кўтариб жойлашди» (239-бет); «*Сўнг Юсуфни келишини кўтиб турди-да, чўккайд ўтириб тилловатни бошлади*» (251-бет)...

Асар қаҳрамони Юсуфнинг тоғаси Муҳаммаджон ака-нинг қариндошларини тўплаб, васиятини баён қилиши тасвири сингари бир неча ўринларни ҳисобга олмаганда, роман матнининг аксарият қисми қуруқ баёндан иборат. 28-, 42-, 66-, 69-, 75-, 76-, 80-, 83-, 100-, 102-, 105-боғлар публицистик мақола пафоси билан ёзилган. Масалан: «*Турсунов шидан кетгандан ҳеч қанча ўймай жамиятга тоза ва қизгин бир руҳ кириб келди. Дарҳақиқат, норасурийлик ва таниш-билишчиликнинг рамзи бўлиб қолган Турсунов ва унинг умматларининг сиёсий фаолиятига нукта қўйиши жамиятдаги соғлом қуларни ҳаракатга келтирганди*» (243-бет). Бу парча «Мувозанат» романидан олинган айтилмаसा, бирон-бир ижтимоий-сиёсий газетда чиккан ғализ тилда битилган мақоладан парча, деб ўйлаш мумкин.

23-, 57-боғлардаги Юсуф ва Амир диалог, айниқса, Юсуфнинг мулоҳазалари баёни илмий мақола услубини эслатади. Зеро, «*пировардида*», «*устувор*», «*ваҳоланки*», «*муштарак*», «*даражот*», «*ўлароқ*», «*табиқ*», «*тафарруот*», «*хаос*», «*супериндустриализм*», «*муҳазот*», «*қулаф*» каби сўзлар бадиий асардан қўра кўпроқ илмий, публицистик мақолаларга хосдир. 36-, 37-, 47-боғларда Миразимнинг, 44-боғда Эргаш аканинг, 45-боғда Санининг, 74-боғда Амирнинг бошидан кечирганлари тоҳ персонаж, гоҳ ёзувчи тилидан баён этилса-да, тасвир тилининг жўнлиги, бадиийликдан йироқлиги боис китоб-конга таъсир қилмайди.

«Шарқ» нашриётида чоп этилган «Мувозанат» китобига сўнгсўзида филология фанлари номзоиди Исроом Ёкубов шундай ёзди: «*Амир қисматиинг фожиавий эканлигини унинг роман композициясидаги ўрни билан боғлаб тушунирган олим «Мувозанат»ни ёзувчи кўнглидаги дардларни ифода этган, ўқимшли ва таъсирли асар сифатида эътироф этади*». Одатда «ўқимшли» сифати шахсга нисбатан ишлатилади. «Мувозанат» романининг ўқимшли чилишига эса асар тилидаги қурулар ҳалаг берган.

Тагин «Давра суҳбати»да устоз Бахтиёр Назаров таъкидлаган ўша ҳақиқатни яна бир бор эслаб ўтиш ўринли. Дарҳақиқат, «Ёмон тил билан яхши асар ёзиб бўлмайди, Жаҳон адабиётидати буюк асарлар, аввало, бадийий тили билан гўзал. Чунки бадийий асарнинг таровати, аввало бор, унинг тилида намён бўлади».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
2009 йил, 9 январ

«...ЮРАГИНГГА ОЛОВ ТИЛАЙМАН» ЎЗБЕКИСТОН КАҲРАМОНИ ЭРКИН ВОҲИДОВ БИЛАН СУҲБАТ

— *Эркин ака, биринчи муаллимингизни эслайсизми?*

— Мен 1936 йили Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчилар оиласида туғилганман. Онам геотрафидан, отам тарихдан дарс берарди. Ўқитувчилар фарзанди бўганим учун саводим жуда эрта чиққан. Демакки, биринчи ўқитувчиларим отам ва онам бўлишган. I синфга борадиган пайтларимда уруш вақти эди. Газета ўқийлайдиганларга газетадан информбюро хабарларини, хат ўқийлайдиган аёлларга болаларидан, эрларидан келган хатларни ўқиб берардим. I синфга борганимча хат-саводим чиққани учун мактабга борганимда қайси синфга олишни билмай қолишган. II-III синфга олишганида, ўқитувчи доскага нотўғри ёганини тўғрилаганимдан сўнг бирдангига IV синфга қабул қилишган. Ота-онам касал бўлиб, Тошкентга келганимиздан кейин бу ерда II синфда ўқий бошлаганман.

— *Уша давр ўқувчиси, ўқитувчиси билан бўганинг ўқувчиси ва ўқитувчиси ўртасида қандай фарқлар бор?*

— Биз қийин, оғир турмуш шароитида ўқиганмиз. Ўша пайтлари вазият мушкул бўлишга қарамай, болаларда ўқишга бўлган муҳаббат кучли эди. Ўқитувчиларда ҳам билим беришга интилиш юксак эди. Ўзимни ўқитган ўқитувчиларим билан ҳозирги даврда невараларимни ўқитаётган ўқитувчиларни солиштирилган бўлсам, менинг ўқитувчиларимнинг жуда фидойи инсонлар эканлигини, ўзларининг касбларини ниҳоятда қадрлаганликларини айтгим келадди.

Илҳоб бораёттир мену фасллар...

Хар бир ўқитувчида «мендан яхши шогирдлар етишиб чиқсин», деган истак устун турарди.

— *Устозларингиз ҳақида...*

— Мен ўқиган Тахтауулдати 22-мактаб машҳур мактаблардан бири эди. У мактабдан анчагина олимлар, шоир, ёзувчилар етишиб чиққан. Ўзим ўқиган мактабим билан, айниқса, устозларим билан фахрланаман. Ана шундай устозларимдан бири — Ҳакимжон ака Ҳошимовдир. У киши адабиётдан дарс берардилар. Ҳакимжон ака 50-йилларнинг бошларидан ҳозирги кунга қадар ўша мактабнинг директори вазифасида хизмат қилиб келаяптилар. Бу киши билимлиги, фидойилиги, ўз фанини чуқур билиши, ўзбекона соф табиати, мулоимлиги билан барча шогирдлари қалбидан чуқур из қолдирган. Биз ўқиган пайтлари кўпчилик болаларнинг оталари урушга кетганди. Ота терлаши бўлматди, болалар безорирок бўлиб қолади. Бундай пайтда ўқитувчилар мактабда интизомни қаттиқ ушлаб туришлари керак эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўқувчилардан бири мактабда пластмасса тароқни ёқиб, кўтариб юрганди. У болани кўп ўқитувчилар уришди, жазо чораларини кўришди. Лекин Ҳакимжон ака у болага: «Ақмалжон, сиз мактабни яхши ўқиб битирсангиз, мен сизга бир тароқ совға қиламан. У узоқдан оловни кўрса ёниб кетадиган бўлади», деб айтган эди. Шунда Ақмалжон: «Мен тароқни ёқганимда бошқа ўқитувчидан шалалоқ етгандим. Ҳакимжон аканинг таллари эса шалалоқдан-да қаттиқроқ тегди», деганди.

Қобилиятли болаларни ўқитувчилар қандайдир биридан қизганиб талашардилар. Масалан, мен ҳамма фанлардан аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қилардим. Физика ўқитувчимиз менинг шерьларим деворий газеталарда чиққанида ҳам, Эркинжон, сиз физик бўлишингиз керак, техника билим юртига ўқишга кириб ўқинг, деган талларни айтарди. Бу ҳам ўқитувчининг ўз фанига нечоғли муҳаббатли эканлигига яққол мисоллар.

Ўқитувчи деганда, фақат мактаб муаллимини тушунмайман. Хар бир соҳанинг ўз муаллимлари бўлади. Адабиёт соҳасида Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий домладар мента муаллимлик қилишган, фақат мен эмас, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Озод Шарафиллинов, Ўткир Ҳошимов, Шукр Ҳолмирза, Абдулла Ориф Дўрмонда бўлган

суҳбатлар, адабиётнинг покизалиги учун, якка мафкура ҳокимлигига қарши исён билан йўғрилган гурунглар сабоғини олганмиз. Суҳбатларида бўлганим устозлар менинг камолга етишишимда катта рол ўйнаганлар. Устозлар ҳақида сўз кетганда яна бир тоифа устозларим ҳақида сўзламасам бўлмайди. Булар ижодларини ўқиб-ўрганганларим — рухий, ғойибона устозларим — ҳазрат Навоийдан Чўпонгача, қотиимизнинг барча буюк адиблари. Ойбек, Фафур Ғуломлар билан суҳбатда камроқ бўлганмиз. Лекин уларнинг ижодли бизга устозлик қилган. Фафур Ғуломдати санъаткор эҳтироси, сўзнинг қудратини англаш менга катта таъсир ўтказган.

— *Истасак-истамасак, улар шўро даврида фаолият кўрсатган эдилар. Эндиги, яъни мустақил юрт муаллими қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?*

— Шўро даврининг муаллимию ҳозирги давр муаллими тўғрисида гапирадиган бўлсак, у вақтлари мактабда онгимизга синглирилган нарса бутунлай бошқача бўлган. Бизнинг онгимизга озодлик туйғуларини, миллийлик туйғуларини синглириши имконияти бўлмаган. Бу нарсаларни кейинчалик ўзимиз ўқиб, бошқа манбаларни қараб, ҳаётни кўриб билганмиз. Мен ўйлайманки, ҳар бир замоннинг эйлисида миллий туйғу бўлади, ўзининг қурти билан, ҳалқи билан ифтихор туйғуси бўлади. Ўша пайтлари адабиётда Хусайн Бойқаро, Умархонлар ёмонлаб ёзилган эди. Адабий тўғарақда Файратий домла уларнинг шеърларидан ўқиб, ўз замонасининг ажойиб шоирлари бўлганлиқларини айтиб, дунёқарашимизда янги бир йўналиш очиб берган эди. Ўқитувчилар ҳамма замонда фидойи бўлишган. Мана, биринчи маърифатпарварлар — жадидлар фаолиятини ўртаниш бўйича кўп ишлар қилганмоқда. Улар илмги, маърифатли ёшларни тарбиялашни мақсад қилишган. Ёшлар ўз адабиётини, тарихини, ажоллари қимлигини билса, ўз қадрини билди, озодлик туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб ҳисоблашган улар.

Ҳали-ҳануз даҳшатга тушаман. Агар собиқ тузум давом этганида 20-30 йилдан сўнг болаларимиз ўзбекча гапирмай қўярди. Мана, ҳинд эйлилари қотиимизга келишса, ҳали-ҳамон инглиз тилида гаплашишади. Муаллимлар би-

Илмга бораётим мени фаслар...

лим бериш баробарида фарангиларга Ватанга муҳаббат, тарихга ҳурматни синглиришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳозирги ўқитувчиларни ҳам фидойи дейиш мумкин. Улар мураккаб иқтисодий шароитда меҳнат қилишмоқда. Лекин бу ҳол узоқ чўзилмас, ривожланган давлатларгадек, ўқитувчи маоши яшаш даражасини тўлиқ таъминлаганига умид бор.

Бугун мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетганидан қайғураман. Ҳарқалай, ўзбекнинг ўз турмуш анъаналари бор. Аёлнинг оила, жамиятдаги ўрни бошқа халқларникидан ажралиб туради. Ўзбек аёлининг дунёдан бохабар бўлиб бориш, мунтазам мутолаа қилиш имконияти камроқ. Жамият олдида аёлга шароит яратиш, янгича муҳит барпо этиш вазифаси қўйилган. Лекин бу узоқ жараён. Ҳозирча эркак ўқитувчилар кўпайишига ҳаракат қилишимиз лозим.

Хуллас, бугунги кун ўқитувчисидан ҳар томонлама билмли, фидойи бўлиш талаб қилинади.

— *Ҳар бир ўзбекнинг кўнглини тугурга тўйдирувчи «Ўзбекистон асарининг яратилиши тарихидан дарсликка кирмаган жихатларини сўзлаб берсангиз».*

— «Ўзбекистон» яратилган пайтда миллий туйғулар қўқтирилган, миллатчилик, тарихни идеаллаштириш, деган тамғалар бор эди. Лекин ҳеч бир халқ йўқки, батамом ўзинини йўқотган бўлсин. Агар юракда гурур, ифтихор бўлмаса, ўз оиласи, ота-она, болалари шайини ҳимоя қилмас, инсон инсон эмас, миллат миллат эмас. Мен ўзбекман, деб айтиш улуғ бир неъмат. Миллатни тилидан, урф-ода-тидан, гуруридан айририш, инсоннинг умуртқасини синдиришдек тап. Советлар шунга ҳаракат қилишлар, аммо умуртқамизни эгдигилар, синдиришмадилар.

«Ўзбекистон» — тарихий зарурат. Мен ёзмаганимдаям, бошқа биров, албатта, ёзар эди. Миллатни уйғотиш, ифтихор туйғусини кўзгаш учун бундай асарлар керак эди. Бошқа шоирлар ижодида ҳам портлаб чиққан сатрлар, хур сўзларни қўллаб учратиш мумкин. Биргина мисол айтай, Фафур Ғуломнинг шундай сатрлари бор:

*Қадим ўзбек халқисан, аси Одам акаюди,
Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар таштида боболаринг ижоди
Англо-сакслардан анча ноқорроқдир.*

Бу — юрак эҳтиёжи, тарихий заруратдан пайдо бўлган Сўз.

— *Оши Мажлис сессиясида «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинишининг бевосита иштирокчиси сифатида унинг ижросининг бориши ҳақида фикрингиз?*

— Бугунги фарзандларимизнинг илмга интилишларидан кўнглим тўлмайди. Бизнесинг давримизда илм албатта бутунгидек юксак даражада эмас эди. Ўша борини биз жуда яхши ўзлаштирад эдик. Ҳозирги имконият, бугунги аҳборотни 50 йил олдингига умуман солиштириб бўлмайди. Бироқ болалардаги илмга ташналик, интилиш у даврлардагидан паст даражада.

Президентимизнинг катта эътибори, «Таълим тўғрисида» қонуни, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларга мос ҳаракат қилишимизни талаб қилапти. Мана, академик лицей, касб-ҳунар коллежларига кўриб берилаётган янги замонавий биноларни кўринг. Болалар шуларга жавобан билим эгаллаш, тил ўрганиш, жаҳонни ўрганишга интилишлари керак.

Ҳозир — кураш замони. Қобилиятли оламлар янги-янги имкониятлар қилиришмоқда. Бугун шахсдан ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кўп нарсга талаб қилинади. Фақат ўқиб, диллом олиш эмас, ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиш керак. Болалар келажакда яшаш даражаси пастлигидан ўқиб қолмаслиги учун уларни ҳозирдан ҳаётга тайёрлаш, ўзини қонлашни ўргатишимиз керак.

— *Байрам муносабати билан «Мадрифат» ўқувчилари, ўқитувчи-мураббийларга тиллақларингиз.*

— Байрам муносабати билан «Мадрифат» муштарийлари, ўқитувчи-мураббийларга эзгу тилақларимни йўллаб, Ваган хизматига маҳкам бел боғлашларини истаб қоламман. Ҳар бир кишининг ёши ўтгани сари ёшларга айтадиган гапи кўп бўлади. Менинг ҳам айтадиганларим кўп, лекин газетангизнинг ўрни чеklangанлиги учун гапимни қисқа қиламан. Аввало, барча ёшга келган ўқитувчиларнинг қалбларига қувват тилайман. Қалбларининг, юракларининг оловини, ўтини ёшларга беришсин. Биринчи фарзандим туғилганида ёзган шеъримда шундай сатр бор:

Ниндо бораётир мени фаслар...

Сенинг юрагингга олов тилайман.

Ўқитувчиларга тилайдиганим — уларнинг қалб оловлари худди эстафета оловига ўхшаб шогирдларига кўчсин. Бу олов мангу порласин!

«Мадрифат»,
1999 йил, 29 сентябр

Омон МАТЖОН:

«ЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИШ — ҲИҚМАТЛАРГА
ИНТИЛИШДІР...»

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон. 1943 йилнинг 14 февралда Янгибозор туманидаги Боголон қишлоғида туғилган. «Очиқ деразалар», «Карвон кўнгируғи», «Ярадор чакмоқ», «Ҳаққуш қичқирғи», «Одамнинг сояси қуёшга тўшди» каби 20 дан ортиқ китоблари, достонлари чоп этилган.

— *Шеър 10 қаторми, 20 қаторми, бир нафасда ёзилади керак, дейди бир шоир дўстим. Сизнинг шеърларингиз аксарияти шундай «бир нафасда» ўқиладиган, қўнчица «асосий зарба» охирига сатрда бериладиган шеърлар. Умуман, шеър нима ўзи?*

— Шеърнинг туғилиши, пайдо бўлиши, қорозга тушиши, ёзилиш услуби, технологияси, зарб шакли — бу кўп замонлардан бери тўхтовсиз муҳофазалар мавзусидир. Ҳақиқатан ҳам менинг шеърларим бир нафасда ёзилди. Лекин уларни, албатта, қайта ишлайман. Зарба эса, биров илмийроқ айтадиган бўлсак, мантиқдир. Шеър, у 10 банд бўладими, озми-кўпми, тугалланиши керак. Мана, рубойини олайлик. Ундати тўрт сатрда, тўрт дунёни ушлаб турадиган тўрт унсур мавжуд, десак янглишмаймиз. Унда албатта, муайян ҳулоса мавжуд бўлади. Масалан, шайх Нажмиддин Кубронинг бизгача 18 рубойи етиб келган бўлса, мен унинг биттасини ўзбек тилига таржима қилганман.

Дилим хун, қирмиш юзлардан кўрқдим,
Мақрини юз гулага гузлардан кўрқдим.
Одамлар кўрқарлар ёмон кўзлардан,
Мен эса шу яхши кўзлардан кўрқдим.

Бу рубойида ҳикмат кўп. Бу ўринда «Яхши кўзлардан ҳам кўрқиш мумкинми», деган савол туғилиши мумкин. Бунга шундай жавоб бериш лозим. Момолар қизларига айтар экан: қизим, болантни тулпуриб-тулпуриб яхши кўр, чунки унга онанинг кўзи тегса, бунинг давоси йўқ!

Зарб ҳақида яна кўп тапириш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг бирор чистонини ўқисангиз, бутун дунё унинг ичида жамланганми, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, тўзалликка интилиш Яратганнинг ҳикматлари сари интилишдир.

— *Нега насрда ёзмайсиз?*

— «Ҳожа Аҳрор зиёратлари» асаримни бадиҳа-қисса, деб атадим. У йитирма иккита кичик лавҳадан иборат, ҳар қайси битта рубойи билан тутайди. Билмадим, уни насрда ёзилган, деб айтиш мумкинми, лекин умуман, насрми, назмми, бошқасими — асосий гап ўқувчиларга танланган мавзу моҳиятининг иложи борича очиб берилиши ва таъсирида, деб биламан.

— *Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов ва яна бошқа машҳур кўшиқчилар шеърларингизни кўшиқ қилишган. Бугунги ёш хонандалар ижросида эси, Омон Матжон шеъри билан айтмадиган кўшиқни учратмалямиз. Сабоби нимада? Умуман, бугунги кун кўшиқчиларининг шеър танлаш принципи ҳақида қандай фикрасиз?*

— Шерали ҳам, Ортиқ ҳам, аниқ биламан, улар матнни ўзлари топиб ўқишди ва танлашди. Сўнгра шундан куй чиқаришди улар. Шоир кўнглидан чиққан шеърини муסיқадан хонанда ижроси мавқеини кўтара оладиган оҳанг чиқара олишди. Ардоқли санъаткорлар, хусусан, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов кабилар шеърни ўзлари топиб ўқиб, таъсирида, сўнгра кўшиқ яратганлар. Ҳозирда, афсуски, биров айтган кўшиқни эшитиб, ёдлаб олиб, матнни кўчириб олиб, бузиб айтадиганлар кўп учрамоқда. Шеърларимга ёш хонандаларнинг муносабатига келсак, мана, яқинда Оғабек Собиров билан суҳбатлашдик. У ҳам кўпмаъноли шеърларни истаяпти, излаяпти.

Биласизми, шеър кераксиз истиннолар ичида кўмилиб кетадиган нарса эмас. Кучли ҳофизлар, кўшиқчиларнинг матнни ўқиб, ундан куй ҳосиласини йиғиштириб оладилар.

Нигиб бораётир мени фаслар...

— *Биринчи муаллимингизни эсласек...*

— Турлан туманига қарашли Бобоғон қишлоғидаги мактабда ўқиганман. Муаллимларимни доимо эслаб турман. Хушиммат Каримов, Собир Матхўрозов, Қурол Матқубов... Собир Матхўрозов урушдан келгандан кейин бизга географиядан дарс беради. 50-йилларнинг охирида у киши «Ўткан кунлар»ни ўқишга руҳсат берилгани учун география дарсида бизга тапириб беради. Шу билан бирга «Минг бир кеча»ни ҳам айтиб беради. Ўқувчининг шу тариха ўқувчиларни ўзига жалб қила олганиданми, биз география дарсини хуш кўрадлик ва дарсликдан ташқари адабиётларни ҳам қилиришга тушардик.

Адабиёт ўқувчимиз ҳам кўпинча эркин мавзуда иншо ёзишимизни буюради. Хуллас, ўқувчиларнинг ўқитувчи борасида омади келган эди. Сўнгра Самарқандда таҳсил олган йилларимда ҳам бу борада омадим чоп-ди, дея оламан: Воҳид Абдуллаев, Нуридин Шукров, Ботирхон Валихўжаев, Ҳотам Умунов ва бошқалар. Бу номларни қандай эъзозлашни хануз билолмайман.

— *Боголонда боғ ташкила этган экансиз, урта мактабни компьютерлаштириб, қишлоқ кутубхонасига 1000дан ортиқ китоб тортиқ қилган экансиз. Шоврдан халқ яна нима кўтади ёки шовр халққа нима бера олади?*

— Ушанда Избоскан туманидан икки юз минг тулпа иккин кўчат олиб келганмиз. Чунки қишлоғимиз Бобоғон деб аталгани билан ўша давр талабидан пахтачилик сиёсати туфайли қишлоқ боғлари кесиб ташланган эди. Шу пайтлари мен жамоа раиси бўлган синфдошим Содик Хайитбоевга: «Қанийди, бу ерлар боғи ором бўлса, ахир куруқ тақир ер бўлиб қолди-ку», дедим. Шундан сўнг маслаҳатни бир жойга қўйиб, Андижонга бордик. Айни ўша пайтлари водийда ҳам қор кучлироқ бўлиб, дов-дарактлар анча шикаст еган экан. Шундай бўлса-да, у ердан кўчат олиб қайтдик. Қарангки, биз кўчат олган қишлоқнинг номи Тақирчўл экан. Шундай қилиб, Тақирчўлдан Бобоғонга кўчат олиб кетганмиз. Лекин ҳозир Бобоғонга муллингиз тушса, чиндан ҳам «Боғи ором» бўлганини кўрасиз.

— *Ижодкорларнинг кўчилиши газета-журналларда, нуфузли адабларда ишлашди. Бу уларнинг ўз истеъдодларини тўла намойиш этишларига халла бермасмикан?*

— Ижодкорнинг жамоатчилик билан, одамлар билан мутасил бирга бўлиши унга кўп нараса беради. Чунки бу ҳолат тўхтовсиз қайнаб турган қозоннинг ичи. Бавзи ижодкорлар 3-4 йил ишламай, эркин ижод қилиб кўришди. Лекин барибир ижодкор маълум бир вақт четта чиқиши, ҳаётини банд қилган режа билан ёлғизланиб қолиши керак. Бунинг аҳамияти бор. Озгина муддат ёлғиз қолса ҳам, илму тажрибаси катта бўлса, кўп нарсаларни қорозга тушириб қолиши мумкин.

Шу боис кўпчилик ижодкор ишлайди. Чунки бунинг моддий томони ҳам бор...

— *Тахририятмига қорақалпоғистонлик бир газетадан хат келди: «Мақтаб кутубхонасидаги ҳалма китобларни ўқиб бўйдим. Ўша қандай китобларни ўқийин?», Муаллимларга қандай ёки қайси китобларни мутлақа қилиши тавсия этасиз?*

— Бу мактуб, албатта, асоссиз ёзилмаган, деб ўйлайман. Чунки ҳозирги кунда бу муаммодан холи мактаблар сонини, афсуски, кам деб бўлмайди. Айниқса, бутунти кунда мамлакатимиздаги мактаб кутубхоналарида янги алифбодати баъдий адабиётлар йўқ ҳисоби. Лекин бу борада бирмунча ишлар олиб борилапти. Жумладан, «Ўлрада» журнали ўтган йилнинг 5-сонидан бошлаб, жаҳон адабиёти намуналаридан бера бошлади. Бу ҳаракатни «Монххаузеннинг бошидан кечирганлари» қиссасини бериш билан бошладик. Шунинг таъсирими ёки ўқувчиларнинг матбуотга бўлган қизиқиши ортаётими, ҳар қалай, бу йил улар журналимизга биз кутгандан-да кўпроқ оёна бўлишди. Шу боис, жаҳон мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек романчилиги намуналарини янада кўпроқ бериб боришни ният қилганимиз. Токи кутубхоналар бундай китобларга тўлиб боргунча бу ҳаракат давом этади. Чунки мен ва тенгдошларим, биздан кейинги авлод ўша «Том Сойер...», «Том тоғанинг кулбаси», «Гулливернинг саёҳатлари», «Монххаузеннинг бошидан кечирганлари», «Робинзон Крузо»ларни ўрта мактаб давридаёқ ўқигани

Илгир бораётди мени фисилар...

эдик. Ҳатто ўқувчилар тахририятга мактуб йўллаб, булардан-да мураккаброқ асарлар бериб боришимизни сўрашмоқда. Демак, бутун дунё бўлувчи кун ўқувчиси нигоҳида мужассам. Шу боис, журналимизда олдий чўпчаклар эмас, ўқувчи онгини янги маълумот ва билим билан баҳоли қудрат бойитиш ҳаракатидамиз.

— *«Юрасида уй қуриш ишчи бўлмаса, мезмор унинг тарҳини чизмайди. Бўғдой бир йил олтин баҳосида, бошқа йил тулроқ қимматида сотилиши мумкин. Ҳар икки йилда ҳам у ўша — бўғдойдир. Бироқ унинг қади унга бўлган иш (эхтиёж) туфайли майдонга келмоқда. Худди шундай, сенинг санъатинг ҳам фақат сен учун азиядир. Ўша раббат кўрсатиб, уни севиб ўргатувчи (иш) топила-масунча, у шу ҳолда қолаверди», дейди улуғ мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румий. Сизнинг ижодингизга эҳтиёжмандларга қаб тилангиз?*

— Мавлоно Жалолиддин Румий Шарқнинг улў, кент қўламли, ҳаёларастларнинг ҳаёпараста, шу билан бирга, жуда аниқ фикрловчи мутафаккири. У «Ичиндаги ичин-дадир» асарида инсонга ўзининг (қалбининг) тозалай ол-дингми, Яратган хузурига боришга тайёرمىсан, ўзининг енга олдингми, деган саволни беради. Шу билан бирга риё-корликнинг оғир туноҳ эканини таъкидлайди. Мазкур аср инсонга унинг танлаган эътиқодига лойиқ бўлишдан таш-қари, уни улўғлай билиш лозимлигини ҳам уқтиради. У «Сенинг санъатинг сен учун азият», деганда ижодкор одам-панига катта масъулият юқтайди. Сен уни яратдингми, ўйла: нега яратдинг, кимга мўлжаллаб яратдинг ва бу кимнинг қўлига бориб тегди, деган маселани кўндаланг кўяди. Бу ишлар замирида эса, фақат биргина мақсад — комил ин-сон гоёси ётади. Шулар баробарида, мазкур асарда яратув-чилик қобилиятини сеза олган ва кишиларни ортидан эр-тиштира оладиган ҳамда ўз гоёсига нафакат содик қўлади-нин, балки уни янада ёритадиган, кучайтира оладиган ко-мил инсон гоёси мавжуд. «Ёруғлик», дедим. Менинча, Тинтри таоло инсониятга катта нур йўллаб қўйиб, ўзи шу нур ортида туради. Биз эса уни кўролмаймиз. Шу нурдан баҳраманд бўлган ва уни кўлайтирган инсонгина унинг қимматида яратган бўлади.

— *Кўнглингизда мактаб, муаллим билан боғлиқ қандай ўйлар кечмоқда? Муаллимларга истакларингиз!..*

— Тасаввур қилинг, жисмоний тарбия ўқитувчисининг химияни ўтиб кетиши ёки тарихчи келиб расмдан дарс бериши ёхуд эркак(аёл) киши ўтиши лозим бўлган дарсни аёл(эркак) киши ўтиб кетиши, бу — жуда ачинарли ҳодиса ҳисобланади. Сўнгги пайтлари айрим жойлардаги мактаблардан мангубердилар, румийлар, нақшбандлар, хўжа аҳрор вағайлар, бухорийлар, яссавийлар, тўмарислар, барчиноийлар, тўрабекхонимлар, нодирлар, увайсийлар етишиб чиқиши учун қаттиққўл бўлса-да, чакката урадиган тарсақиси қаттиқроқ бўлса-да, саркорлар лозим, деган фикрлар билдирилмоқда. Мен ҳам шулар баробарида ана шундай муаллимлар мактабининг қудратли кучидир, деган бўлардим. Мен «Таппашадиган вақтлар» шеърини қиссамда Яссавийнинг болалик даврдаги мактабдан чиқиши картинасини тасвирлаганман. У киши доим мактабдан чиқишда орқаси билан чиқади, яъни югуриб чиқиб кетмайди. Бу билан унда ментга сабоқ берган кишилар шу ерда, уларга текари бўлмай, деган аниқлаша бўлади. Бу картина ҳаёлимдан бир зум бўлса-да, кетмайди.

Ана шундай устозларга бўлган эҳтиромни бутунги кун ўқувчиларига ҳам тилатан бўлардим...

«Маърифат»,
2003 йил, 15 феврал

АДАБИЁТ — МИЛЛАТ РУХНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Халқ шоири Усмои АЗИМ билан суҳбат

— «Адабиёт яшаса — миллат яшар», деган Чўпон. Шу маънода буғун нечоғли яшаймиз? Буғунги ўзбек адабиётининг аҳволи ҳақида...

— Чўпоннинг гапи айни ҳақиқат. Шунинг учун мен ҳам «Кундузсиз кечалар» драмасида бу гапни яна бир бор Чўпон тилидан такрорлаганман. Бугун маънавият ва маърифат, миллий ғоя ҳақида гап кетганда эса буюк шоиримиз айтган бу ҳақиқат ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўймо-

Илғаб борёттир мени фаслар...

ғимиз зарур. Бутунги биз кураётган жамиятда Адабиётнинг ўрнини тўғри белгиламоғимиз, унинг маърифатли жамиятда тутиши керак бўлган мавқеини жойига қўймоғимиз лозим. Халқнинг руҳи адабиётда ва фақат адабиётда акс этишини, бу руҳ адабиётда ўсатганина ҳаётнинг руҳи ҳам ўсини тушуниб етмоқ пайти етди. Адабиётсиз маърифат ва маънавият жуда ғариб ва ночорлир.

Санъатнинг пойдеворини Адабиёт ташкил қилади. Театр, кино, мусиқа... адабиёт билан тирик. Адабиёт халқ руҳининг барҳаётлиги. Адабиёт йўрилган миллий ғоягина юраклардан табиийлиги билан жой олади, фикрларни маъжлантиради, илҳомлантиради. Бугун бутун дунё англаб турган бир нарсани биз ҳам тушуниб етмоғимиз шарт. Мен «ойнаи жаҳон» ҳақида тапирмоқчиман. Бу қудратли тарғибот ва ахборот воситаси юракларни саёзлаштириш билан «жилий» шуғулланапти. Йўқ, атайлаб эмас — унга ҳудо бергани шу! Биз бу хатарни тўғри англамоғимиз — ўзбекни фақат телеомошабин миллат эмас, балки китобхон миллат қилиб ҳам тарбияламоғимиз керак. Чунки ўзбекнинг миллий ўсиши, эслаб кўрсангиз, ҳамisha Адабиёт билан боғлиқ бўлган. Ватанпарварлик, мардлик, ҳилоллик, халқига меҳру оқибат каби хислатларнинг юракларда барқ уршини фақатгина жилий Адабиёт унда қилади. Бир мисол: «Ўткан кунлар»ни ўқиб, қанча ўзбек ярадли экан? Ўз қадри ҳақида ўйга толди экан?..

Бутуннинг яна бир жилий — тезлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоси — лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишимиз билан боғлиқ. Бу фақат Адабиётнинг эмас, балки умуммиллий йўсинда ечимини топиши шарт бўлган ва астойдил ғайрат-шижоватни талаб этилган иш. Маълумки, деярли ҳамма китобларимиз кинрилла ёзувида. Ҳозирги ёш авлод улардан баҳраманд бўлолмайди. Бу китобларни тезлик билан янги алифбомизга кўчирмоқ керак. Бунинг учун кенг қамровли, жилий му-тахассислардан иборат комиссия тузмоқ лозим. Улар Навоий кутубхонасига бориб, ўзбекчада нашр этилган китобларни бир-бир кўздан кечирмоғи ва лозим топилганини зудлик билан нашрга тавсия етмоғи шарт. Биз энди йилгитанинг-минглаб янги ёзувдаги китобларни чоп этишимизга тўғри келади. Бу китоблар ҳар бир кутубхонага етиб бо-

риши ҳақида алоҳида ғамхўрлик ҳам бу катта ва улғу шнинг ажралмас қисми бўлмоғи лозим. Шундагина биз нафақат иқтисодий ривожланган, балки маданиятимиз ҳам янада ривожланишига омил яратилган мамлакатга айланамиз.

Яна қайтариб айтман — Адабиёт миллат руҳининг пойдеворидир. Биз Навоий, Бобур, Қодирийлар миллати эканлигимизни бир зум ҳам унутмайлик. Бугун, маълум сабабларга кўра, ночор қолган Адабиётга кўмак бериш — аслида миллатимиз илдинини мустаҳкамлаш эканлигини эсдан чиқармайлик.

— *Кўпчилик шоирлар аксар насрий асарларни ўқийдиларини, ёзувчилар эса, шеър ўқийшини айтади. Сизда бу қандай? Энг охиригиз ўқиган китобингиз?*

— Бу саволга илгари қарладир жавоб берганман. Ҳа, мен насрий асарларни кўп ўқийман. Умуман, санъатнинг, ҳаётнинг кўп жабҳаларига ишқибозман. Хайларастман, десаммикан-эй... Бир нарса ёздиётган одам шундай бўлса керак-да... Энг сўнгги ўқиган китобим: Томас Вулф, «Ижод чанқоқлиги». Бу китобда муаллифнинг «Вақт ва дарё ҳақида» деб аталган қизик бир насрий тажрибасидан парчалар босилган.

— *Ўзaro суҳбатларда профессионализм ҳақида кўп гапирасиз...*

— Бу ҳақда ҳам кўп ёзганман. Ҳозир бир мисол билан чекланаман, ҳолос. Сиз касбини тўлиқ ўзлаштирмаган ҳайдовчи бошқараётган машинада сафарга чиқасизми? Чикмайсиз, баракалла! Энди касбини чала ўзлаштирган алибни тасаввур қилинг. Мен, кўпинча, китобларни бир-икки жумласини бошлаб ўқитанимдан сўнг ҳафсадам пир бўлади. «Ёзувчиман» деб даъво қилаётган акамнинг ёзишини кўрсангиз... Энг муҳими, ёзувчилик маҳоратини тўлиқ ўзлаштирмаслик истеъдоднинг чала очилишига, «сахна»дан эрта тушиб кетишига сабаб бўлади...

— *Кўп ижодкорлар ижодкор бўлиб шаклланишларида болаликлари катта роля ўйнаганини айтишади...*

— Истеъдод осмондан тушмайди. Уни ҳудо берган ёки бермаган бўлади. Ҳудо берганини ҳам йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Истеъдод ўзбекча шароитда, кўпинча болаликда йўқотилади. Бунга сабаб кўп ва бу алоҳида суҳбат мавзуси...

Нилуб бораёттир мени фасллар...

Мен китобни қадрлайдиган оилادا ўсанман. Бобом уста Холиёр улғу одам эди. У кишининг тарбияси, энди билсам, мента бир жаҳон билим берган экан. Нетадир, болалигимдан уйда мента шоир бўлади, деб қарашган... Йўк, мента алоҳида бир шароит яратиб беришгани йўк. Ўша давр болалари тортган ҳамма азобларни мен ҳам тортганман. Айниқса, отасизлигим... Аммо уйимизда ҳалоқ ва ҳаром, мардлик ва хийнат, қадр ва ўзини ерга уриш каби қарама-қаршилиқлар ўртасида қўйилган девор аниқ эди. Мен вужудим руҳимга сингиб етган шу ўзбекона қарашлар ҳамроҳидада айтман. Болалигим китоб ичида ўтгани, енгил-елли эмас, мақомларни эшитиб ўстаним, «Алпомиш»ни ўқиб улғайганим учун... Барчаси учун шукрона айтман.

— *Биринчи ўқитувчингизни қандай эслайсиз? Мактабда ижодий муҳит қандай бўлган?*

— Биринчи ўқитувчим Арслонов деган одам. Исмларини билмайман. Ҳамма фақат фамилиясини айтар эди. Ўзлари ҳам бизга исмларини айтмагандлар, шекилли... У киши, энди билсам, ҳақиқий Муаллим экандлар. Бирор болага овозини баландлатиб гапирганини эслай олмайман. Ҳаммага бир хил қарагандлар. Саводимизни тез чиқаргандлар. Иккинчи синфни битирганимиздан кейин у киши бошқа туманга кўчиб кетгандлар. Бизга бошқа киши дарс бера бошлаган. Шунда муаллимлар ҳам ҳар хил бўлишини илк бор ҳис қилганман.

— *Шеърларингизда кўтаринкилик оҳанг даражасига чиққан. Ҳаётда қандай инсонсиз?*

— Шеърларим ҳақида ўзим гапирмай... Қандай одамлигимга келсак... (Усмон ака кулади — Х.К.) Ўларинг айтингилар, қандай одамман? Яхши одамман-да! Майли, қандай одамлигини қонғозга ёзингилар-да, газетларингга босиб юбораверингилар. Нима деб ёзсаларинг ҳам чидайман...

— *Умуман, ижодкорнинг шахси ва ижоди ўртасидаги боғланиш ва фарқларга муносабатингиз?*

— Ижод ва ёзувчи шахси бир-бирини тўлдирди. Бавдани улғу шахсларнинг ижоди ҳаминқадар бўлади. Ижоди ўқилган катта адиблар ҳам бор. Биласиз, ҳозир ҳам бор.

— *Ҳозир арзуда кам ёзилаётганлиги бу вазининг эскирганидандими ё унда ҳар қим ҳам ёза олмаганидандими?*

— Вазн, ҳамма ўйлагандек, бирор-бир шоирнинг инжиқлиги эмас. Ҳар бир замоннинг ўз ритми бўлади. Замон ритмини англаган ижодкор бахтли ижодкордир. Умуман, истёъдодли одамлар санъатда буни тез англашади. Аммо шоир ҳамма вазнда ҳам озми-кўлми қалам тебратишни билса, яхши. Имкониятлари кенаяди. Энди ару ҳақида. Мен ҳам баъзан бу вазнга мурожаат қиламан. Лекин бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Аруда қанчалар ўзбекона ёзмайлик, барибир, форсий ва арабий тилларнинг нуқси уриб туради. Аммо, бу детални аруга тушиши лозим бўлган шеърдан воз кечиш керак, деталим эмас. Замон ритм танлагандек, шоирнинг феъли ҳам, маълум бир пайтдаги кайфияти ҳам, ҳар бир шеърнинг ўзи ҳам ритм танлайди. Аруда пайдо бўлиши лозим бўлган шеърни маҳорат йўқлигидан ушда қилолмаслик эса, ҳар ҳолда, шоир учун мақтовли иш эмас...

— *Шеърларингизни кўшиқ қилишган: Махмуд Навоӣ, Кумуш Раззоқова... Сиз учун кўшиқ нима?*

— Кўшиқ — яхши шеър, яхши мусика, яхши ижро. Шулардан бирортаси оқсаса, кўшиқ кўнглига етмайди.

— *Кино-видеолар ўз ўйинга, театр — ўлмас санъат. Бу-гуни шоирларимизнинг театрга муносабатларидан қониқасизми? Саҳнада яхши спектакллар қилишгани нима билан изоҳланадир?*

— Умуман, савияси паст асарларнинг пайдо бўлишида санъатнинг бирор турининг айби йўқ. Ҳамма нарсани истёъдодлар ва кўйилган мақсад ҳал қилади. Мен яхши кўралиган, қайта-қайта кўрим келадиган кинолар жуда кўп. Театр ҳақида бағалд баҳоларингиздан эса, хурсандман. Шоирларнинг театрга муносабатидан эса қониқмайман.

Ҳа, майли... Энди шоирлар ва театр ҳақида. Ҳақиқий шоирни шеър барибир — бир кунмас бир кун драматургията, демак, театрга олиб келади. Чўлпонни, Фитратни, Усмон Носирни, Ойбекни... Лоркани, Пушкинни, Лермонтовни... Ороповни, Воҳидовни эсланг. Театр санъати билан шоирнинг қизиқмаслиги бу — жуда кечириб бўлмас ҳол. Ҳар ҳолда, йилида пайдо бўлиб қоладиган бир-икки спектаклни, албатта, кўришлари лозим. Фақат шеър билан ўралашиб қолиш — истёъдоднинг ривожига, янгилалишига, кўламага ҳалал беради.

Яхши спектакллар камчилига келсак, бу ҳолни биринчи гада драматургияда истёъдодларнинг танқислиги би-

Илгў бораётир мени фасллар...

лан изоҳлардим. Театр ва кино учун Адабиёт юксак сарчашмадир. Демак, драматургия ва кинодраматургия бир оёқда оқсаса, улар икки оёқда оқсайди. Иккинчидан, театрда адабий дили бор, яхши асар билан бўш асарни фарқлай оладиган раҳбарлар, ҳар доимгидек кам. Учинчидан, санъатнинг қайсибир маънода коммерциялашуви умумсавиясини пасайтиришга олиб келаяпти. Тўртинчи муаммо — истёъдодли режиссёрлар бармоқ билан санарли...

— *Яна қандай айтиб сўзингиз бор?*

— Айтилган гапим кўп. Аммо сўраганда жавоб беришни беш-ўн йилдан буён ўзимга расм қилганман...

«Хуш»,
2000 йил 28 июн — 4 июл

ЎҚИТУВЧИСИНИ ҚЎЛИДА КЎТАРГАН ХАЛҚ

Фикрлаётган одам доимий ҳаракатда бўлади. Ҳаракат қилаётганининг аниқ мақсадлари бўлади. Аниқ мақсад тинимсиз ҳаракатга ундайди. Тинимсиз ҳаракат ранг-баранг фикрларнинг доғи. Бу — ижодкор Шахс ҳаёти.

«Офарин» — йилнинг энг яхши ижодкори» таллови бизга ана шундай шахсларни яна бир бор намоён этиб, ўрнат қилиб кўрсатмоқда. «Офарин» талловининг «Йилнинг энг яхши ёзувчиси» номинацияси бўйича топибди таниқли ёзувчи Хушид Ўстмуҳаммадга насиб этди. Адиб бу мукофотга «Бозор» романи, «Ҳажроним миндир менинг» қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда «Озод изтироб қувончлари» китоби учун лойиқ қўйилди.

— *Авадламбор, юксак мукофот соҳиби бўлаётганингиз билан барча муштарийларимиз номидан қутлаймиз. Айни дамда қўлингиздан нелар кечмоқда?*

— «Офарин» совринининг ўзи эътибор, мукофот. Шу муносабат билан табриклар эшитиш эса, мукофот устига мукофот бўлмоқда. Кўнглимдан кечаятган туйғу... Ижод тўхтамас, асарлар яратилса китоб ҳам чиқади, уни ўқийдиганлар ҳам, ҳатто кадрлайдиганлар ҳам топилади. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан республикамизда мана шундай нуфузли мукофотнинг тавсис этилишининг ўзбек ижод машаққатларининг қадрланиши, демакдир. Юрт раҳбари ва халқ ижод аҳлини ардоқласа, улар яратган асар-

ларга офаринлар айтиб турса, ишонинг, ёзувчи, шоирларимиз ўзбек адабиётини дунё адабиётининг юксак чўккиларига олиб чиқадиган асарлар яратиларига ва шу халққа офаринлар олиб келишга шак-шубҳа йўқ!

— *Сўхбатни анъанавий савоал-жавобдан бошлашсиз. Биринчи муаллимингиз ким?*

— Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани Худудидати 11-мактабда саккиз йил ўқиганман. 1958 йили 1 сентябрда биринчи бор синфга олиб киришганда биринчи қатордаги партани эгаллаб олиб, «Битта ўзим ўтираман!», деб хархаша қилганимда, онам(рахматли волидамиз бошланғич синфларга муаллимлик қилганлар, биринчи муаллимимиз Ирисали ака Мирвалиев(жойлари жаннатга бўлсин) роса кулишган. Жуда хокисор, фидойи ўқитувчи эдилар...

— *Адабиётда устоз-шогирдлик масаласи бугунги кунда бир қадар унутилгандек. Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорлар давридаги устоз-шогирд муносабатлари бугун унчалик кузатилмапти.*

— Батиний ижода устоз-шогирдлик бўлмай сира илгожи йўқ. Тўғри, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода сингари мўътабар устозлар яшаган даврда бу ҳолат бирмунча бошқачароқ кечган. Мисол учун устознинг айтгани-айтган, ҳатто ижод курсидада ўтирган пайтда ҳам «Абдулла Қаҳҳор нима деркан?», деган хавотир шогирдлар кўнглига гулгула солиб турган. Бу нечоғли яхши ёмон, мавқул ё номавқуллиги бўлак масала, аммо-декин ҳозир устоз-шогирдлик муҳити тубдан ўзгариб кетди. Эндилкида шогирд оёққа туриб олгач, устози айтган, ўратган йўл-йўриқлардан юрмай, ўзи фавқулодда йўналтишлар топса, шуниси мавқул, назаримда. Бундан хурсанд бўлиш керак. Бизнинг халқимизда ёши бир жойга бориб қолганича ота-онанинг этаги остида ўраллашиб юриш азалий урф, устозга салоқат борасида ҳам шу урфни маҳкам тутиб олсак, бундай кайфият бадиний ижод руҳига, табиатига эид, деб ўйлайман. Устозни нечоғли ҳурмат қилмай, у кишининг измидан қадам босиб ташқарига чиқмасам... адабиётта ҳам, у кишига ҳам хиёнат қилган бўламан. Қолаверса, ёзувчи учун ўзига қадар яратилган бутун инсоният адабиёти устоз! Тасаввур қилаётсизми? Навоидан бугунги кунда қалам тебратилишни бошлаган ёш ижодкоргача ҳам устозлик

қилиши мумкин... Айтмоқчиманки, янги фикр бера оладиган, янги шакл-шамойиллар яратилишга ундайдиган, бадиний тафаккур оламига янгидан-янги ҳаво олиб киралдиган ҳар қандай алибни УСТОЗ ҳисоблайман.

— *Ўтган асрнинг сўнгги йилларида уч китобингиз — «Бозор» (роман), «Ҳижронини мингдир менинг» (қисса), «Озод изтироб кўвончлари» (публицистика, адабий танқид) нашрдон чиқди. Сизнинг асарингиз асосида суратга олинган «Чаён-гул» бадиий фильми экранларга чиқарилади. Жамоат арбобисиз, муҳаррирлик, ижод... Ҳаммасига қандай уяғуранисиз?*

— Одам қанча иши, юмуши кўп бўлса, шунча кўп имконият, куч-қувват топаркан. Мен тиним билмайман, бўш ўтиришни тасаввур қилолмайман. Сир сифатида айтдиган бўлсам, ёзиш учун алоҳида шохона шарт-шароит, кайфият, махсус ҳолат талаб қилмайман — ёзавераман. Ёшларимиз орасида вақтни беҳуда совуриш касаллиги мента жуда оғир ботлади. «Ҳа-а, бекорчилик, юрибма-ан...», деган оҳангдиги гапни эшитсам фигоним фалакка чиқиб кетлади. Хой, оғайни, ҳозир бекор юрадиган пайтми! Ишла, бошининг кўтармай, туңлари уйкунг келмай ишла...

— *Сизни адабий танқидчи сифатида ҳам биламиз. Бугунги адабий жараёнга танқидчи сифатида баҳоингиз?*

— Адабий танқидчиликдан кўнглим тўлмайпти. Мавзуж-ғиж, баҳс-таълаб муаммо истатанча топилади, уларни нега ёзмаймиз, матбуот саҳифаларига олиб чиқмаймиз — сира тушунолмайман. Аксарият жамият бошидан кечиратган ўтиш даврини рўқач қилишди, ўтиш даври ўтсин, кейин асар яратамиз, танқидчилик қиламиз, деган гаплар кулоққа чалиниб қолади. Афсуски, бундай кайфиятдаги одам ўтиш даври билан бирга ўзи ҳам ёшини яшаб қўйишини, кейин кеч бўлишини хаёлига келтирмайди...

— *Биринчи ҳам роман ўқимасдан филология факультетини тугатиб келгиларни биламан. Улар ҳозир мактабларда дарс беришадими?.. Бугунги китобхоналик ҳақидаги фикрингиз?*

— Бу таънагли саволда жон бор. Сиз филология факультетида ўқиганларни айтаяпсиз, шу соҳада илмий иш ёқдиган, мутахассисман, деганлар орасида ҳам роман ўқиматган, умуман, бадиий жараёнга кузатмайдиган, ўқиса-да, ўқиганини илғаб ололмайдиандлар учрайди. Бунисига нима дейсиз? Ўша муаллим мактабда дарс берса, ўқувчи унга эр-

гашадими? Адабиётни севиб қоладими? Ўрни келганда айтсам, Жиззахнинг Форишдаги чекка тоғ қишлоқларидан бирида олдий ўқитувчи билан таплашиб, у кишининг адабиётдан хабардорлигини кўриб ҳавасим келди, ҳатто уялган жойларим ҳам бўлди. Китобхонлик мутахассис учунгина эмас, миллатни миллат қиладиган, халқнинг умумий дили, савиясини тарбиялайдиган, янгидан-янги инсоний турмуш даражалари мақомига олиб чиқадиган боқий мўъжиза! Китобхонлик мавзуси «Маврифат» газетасининг мунтазам руқнига айланишини, унга барча муаллимларнинг, ўқувчиларнинг жалб этилишини жуда-жуذا хоҳлайман!

— *Ўтган аср адабиётинингизга бир назар ташласак. Бир сўз билан айтганда, уни қандай таврифлар эдингиз?*

— XX аср ўзбек адабиёти ўз даврининг бадиий тафаккури сифатида тарихда қолади. Улкан адабий мактаб яратилди. Адабиёт қандай бўлиши керак ва қандай бўлмаслиги керак, деган саволга истаганча жавоб бера оладиган академияга айланди...

— *Бўёни қандай бўлади? Нарсинг очилмасан имкониётлари ҳақида кўп гапирмадингиз...*

— Дунёни бадиий идрок этишнинг чеки-чегараси йўқ. Замонавий бадиий тафаккур анча илгариллаб кетди. Ҳозирги жаҳон адабий жарёни ҳали биз кўриб, биз эшитмаган, биз «топиб» кўрмаган усуллари кўлламоқда, ИНСОННИ ўрганмоқда! Инсон бор экан, имкониётлар тугамайди, унинг адоғига етиш амримаҳол.

— *Тилакларингиз.*

— Адабиёт бўлмаса инсоният қандай яшар эди, деб сўрашди. Дунёни бадиий идрок этиш тўғрисида, дунё ғоятда ғариблашиб қолади. Бунинг иложи йўқ. Адабиёт йўқ дегани — ҳаёт тўхтади дегани! Ватанимиз энди рўшноликка эришиб, айни ижодни гуллаб-яшнаётган паллада неқбонликни кўлдан бермайлик. Қолаверса, Наврўз кунлари эзу тилаклар билан яшайлик. Халқимиз омон бўлсин, муаллимлик жамиятимизнинг энг ардоқли, энг нуфузли касб-корига айлانسин! Ўқитувчисини кафтида кўтара олган халқ сира-сира кам бўлмайди!..

«Маврифат»,
2001 йил, 17 март

Азиз СУЮН:

«АСИДА ШЕЪР ЁЗИЛАДИМИ,
КУЙЛАНАДИ?...»

— *Сўҳбатни биринчи муаллимингиз ҳақидаги хотираларингиз билан бошласак.*

— 1957 йилнинг узум пишмиги палласи эди. Замон тараққиётдан мутлақ четда қолиб кетган олис тоғ қишлоғида яшардик. Отам пода боқарди. Кечани кеча, кундунки кундун демай, мол орқасидан юрарди. Ҳатто юлдузлар бор шўлагарини таратиб нур сочётган оппоқ туғларда ҳам қиру адириларда, тоғу тошларда мол ҳайдар эди. Мен отамга чўлиқлик вазифасини ўтардим. Шундай кунларнинг бирида, аниқ эсимда бор, тушлик пайти бир киши ховлимизга кириб келди. Худди шу пайти укаларим билан бир дарахт шоҳига арқондан аргимчоқ ясаб, унда учардик. Бу одам мени шартта ушлаб олди.

— Катта йигит бўлиб қолибсан-ку, ёшинг нечада?— деди.

— 9да, — деб жавоб бердим.

— Фақат чўпонлик қилиб юраверасанми? Отангли мол боққани етмасмиди, сен мактабга боришинг керак, ўқийшинг керак. Сенинг тенгдошларинг аллақачон мактабларда ўқийди, — деди ва ҳозирок мактабга олиб кетишини айтди. Кийим-кечакларимга ҳам эътибор бермай мени ўзи билан олиб кетди.

Мактабни севиб қолдим. У ерда болалар жуда кўп эди. Улар аллақачон саводини чиқариб ултуришган, китобларни шариллатиб ўқир эдилар. Мента ҳам ҳар хил сурагли китоблар, дафтар-қалам тутқазилди. Ўқув йилининг охирига етар-етмас синфимизда энг аълочи ва намунали ўқувчи айландим. Мени бу ўқув сари етаклаб борган киши, кейин билсам, Қирқийит Абдулҳакимов экан. У менинг биринчи муаллимим бўлди. Қирқийит ака ҳозир 70 ёшдан ошиб кетган. У ғоятда қаттиккўл, ниҳоятда талабчан муаллим эди. Илк дарсларни мана шу муаллимдан олганман..

Албатта, мактабда дарс олганинг бошқача, лекин уни уйда мустаҳкамламасанг, кутилган натижаларни беравермаслиги мумкин. Мактабда ўқиганларимни раҳматли онам билан қайта-қайта такрорлар эдик. Онамни ҳоли-жонига кўймасдим, тушунмаган нарсаларимнинг охирига етмасам,

уйлаги лампа чироқ ўчмасди. Онам, харқалай, саволли экан-да. У мактабда лотин алифбоси жорий қилинган пайтда ўқиган эди, назаримда. Кирилл алифбосидан беҳабар эди. Аммо лотинчада ёза оларди. Демак, онам Норбоби Мамадали қизини ҳам биринчи муаллимларимдан деб биламан.

— *Мунаққид Иброҳим Фафуров: «Азим Суёнинг барча ёзганлари, бу — яшаш учун кураш», деган эди. Адабиёт сизга нималарни берди, нималарни ўргатди?»*

— Дунёни адабиётсиз тасаввур этолмайман. Ҳаётимни-ку қўяверинг. Адабиёт мен учун табиий заруриятдир. Биринчи шеърларимни 11-12 ёшимда ёза бошлаганман. Мана шундан буён адабиёт мента ҳаводир, мента сув қабилир. У менинг ҳаёт йўлимни белгилаб берди. Бошқача йўлни билмай ўташман, чопи. Шу пайтга қадар нимага эришган бўлсам, бунга, албатта, адабиёт сабабчидир. У мента яшаш-ни ўргатди, ҳаёт йўлларидати ҳар қандай қийинчиликлар-ни енгиб ўтишни ўргатди. Бетиним ҳаракат қилишни, фаолиятни юратимга жо қилди. Адабиёт қаҳрамонлари мента олис-олислардан йўл кўрсатиб турди. Мен уларга эртасиним. Энг муҳими, адабиёт мента Ватанини севишни ўргатди. Азиз газетхонлар бу гапларни баландпарвозликка йўймасинлар. Оқибатда ўзим ҳам баҳоли қудрат адабий қаҳрамонлар яратилган ҳаракат қилиб келапман. Устозим Иброҳим Фафуров ҳақ. У менинг ижодимни, мана, кўп йиллар-ки, кузатиб келаяпти. Ўзининг теран маслаҳатлари билан мента устозлик қилиб келмоқда. Шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истайман. Ҳар бир замоннинг, ҳар бир дав-рининг ўз адабий қаҳрамонлари бўлади. Улар, таъбир жониз бўлса, инсонларни етакловчи, олға бошловчи улкан куч-қудратдир. Бутун ҳам давр жамиятимизга хосу мос бадиий образлар яратилишини талаб қилмоқда. Бугуннинг қаҳра-монлари яратилиши керак. Улар ҳаётнинг ҳар бир йўлак-ларида, йўлларида бор. Фақат уларни топа билиш лозим.

— *Ижодингизда халқона оҳанглар устувор...*

— Дунёдаги жамини ижодкорлар ижодида боғалик, ўмирлик, ёшликнинг ўрни фойда муҳим. Чунки бу даврда инсоннинг бутун вужулида, тафаккурда атроф-муҳитнинг, кўрган-кечирганларининг, ўқиганларининг, турли-туман-кечинмаларининг, туйғуларининг, ҳолатларнинг шакл-шамойиллари муҳрланган бўлади. Улар бир умр сента ҳамроҳ ва ҳамроз бўлади.

Мен улгайган муҳит ҳақиқий катта халқнинг бир қайноқ парчасидир. Бутун улар ҳақида ўйласам, тоғ қишлоғининг тумонат, ажойиб-ғаройиб воқеалари, содда, тўпори одам-ларининг бой ибтидоий турмуш тарзи кўз олдимдан ўтаве-ради. Уларда бир сирлилик бор, уларда бир илоҳийлик мав-жуд. Улар шеърларимга бостириб қирадилар, насрий баён-ларимда ўз аксини топадилар. Қишлоғимизда Аваз бахши деган киши бўларди. Узоқ бова деган «Девона» лақабли сир-ли мўъжизакор овозга эга бўлган кишилар бўлар эди. Мур-тоз бова деган бир бобомиз эса, дўмбира, дутор ясарди. Унинг ясаган дуторлари, дўмбиралари Тошкентга етиб келган. Улар эл ичида, давраларда соз чалганларида, эски кўшиқларни қўйлаганларида мен дунёларни унўтиб тинг-лардим. Айниқса, бир ҳолат асло ёлдан кўтарилмади. Рамазон ойи бошланганда Аваз бахши бутун овул боғла-рини атрофига йиғиб олар, унга эртаниб, уйма-уй юриб рамазон кўшиқларини айтар эдик. Оҳ, бу оҳанглар, бу зам-замалар...

Ёки бобом мулла Суёнинг синглиси — Қизмон ам-мам айтиб берган кўшиқлар, кўҳна шеърлар мени сел қиларди. Мулла Суёнинг яна бир укаси — Деҳқон бобом дутор чалганда Накуртсой шовқинлари тинчиб қолгандек бўларди... Ёки тағин бир момом — Ойдош момонинг айтиб берган ривоятлари, ҳикоятлари, эртақлари мени ўзга ду-нёга олиб кетарди. Отам мулла Олимнинг ва бобом мулла Суёнинг Ясавий ҳикमतларини сел бўлиб ўқишларини айтмаёқ кўя қолай. Ёҳуд тўйларда, ҳа шу олдий тоғ қиш-лови тўйларида келинчақларининг, қизларнинг номсиз кўшиқларини айтмаймизми?

Ҳўш, шундай бир муҳитда вояга етган мендек бир бо-ланнинг... кейинчалик бир шоирнинг ижодида уларнинг таъ-сири сезилмаслиги мумкинми? Боғалигим кечган тоғлар эса гўзал Ўзбекистоннинг, тенгсиз мамлакатимнинг шои-рона бир тўшаларидир. Уларда катта шеър бор, катта шеъ-рий, катта адабиёт бор. Аслида ўзи шеър ёзилгани ёки қўйланганими?...

— *Бугунги адабий жараён, жумладан, ёшлар ижодига муносабатингиз?*

— Мана, мустақиллигимизнинг ҳадемай 10 йиллиги нишонланади. Албатта, бу жараёнда адабиёт ҳам ўз бурчига

эгалтик қилиши керак. Ёш ижодкорларнинг бутунти битикларини ўқиялман. Шерият ҳамон устувор йўналишда қолмоқда. Қўчқор Норқобилнинг чексизликка интилишлари, Абдували Қутбиддиннинг топаётган оҳанглири, Зебо Мирзаева ва Рустам Муҳромоннинг аллаовчи замоналари, Азиз Саид, Эшқобил Шукр, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг изланишлари, Иқбол Мирзо, Салим Ашур, Ҳалима Аҳмад, Гулжамол Асқарованинг излаб-излаб, топаётганлари мени қувонтиради. Назаримда, ёшлар прозада ҳам тақдорланмаган йўллар излаптилар. Уларнинг йўллари халқнинг илдири томон кетаётгандек.

— «Публицистика оқсаяпти» деган гаплар бўлаяпти?

— Албатта, бу гапларда жон бор. Публицистика ҳамма замонларда ҳам даврнинг овози бўлиб келган. Унинг вази-фаси бутунти замон манзараларини кенг миқёсларда таҳлил қилишдир, қўндалик воқеаларни рўй-рост, очик-ойдин кўрсатишдир. Бу борада кўпроқ журналистлар ташаббусни ўз зиммаларига олишлари керак. Бутунти журналистларимиз ижодида бадиий ва таҳлилий торлик яққол кўзга ташланмоқда. Ички бир қобикқа ўралиш мавжуд. Воқеа-ходисаларни жаҳоний жараёнлар билан уйғунлаштиришда ожизлик қилаптилар. Албатта, бу ҳолат узоққа чўзилмайди, деб ўйлайман. Ажойиб, ранг-баранг бадиий лавҳалар, очерклар, таҳлилий мақолалар ўз соҳибларини кўтиб ётибди. Ҳаётдаги ва, айниқса, мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар, миллитимиз келажигига дахлдор қисматлар, тақдирлар, ҳодисалар, воқеалар, ўзгаришлар, ички сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий янгилианишларнинг асоси кўп.

— Кўп газеталарда ёш талаба-журналистлар ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Ёш журналист бўлиб етишишлари учун уларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

— Назаримда, аввало, саволхонликларини оширишлари керак. Жаҳон журналистикасидаги тажрибалар кам ўрнатилапти. Бутун дунё нима билан нафас олмақда? Ёшлар бутун дунё мамлакатларидаги ҳамкасблари ижодлари билан қизиқишмаяптими? Уларнинг ёганларини деярли ўқийшаяптими? Ўз қаламларининг кучини катта сиёсат сари буришлари керак. Бутунти ўзбек журналисти фақат оддий хабар ёзишни эмас, балки аср техникаси билан ишлашни ҳам мукамал ўзлаштириб олиши даркор. Асримиз ин-

Илҳом бораётир мени фислар...
форматика асри, электроникалар, компьютерлар асри, ахборотлар асри. Журналист замон тараққийтидан ортда қолмасдан қалам ташлаши керак.

— Айни дамда қандай ижодий режалар билан бандисиз?

— Энг аввало, халқимнинг қамсукум бир шоири сифатида янги шеърый тўплам устида ишламоқдаман. У «Ўзбек-юр» деб аталади. Ўзимни чин маънода мустақиллик пешояр намани ёруғ қилган шоир ҳисоблайман. Бу тўла ҳақиқий озо Ватанинг, озо миллиятининг бўйи-бастини азот кўрсатишга хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, кузатиб бораётган бўлсангиз, бутунти ҳаётий жараёнларга ўз муносабатимни билдирувчи публицистик мақолалар эълон қилиб келапман.

— Шеър оламига бўйлаётган ёш муаллим ижодкорларга ўятларингиз.

— Шоирлик халқимиз табиатига хос бўлган туғма руҳий хислатлардан биридир. Кўпчилик шеър машқ қиладди, атар уларни шеър деб атаёқ. Шеърятда, адабиётда «муаллим-шоир», «шифокор-шоир», «инженер-шоир», «олим-шоир», «кочин-шоир» ва ҳоказо шоир, деган нарса йўқ. Шеър ёзиш бу — эрмак эмас. Шоирлик бу қисмат, қўшнинг учини табиий бўлганидек, бадиқнинг сузда сузиши табиий бўлганидек. Уларга тилагим: қўлига қалам олибими, шоирман деб ижод қилсинлар. Шоир билан назмбознинг, шоир билан шеърбознинг фарқини англасинлар, шеърбоз ҳолатига тушиб қолмасинлар. Жуда кўп «шоир»лар қаб.

— «Маврифат» муштарийларига тилакларингиз.

— «Маврифат» газетасини кўпдан ўқиб келаман. Бу га-зета халқимиз эъкорларининг кўлларида етиб бораётганидан мамнунман. Ҳозир бу газета мамлакатимизда адади, муштарийлари кўп бўлган газеталардан бири. Аёнки, инсоннинг қамол толиши бевосита мактаблар, эи масканлари билан боғлиқ. Газета жуда улкан куч. Ундан фойдаланиш масбулияти янада улкан. Худога шукр: ҳар биримиз маърифатли тараққиёт йўлини тутдик. Бундан қувонмоқ керак. Шу йўлда «Маврифат»чилар асло чарчамасинлар. «Маврифат» муштарийлари «Маврифат»чилар билан бирга бўлсинлар.

«Маврифат»,
2001 йил, 14 апрел

МИЛЛАТ ҚОНИ ВА ЖОНИ, УНИНГ ТИЛИ, АДАБИЁТИДАДІР

Сухбатдошимиз — Ваҳод Раҳмонов, филология фанлари номзоди, доцент. Гулистон давлат университети талабалирининг устози. «Ўзбек адабиёти» (8-синф учун дарслик-мажмуа) китобининг муаллифларидан бири. Ҳ киши муаллифлигидаги китоблар: «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат», «Шеър санъатлари» (1972, 2001); домла нашрга тайёрлаган китоблар: Алишер Навоий, «Лисон ут-тайр», Машраб, «Девон», Аваз, «Девон», Аваз, «Сайланима»...

— Ваҳод ака, сиз тажрибали матишунослардансиз. Матинларни аёсиз танқид қиласиз... Наҳотки, улар шунчалик танқидга дойiq бўласа?

— Сиз менинг оппонентларим тили билан гапираяпсиз. Нашрга тайёрловчилар матн мазмунини илрок этолмасалар, матнни эски ёзувдан бузиб кўчирсалар, ҳар бир китобда юзлаб хатолар учраса, мен дол демая, ким дол десин?! Балки сиз улуғ олимларимиздай мента тасалли берарсиз: «Кай-урманг, домла. Биринчи нашрида бузилса, кейинги нашрида тузалар», деб... Йўқ, биринчи гишт қийишқ қўйилгани — тамом. Масалан, Навоийнинг қуйидаги бузиб кўчирилган байти икки асрдан буён китоблардан китобларга ўтиб келмоқда:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул Султон Хусайн,
Топтинг эдикиким, тиларсен эмди султондин вафо?!*

Хатто Омон Мухтордек зукко адибимиз ана шу нуқсон қурбони бўлди. Ҳ киши Алишер Навоий ҳақида ёзган «Аҳли ишқ» романида ўқувчига, мана, Хусайн Бойқарога Навоий қандай муносабатда эди, деган маънода Навоийнинг юқоридаги «ўз» байтини келтирган.

Юқоридаги байт мазмунинга боқсак, муаллиф шоир Хусайн Бойқарони очиқчасига вафосиз деб ҳақорат қилмоқда... Бунга нима дейсиз? Бу усул Алишер Навоий руҳини қақшатиш эмасми? Ҳолбуки, шоир ёзган эди:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони хусн,
Топтинг эдикиким, тиларсен эмди султондин вафо?*

— Сизнинг 1972 йили эълон қилган «Шеър санъатлари» номли кўйилангансиз ўқитувчилар учун кейинги ўттиз йилда асосий қўлалима бўлди...

— Бадиий адабиётнинг барча замонларидаги маҳсулларидатасвирчанлик яратувчи омилилар бадиий санъатлар бўлади. Буларнинг дарсликка киритилгани, яхши. Бу, адабиётнинг назарий соҳаси, албатта. «Назария бадиий адабиёт ўқувчиси-га нима керак?», деб савол қўйилди ва мен жавоб берай.

Бадиий санъат илми — «Илми саноеъ» Шарқ адабиётшунослиги илмидир. Ҳ биз ўрганган Фарб адабиётшунослик илмидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: Европа адабиётшунослиги олимпиагина керак, таҳлил учун. Илми саноеъ эса, ўқувчи, шоир ва олимга бирдек зарур. Чунки ўқувчи ўрганса, ўқитган асарини чуқур тушуниб оладиган бадиий наззати икки баравар қучли бўлади; шоир ўрганса — бадиий маҳорати юксалади; олим ўрганса, теранроқ таҳлил қилишга ўрганади.

Ўқитувчи шеър санъатларини ўргатса, ўқувчида қадриятларимизга нисбатан хурмат ва муҳаббат ортади. Ҳ мумтоз адабиёт савиясига қойил қолади. Мана, бир мисол: Шермуҳаммад Муниснинг қуйидаги байтида ўн тўртта бадиий воқеа иштирок этган:

*Кўз каро қилма тайр қонига,
Қоним ич қона-қона, эй, каро кўз.*

Бадиий санъатларни изоҳлаб санайман:

биринчиси: байт «кўз» сўзи билан бошланиб, шу сўз такрори билан якунлангани учун тасдиқ санъати бўлади;

иккинчиси: биринчи мисра охиридаги «қон» сўзи иккинчи мисрага бошлаб такрорланмоқда — тасбе санъати; учинчиси: биринчи мисрадаги «кўз каро» сўзлари ўрин алмашиб иккинчи мисрада такрорланмоқда: тарди акс санъати;

тўртинчиси: «кўз каро қилмоқ» ибораси қўлланганки, бунинг маъноси бировнинг жонига қасд қилишдир. Байтда ибора қўлланилса, табири санъати бўлади;

бешинчиси: бир сўз ёнма-ён чизикча орқали такрорланса, муқаррар санъати бўлади;

олтинчиси: «Қоним ич қона-қона» сўзларида муволафа санъати бор;

еттинчиси: байтда «қ» товуши такрори кўп бўлгани учун тавбӣ санъати қатнашган, деймиз;

саккизинчиси: поэтикада бирор жисм ёки кишининг бир қисми айтилиб бутунлик назарда тутилса, синекдоха санъати бўлади: «қора кўз»;

тўққизинчи: «Эй, қора кўз» ундаймаси бировга нисбатан хитоб, мурожаат қилгани учун нидо санъатидир;

ўнинчи: «қора кўз» бирикмасида сифатлаш бор;

ўн биринчи: байтдаги бирор сўз ёки сўз бирикмаси бошқа сўзларга нисбатан қаттиқроқ товушда айтилса, илтифот санъати бўлади: «эй, қора кўз»;

ўн иккинчи: «қон» ва «қона» сўзлари нисбатиди тажниси зойид бор;

ўн учинчи: байт мазмунлида бировга бирор нарсга буюрилса, амр санъати бўладики, мазмундан сезилиб турибди;

ўн тўртинчи: байтда бировни бирор хатти-ҳаракатдан тийиш, қайтариш ёки ман этиш мазмунли бўлса, наҳй санъати бўлади...

Бундай санъатлардошликни ким, қайси шоирдан кўрсатиб бера олади? Бунни ўқувчи тингласа, идрок этса, Мунис маҳоратига қойил қолмайдими?

Утган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Алишер Навоийга бағишланган сонлида шоирнинг «Қора кўзум» ғазали матгаидан — бир байтдан ўнга бадий санъат кўрсатган эдим... Саккизинчи синф ўқитувчиси шуни ўқувчиларга тушунтиролса қандай яхши бўларди...

— *Сизни нимадир ҳафза қилади?*

— Кўп шоир ва олимларимизнинг мумтоз адабиётимиздан кам баҳрамандлиги ва ҳалқимизнинг ўзбек мумтоз адабиётидек буюк хазинадан бебаҳарлиги ранжитади.

Айрим шоирларимиз шакл ва мазмун излаб жаҳон шеъриятини ғалбидан ўтказадилару, ўз ёмбиларига — мумтоз адабиётимизга қайрилиб қарамайдилар? Улар назарида, мумтоз адабиёт археологларга керак бўлади, эл учун қиммати бўлмаган осори атиқа. Оламдаги бирор миллат ўзбек ҳалқи каби мумтоз адабиётдан бебаҳра яшмайди. Ҳатто зиёлиларимиз: олимлар ва филолог ўқитувчиларнинг мумтоз адабиёт ўқийдиганлари ҳам бир фоизга етмайди, деб ўқинаман. Бу ҳол, менинг қисқа ўйимча, қадри-

Нинд бораётур мени фаслад...

итларга юз бураётган бир даврдаги катта маданий нуқсонимиздир.

Барча синфларда ўзбек мумтоз адабиётини ўргатишга йўналтирилган адабиёт дарси бўлмоғи керак. Эски ўзбек тилини ўқувчи ўрганса: тилимиз бойлиги Навоий тилидан ҳам бойроқ бир адабий тилга айланадики, миллат қони ва жони унинг тили, адабиётлидир.

Айрим олимларимиздан кўнглим тўлматгани: мумтоз адабиётимиз мутахассислари форс адабиётини муқаммал билмайдилар. Бу жуда хижолатли ҳол. Негаки, айрим жанрлар ва достонлар сюжети ўша адабиёт таъсирида экан, биз асл илдишлардан бирита боқмасак бўладими?

— «*Маърифат*» ўқувчиларига тилагиниз?

— Умр бўйи маънавий камолот ҳосил қилишдан толмангиз. Бу эса, жуда осон: маза қилиб бадий асар ўқинг ва ёққанларини ёлланг.

«*Маърифат*»,
2003 йил, 25 июн

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД:

ИЖОДНИНГ АВВАЛИ МУҲАББАТДИР

Баҳром Рўзимухаммаднинг «Тоғушсиз қадам» (1987), «Теракка яқин юлдуз» (1989), «Икки нур» (1994), «Давсаман» (1995), «Тинч гулдайдиган дарак» (1997), «Қундуз сарҳадлари» (Сайланма, 1999), «Соялар сўхбат» (2006) шеърый тўпламлари, «Чўпон — тонг юлдузи, демас» (1997) рисоласи чоп этилган.

Шеърлари инглиз, немис, рус, турк, француз, ҳинд, асам, туркман, озарбойжон, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган.

— *Шуруат тоғдан тўрбалик ижодкорлар асарлари қаҳрамонларининг асарияти ўзларини маънавий, ахлоқий жиҳатдан жуда «эркин» тутишади. Бизда андиша пардаси ортанда қолдиган масалаларни улар бемамола тасвирлашади...*

— Адабиёт фанини адаб илми билангина боғласак, мавқени анча-мунча пасайтирган бўламыз. Негаки, одоғга ўрлатиш адабиёт амалга ошириши лозим бўлган вазифанинг кичик бир бўлаги, ҳолос.

Адабиёт — дунё, наинки дунё, қонинот ҳақидаги фан.

Адабиёт фалсафа билан уйғунлашиб мутлақ ҳақиқатни ах-тареди ва олам қай усулда яратилган, инсон қандай мав-жудот ўзи, яшайдан мақсад нима қабилидаги энг жиддий саволларга жавоб излайди.

Одамдан бошқа фикрини сўз орқали ифодалайдиган, уй-ҳаёлларини ёзиб қолдириб, минг йиллардан кейинги авлодларга етказадиган ўзга жонзотни билмаймиз. Эҳтимо-ли, ҳайвонлар кушлар бизга қоронғи сир-асрордан қис-ман воқифдирлар, лекин ҳеч бир мавжудот Яратганни ин-сондек куйиниб, мунтазам равишда ахтармаётгани бор гап. Ҳазрати Навоий инсонни ҳайвонот тўдасидан нутқ аж-ратди, дейди. Шеррий нутқ эса, одамни мукамаллик ма-қомига олиб чиқар экан:

*Уқим, чу жаҳон ҳаққини оғоз этти,
Сунъи қилқини нақшардоз этти.
Инсон хайли нутқ ила муштор этти,
Нутқ аҳлини назм ила сарафроз этти.*

Устоз Иброҳим Ғафуров Ф.Нишенинг «Зардушт та-валлоси» асари таржимасида «апо одам» атамасини ишла-тади. Ҳазрати Навоий ҳам инсондан юксакроқ мавжудотни орзу қилгани маълум.

Афсуски, бизда тасаввуф илми, бир қанча фалсафий йўналишлар, хусусан, экзистенциализм унчалик кенг тар-ғиб этилмаган. Шунинг учун ҳам, сиз таъкидлагандек, «эр-кин» ёзилган асарлар бошқача, ҳаттоки тескари тушунила-ди. Аксариятимиз то ҳануз асарни идрок қилишда омма да-ражасидан юқорида кўтарила олганимизча йўқ.

— *Сунъи пайтлари кўпроқ адабий танқидчи сифатида ижод қилаётгандексиз...*

— Болалигимизда дадам «движок»ни тариллатиб ёққанда чўғланаётган лампочка симларини кўриб қийқиришардик. Телевизор олиб келганида, булут маҳалла аҳли уйимизга йиғилган. Ўша вақтлари телевизор нақ мўъжизанинг ўзи эди. Адабиётдан завқланиш ҳам шунга яраша бўлган. Одам-лар китобни тафсилот ахтариб ўқишарди. Тўрт қатор гапни кофияга тизганни шоир дейишарди.

Булут-чи? Булут мактаб ўқувчилари компютер орқали дунёга чиқалилар. Техника мўъжизалари инсонни оптик

Шигаб бораёттир менг фикрлар...

хайратга солмай қўйди. Хўш, шундай экан, нега адабиёт ўзгармасин? Адабиёт тараққиётдан орқада қолиши мум-кинми? Алаҳуус, булут адабиёт кескин, ниҳоятда кес-кин ўзгарди. Хилма-хил оқимлар воқеликка кўчдики, буни олифатарчиликка йўмаслик лозим. Боиси, сўз санъати шаклини ўзгартирмаса таназулга маҳкумдир.

Яқинда «Қозоқ адабиёти» газетасида «Модернизмга анча кўникиб қолдик» сарлавҳали суҳбат ўқидим. Кўшни Қозоғистонда ҳам модернистик оқимларга қизиқиш ку-чайиб бораётган экан. ХХI асрни аҳборот асри, деб бежиз айтишмаган. Ҳеч бир миллий адабиёт модернизмни чет-лаб ўтиши мумкин эмас. Эртами-кечми, шу оқимга му ро-жаат қилинади.

Адабий танқидчиликка қизиқишим айнан шу оқим «ташрифи» билан изоҳланади. 1996 йили «Ўзбекистон ада-биёти ва санъати» газетаси модернизмни тушуниш тўғри-сида мақола эълон қилди. Мунаққид Аҳмад Отабой илти-мосита бинюан, кичиккина «Изоҳнома» ёзди. Шундан сўнг «Уйғониш фасли», «Юракка қайтиш азоби», «Қўнғил... янгилик қилиради» сарлавҳали мақолаларим мазкур га-зетادا ёритилди. Домларлар, мунаққид дўстлар далласи боис танқидчида «айланганим»ни ўзим ҳам билмай қолибман.

— *Бир ҳафсабим: «Шахматни яхши ўйнамайдиган журналист зўр мақола ёза олмайд», деган эди. Ижодкор-нинг қизиқишлари доираси ижодга ҳалла берадими ёки ёрдам?*

— Иосиф Бродский фикрича, тилга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг ҳолати гиёҳвандликка ўхшайди. Яъни сўздан бошқа ҳеч нарсадан ҳумори ёзилмайди. Гоҳида бола-чақани, оилани унутади. Ҳаётини шеърятга бағишлаб, ёлғизликда азоб-ўқубат чекиб яшаб ўтган шоирларни би-ламин.

«Шеър ёзиш жиноят эмас», дейди олмон шоири Ханс Маттус Энденсбергер. Аммо ич-ичидан шеърятни «ғай-ринисоний» қабул қилувчилар бор. Шу сабабдан ҳам шо-ирлар тўғрисида турлича миш-мишлар тарқалган. Айнан шу усулда шоирдан қасос оладилар. Демак, шоирлар бо-шқа нарсаларга ҳам қизиқиб туриши жоиз. Қизиқиш ижод-га ҳалал бермайди, аксинча, шоирни бир муддат сўз жо-дусидан асраб қолади.

— *Мақтабда қайси фанларни яхши ўқисансиз? Қайси-дан ёмон, агар шундай бўлса, нега?*

— Мен ўқитувчилар оиласида туғлиб, ўсдим. Далам, айтиш мумкинки, бутун ҳаётини мактаб соҳасига бағишладим. Кўп йиллар мобайнида биз ўқиган Шовот туманидаги Алишер Навоий номидаги ўрта мактабга директорлик қилдим. Бу мактаб, билишимча, фақат туманда эмас, балки вилоятда ҳам доврўқ қозонган. Онам мактабимизда математика фанидан дарс берар эди. Пошшо амаам бизни адабиётдан ўқитган. Синф раҳбаримиз бўлган. Шундай муҳида паст баҳоларга ўқиб бўладими, ахир?

Физика, математика жони-длим эди. Синфимизда фақат уч-тўрт нафар ўқувчигина шу фан кўникмаларини тез ўзлаштирган. Ойгул, Светлана каби синфдошларим қаторида ўрта мактабни олтин медал билан битирдим.

— *Устозлардан бири: «Профессионал шовр ихомини чакриб ола билмиш керак», деган эди. Сизда бу жараён қандай кечади? Умуман, ижодинг маълум технологияси борми?*

— Устоз Рауф Парфи: мен биринчи сатрни ёзишга қийналман, бир қатор ёганингдан сўнг шевр ўзи оқиб келаверди, деган эди. Ҳақиқатан ҳам, биринчи сатрни ёзиш қийин. Қогозга бир қатор тушса, қопанини эплаш профессионал шоирнинг кўлидан келади.

Мен кайфият яратишга интиламан. Камдан-кам ҳоллардагина қайгуга тушаман. Мен учун энг улкан қайгу — шевр ёзишдан тўхташим.

— *Юртимиз доврўғини дунёга таратишда спортчилардан сўнг санъаткорлар ва rassomlarимиз файдат қилишмоқда. Адабиётимиз ҳам улар қаторига қўйилиши учун нималар туסיқ бўлапти, деб ўйайсиз?*

— ХХI асрни аҳборот асри, дейишлади. Таржимонлар асри, қабилдаги гапларни ҳам кўп эшитамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сабаби, техника мўъжизалари забт этган замонда халқлар, мамлакатлар ўз адабиётидан зерика бошлади. Эндиликда асар айирбошлаш усули бадиий сўз санъатини кутқариб қолиши тайин. Бинобарин, таржимонлар — нажоткор куч.

Шак-шубҳа йўқки, замонавий ўзбек адабиёти шаклан ҳам, мазмунан ҳам баланд мақомдаги адабиёт. Агарда ўзбек

руҳини тушунадиган таржимонлар топила, бемалол дунё миқёсига чиқишимиз мумкин.

Мавриди келганда моҳир таржимон, шоир Аъзам Обидов файрат-шижотини алоҳида таъкилламоқчиман. Аъзам-жон қирқ саккиз нафар ўзбек шоири шеврларини инглиз тилига таржима қилди. Ана ўша таржима асосида Ҳиндистонда ассам тилида антологиямиз чоп этилди. Яна у Францияда ёрўғлик юзини кўрган антология ишита ҳам сезиларли ҳисса кўшди. Қисқача қилиб айтганда, бутунги кунда биз таржимонларга кўз тикиб турибмиз.

— *Сўнги вақтлари қандай асарлар ўқисиз?*

— Ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб «Ҳазойин ул-маоний» чордевонини қайтадан, бир бошдан синчиклаб ўқияпман. Астойдил ўқисангиз, муҳаббат оламига тушиб қолгандек сезасиз ўзингизни. Зотан, ижоднинг аввали муҳаббатдир. Навоий бобомиз олдий манзараларни ҳам муҳаббатга боғлайди:

*Кунгулар ноласи зудфунг камандиш ногохон кўрган,
Эрур андоқки, кушлар қичқуришқайлар йилон кўрган.*

Қанчалар нафис байт! Тўғри, инсон ҳам бир банда, ноқис банди. Лекин ишқ-муҳаббат туйғуси оламзод айбини «кўмиб» таштайди. Уни либар шахсиятта айлантиради.

*«Маврифат»,
2008 йил, 26 апрел*

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

БИРИНЧИ ФАСЛ

Мақтабдан қочиб кетган кешлар

Кўнларнинг аввали.....	6
Танийсан-а мениям, Наврўз.....	10
«Стюарт литтл»ни кўрганмисиз?.....	13
Мақтабдан қочиб кетган кешлар.....	18
Уйларингиз тинч бўлсин.....	28
Ароқ ичганмисиз?.....	31
Бобом, отам ва мен.....	40
Борлигимиз ва бирлигимиз рамзи.....	43
Тил ўрганишга, аввало, хоҳиш керак.....	48
Оила — миллат кўрғони.....	54
Кимки кўп ишлар қилибди, демак, вақтдан тўғри фойдаланибди.....	57

ИККИНЧИ ФАСЛ

Инсонни тушуниш санъати

«Муаллим десалар мени, қанийди».....	64
Қишлоғимиз виждони.....	66
Инсонни тушуниш санъати.....	69
«Доймо ўнг кўлимда бешик бўлган».....	70

УЧИНЧИ ФАСЛ

Ватанни қўйлаш осонми?

Ватанни қўйлаш осонми?.....	78
Америкалик ёзувчини қойил қолдирган режиссёр.....	80
Миллий қадриятларга қайтиш ёхуд ўқитувчидан чиққан санъаткор.....	85
Кўшиқлари дилбар Дилором опа.....	90

ТўRTINЧИ ФАСЛ

Китоб ўқишни биласизми?

Китоб ўқишни биласизми?.....	96
Икки йўл синтези.....	97
Севгининг даражаси.....	101
Адабиётми, литература?.....	103
Афсуски, тахминим тасдиқланди.....	106
«... Юрагингга олов тилайман».....	110
«Ўзаликка интилиш — ҳикматларга интилишдир».....	115
Адабиёт — миллат руҳининг пойдеворидир.....	120
Ўқитувчисини кўлида кўтарган халқ.....	125
«Аслида шеър ёзладими ё қўйладими?».....	129
Миллат қони ва жони, унинг тили, адабиётидадир... ..	134
Ижоднинг аввали муҳаббатдир.....	137

Ҳусан ҚАРВОНЛИ

ИЛҒАБ БОРАЁТИР МЕНИ ФАСЛЛАР...

Муҳаррир: *М. Саъдий*
Дизайнер: *Б. Жонтемиров*
Техник муҳаррир: *Ш. Тоғашаров*
Мусахҳиҳ: *А. Исмолов*
Матн терувчи: *Н. Жовмиргазева*

Босишга рухсат этилди 19.11.2010. Қоғоз бичими 84x108 1/32.
Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт табоғи 8,5.
Шартли босма табоғи 9,0. Адади 1000 нусха. Буюртма № 54.
Баҳоси келишув асосида.

“YANGI NASHR” нашриёти

“MEDIANASHR” МЧЖ босмахонасида босилди
Тошкент шаҳри. Чилонзор кўчаси 1 А-уй.